

**АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қувондиқ Оллоёров

**ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ
ОНОМАСТИКАСИ**

**Тошкент
“Adabiyot uchqunlari”
2017**

УДК: 87.36(759)

ББК: 87.74.(50)Н

Оллоёров, Қувондиқ

Хоразм достонлари ономастикаси / Қ.Оллоёров. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Урганч Давлат университети. –Тошкент, “Adabiyot uchqunlari” 2017 йил. 120 бет.

Ушбу монографияда Хоразм достонлари тилида учрайдиган ономастик бирликлар ҳақида сўз юритилади. Хоразм достонларидағи атоқли отлар тишлинослигимизнинг кейинги давр ютуқларига таянилган ҳолда замонавий тамойиллар асосида таҳлил қилинади.

Монография мазкур соҳага алоқадор кенг илмий жамоатчиликка ҳамда ўзбек халқининг маънавий қадриятларини ардокловчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Зарифбой Дўсимов, филология фанлари доктори, профессор, Коракалпегистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Такризчилар: Сарвар Рўзимбоев, филология фанлари номзоди, доцент. Равшан Худойбергаев, филология фанлари номзоди. Ирода Ҳожиева, филология фанлари номзоди, доцент.

Монография Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети кенгашининг 2017 йил 31 январдаги №6-мажлис қарори ва УрДУ эксперт комиссияси холосаларига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-992-56-6

© “Adabiyot uchqunlari”
© Қувондиқ Оллоёров

Ушбу китобимни волидаи мұхтарамам
Жумагул Болтаева ҳамда падари
бузрукворим Мадиёр Оллоёровларнинг
хотириасига бағишилайман.

КИРИШ

Халқ оғзаки ижоди намуналари узоқ даврлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ва турмуш тарзи, урф-одатлари, тарихи, аньаналари ва орзу-истаклари түғрисида мұхим маълумот берувчи бебаҳо манбадир. Айниқса, халқ достонлари ўзининг кўлами, бадиий-услубий воситалари ва энг муҳими, лисоний хусусиятларининг қадимийлиги билан аҳамиятлидир. Халқ достонлари тилида миллий тилимизга хос бўлган эски лексик, грамматик элементларнинг сақланиб қолганлиги, шунингдек, уларнинг бошқа (туркий ва туркий бўлмаган) тиллар билан тарихий алоқалари түғрисида маълумотларнинг мавжудлиги шубҳасиздир. Шу жиҳатдан, халқ оғзаки ижоди намуналарини тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш бугунги тилшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Айниқса, халқ достонларининг ҳар бири оғзаки айтилганидан, асрлар оша аллақанча ўзгариш ва катта-катта ишланишлар билан бизгача етиб келади, бунинг натижасида айни асарнинг бир талай версия ва вариантлари юзага келади¹. Табиийки, бу ҳолат уларнинг тил хусусиятлари жиҳатидан ҳам хилма-хил ўзгаришларга учрашига сабаб бўлади. Бу айни вақтда тилимизнинг ривожланиш босқичларини, айрим лисоний элементлар ва ҳодисаларнинг эволюциясини аниқлаш имконини беради.

Биз ушбу тадқиқотимизни хоразм халқ достонлари ономастикасининг тарихий-лисоний хусусиятларини ўрганишга бағишиладик. Гарчи, халқ достонларини тўплаш ва тадқиқ қилиш ишлари ўтган йигирманчи асрдан бошланган бўлса ҳам, уларнинг аксариятида бу материал фольклоршунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Ваҳоланки, халқ достонлари ўзининг кўламдорлиги ва ўзига хос мураккаб характерга эгалиги билан бошқа

¹ Ходи Зариф. Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганиш масалаларига доир. ЎТАМ –Т.: 1968. 1. –Б. 27.

жанрлардан фарқ қиласи. Айниқса, унинг лексик бойлиги халқ достонларини лисоний жиҳатдан ҳам ўрганиш зарурлигини тақозо этади. Бу тилимизнинг ечилиши зарур бўлган бир қатор муаммоларини ҳал қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қила олади. Х.Т.Зарипов достонлар лексикасининг аҳамияти ҳақида: “Бу бой лексика адабий тилимизни бойитиш учун асосий манбалардан ҳисобланганидек, ўзбек тили тарихини, шевалар тараққиёти йўлларини ўрганиш учун ҳам муҳимдир”¹, – деган эди. Ўзбек тилшунослари бу соҳада ҳам бир мунча тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ш.Шоабдураҳмоновнинг “Равшан” достонининг бадиий тили ҳақида” номли номзодлик диссертацияси ва бу мавзудаги бир қатор тадқиқотлари бу соҳадаги дастлабки ишлар деса бўлади². У достон лексикасига таянган ҳолда халқ оғзаки ижоди материалларининг услубий хусусиятлари, ижро жараёнида содир бўладиган фонетик ҳодисалар, синтактик имкониятлари, лексик ресурслар ҳақида муҳим умумлашмаларни ва хулосаларни ўртага ташлаган эди.

Атоқли отлар халқимиз кўп асрлар давомида ижод қилган муҳим лисоний ҳамда маданий-маънавий бойлиқдир. Улар (айниқса, топонимлар) халқнинг ўта қадимий даврлардан тортиб, шу кунларгача бўлган ноёб кузатишлари, тажрибалари, халқнинг дунёқараси ва эътиқодларини ўзида мужассам этган. Халқимиз қадимий даврлардан бошлаб жойлар, шахсларни номлаш бўйича бой тажриба ортирган, бирорта ҳам ном бесабаб, асоссиз қўйилмаган. Агарда номлар ифода қилган маъноларни ижтимоий-тарихий, тарихий-жўкрофий маълумотларни, номларнинг танланиш тамоийллари ва сабабларини, уларнинг келиб чиқиш тарихини таҳлил қилсак, бу ҳолат янада яққол кўринади.

¹ Заринов Х. Ўзбек халқ ижоди кўп томлигига кирадиган асарларни тайёрлаш принциплари. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. –Т.: 1978. –Б. 133.

² Шоабдураҳмонов Ш. Равшан достонида бадиий фонетика элементлари. Ўзбек халқ ижоди. –Т.: 1967. –Б. 23-30; О поэтических особенностях языка поэмы Равшан Эргаша Джуманбулбул оглы.//

Общественные науки в Узбекистане. 1970, X. –С. 24-27; Эргаш Жуманбулбул достонларида ифода ва тасвирийлик.//Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, V. –Б. 43-50; Равшан достони ҳақида.// Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. 2-китоб. –Т.: Фан, 1971. –Б. 146-172.

Тадқиқотчилар достонлар тил хусусиятларини яна-да чуқурроқ ва кенгроқ таҳлил қилиш мақсадида уларни тил бирликлари асосида ўрганишга эътибор қаратдилар. Р.Расуловнинг “Алпомиш” достонидаги сўзларнинг ўзаро синтактик боғланиши” номли номзодлик диссертацияси (1975) фольклор асарларининг синтактик қурилишига бағишлиланган бўлиб, унда сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатидаги тобе боғланиш, teng боғланиш ва уларнинг турлари тўғрисида муҳим фикрлар баён қилинган¹.

С. Турсуновнинг номзодлик диссертацияси достонлар тилининг лексик хусусиятларига бағишлиланган. Унинг “Алпомиш” достонининг лексик хусусиятлари” деб номланган тадқиқотида достон лексикасининг ўзига хос жиҳатлари, айниқса, фразеологизмлар, уларнинг ўрни, ҳажми ва қўлланиш частотасига алоҳида эътибор қаратган². Айрим тадқиқотчилар халқ достонлари лексикасини тарихий-этимологик жиҳатдан таҳлил қиласди. Жумладан, З.Холмонова “Шайбонийхон” достонининг лексик қатламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қиласди³. “Шайбонийхон” достони лексикаси” деб аталган ушбу номзодлик диссертациясида асар лексикаси ўз ва ўзлашган қатламга ажратилиб, уларни Пўлкан шоир – достон ижрочиси шевасининг ва адабий тилга муносабати масаласи нуқтаи назаридан таҳлил қиласди.

Дарҳақиқат, фольклор асарлари ва халқ шеваларининг ўзаро муносабати мавзуси диалектолог олимларнинг ҳам диққатини жалб қилган. Бу соҳада таниқли шевашунос олим А.Ишаевнинг тадқиқотлари эътиборга лойикдир⁴. У достонлар тили лисоний жиҳатдан икки аспектда ўрганилиши лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, достонлар тилини лексик-морфологик хусусиятларига кўра ва бадиий тил воситалари жиҳатдан

¹ Расулов Р.Синтактические связи между словами в дастане Алпомыш. АКД. –Тошкент, 1975. –С. 24.

² Турсунов С. Лексические особенности дастана Алпомыш. АКД. –Тошкет, 1990. –С. 19; Алпомиш достонининг лексик-фразеологик хусусиятларига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1986, III. –Б. 60.

³ Холмонова З. Шайбонийхон достони лексикаси. НДА. –Тошкент, 1999. –Б. 23.

⁴ Ишаев А. Достонлар тилининг баъзи бир хусусиятлари// Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. –Т.: Фан, 1971. –Б. 73-80; Шу муаллиф. Халқ достонлари лексикасидан// Ўзбек халқ ижоди. –Т.: Фан, 1977. –Б. 167-176. Шу муаллиф. Чамбил сўзининг этимологияси// Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. –Т.: Фан, 1978. –Б. 100-103. Шу муаллиф. Халқ достонлари лексикасига оид кузатишлар. ЎТА. –Т, 1980, V. –Б. 57.

ўрганиш ва тадқиқ қилиш яхшироқ самара беради. А.Ишаев бевосита достонлар ономастикаси муаммоларини ҳам ўрганишга уринган. У достонларда учрайдиган жой номларини таҳлил қилиш натижасида уларни достон яратилган ҳудуднинг тарихий-этнографик хусусиятлари билан боғлаш ва айрим номларни бошқа ҳудуддаги шундай ономастик бирликлар билан қиёсий тадқиқ қилиш орқали моддийлаштириш усулидан фойдаланган¹. Халқ достонларининг лисоний хусусиятларини ўрганиш мустақиллик йилларида яна ҳам жадаллашди.

Сўнгги йилларда бевосита Хоразм фольклори материалларини ўрганиш ишига эътибор кучайди. М.Жуманиёзова “Хоразм ҳалқ қўшиқлари лексикаси” (1999), Ж.Холмуродова “Шимолий Хоразм достонларининг тил хусусиятлари” (2000) мавзулари бўйича номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар².

С.Рўзимбоев ўзининг “Жанубий Хоразм достонларининг лисоний хусусиятлари (“Шахриёр” ва “Маликаи Завриё” қўлёзма достонлари асосида)” (2000) номли номзодлик иши эътиборга лойикдир³. Чунки бу иш бошқалардан фарқли китобат қилинган достонлар тадқиқига бағишлиланган. Қўлёзма достонларнинг оғзаки достонлардан фарқли жиҳати шундаки, улар жуда узоқ муддат олдин ёзиб олинган, китобат қилинган. Шу сабабли, улар кейинги авлодга ўзгармас матн ҳолатида етиб келган. Бу эса уларда тилимизнинг анча илгариги лисоний хусусиятлари сақланиб қолганлиги билан аҳамиятлидир.

Халқ достонлари тилини ўрганиш борасида С.М.Сарievнинг “Хоразм “Гўрўғли” достонларининг қўлёзма вариантлари” номли диссертацияси (2007)⁴ муҳим материал вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир. А.А.Холиковнинг “Гўрўғлининг туғилиши” достони тилининг лексик-

¹ Ишаев А. Шоҳсанамнинг ватани қаер? Фан ва турмуш. –Тошкент, 1971, №11. –Б. 26-27.

² Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм достонлари лексикасининг услубий-функционал хусусиятлари. НД. Тошкент, 2000.

³ Рўзимбоев С.С. Жанубий Хоразм достонларининг лисоний хусусиятлари. (Шахриёр ва Маликаи Завриё қўлёзма достонлари асосида) НДА. –Тошкент, 2000.

⁴ Сарiev С.М. Хоразм Гўрўғли достонларининг қўлёзма вариантлари. НДА. –Тошкент, 2007. –Б. 23.

семантик хусусиятлари (2009) номли тадқиқотида биз ўрганаётган масалалар бўйича ҳам айрим фикрлар билдирилган¹. Халқ достонларининг тил хусусиятлари масаласини тадқиқ қилишда йирик қорақалпоқ олими О.Бекбауловнинг хизматлари анча салмоқлидир. Унинг “Қаҳрамонлик эпосининг араб-форсий лексикаси ва унинг тарихий-лингвистик характеристикаси”² деб номланган монографияси Оролбўйи ҳудудида яшаб келаётган халқларнинг қадимий, тарихий алоқалари ва бунинг аҳоли тилида, айниқса, халқ оғзаки ижодида акс этиш масалаларини англаш борасида анча муҳимдир. Гарчи, муаллиф қорақалпоқ достонлари лексикасида қўлланадиган арабий ва форсий лексика ҳақида сўз юритган бўлса ҳам, унинг фикрлари ўзбек тили ва тилшунослиги учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки тадқиқотчи монографияда келтирган ва изоҳлаган икки минг беш юзга яқин арабий ва форсий сўзларнинг деярли барчаси Хоразм халқ достонлари тилида ҳам баъзи фонетик тафовутлар билан қўлланган. Бу факт хоразм ва қорақалпоқ халқ достонларининг илдизлари муштарақ эканлигидан дарак беради.

Ўрни билан шуни таъкидлаш лозимки, Урганч Давлат университети олимлари томонидан профессор С.Р.Рўзимбоев раҳбарлигига халқ достонларининг оғзаки ва китобий вариантларини бахши ва қиссанхонлардан ёзиб олиб, тўплаб нашр қилинди³. Бу достонлар “Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркумларини ташкил қилиб, ҳозир уларнинг сони ўттиздан ортиқдир. Улар нафақат воҳамизда истиқомат қилувчи ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқларининг, балки Кавказ ва Сибирь ўлкаларида яшовчи туркий қавмларнинг тарихий алоқалари ҳақида маълумот берувчи муҳим меросдир.

Таъкидлаганимиздек, халқ достонларининг лисоний хусусиятлари ҳақида айрим фикрлар айтилган бўлса ҳам, уларнинг муҳим қисми

¹ Холиков А.А. Гўрўғлининг туғилиши достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. –Тошкент, 2009. –Б. 24.

² Бекбаулов О. Қаҳарманлық эпостың, араб-парсы лексикаси ҳам анық тарихий-лингвистикалық характеристикасы. –Нөкис, Каракалпакстан, 1979.

³ Гўрўғли. –Урганч, 2004; Ошиқнома, I китоб. –Урганч, 2006; II китоб, –Урганч, 2006; III китоб. –Урганч, 2008; IV китоб. –Урганч, 2009. (нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, С.С.Рўзимбоев, Г.Эшчанова).

ҳисобланган ономастик бирликлар ҳозиргача илмий тадқиқот обьекти бўлган эмас. Зеро, ҳозирги давр халқимиз тарихининг айрим нохолис ёритилган саҳифалари қайта кўришга муҳтож эканлигини намоён этмоқда. Шунинг учун ҳам, узок даврнинг маҳсули бўлган атоқли отларни таҳлил қилиш маълум маънода бу соҳада ҳам кўмак бериши шубҳасизdir. Чунки истибод даврида тарихга, тарихий ҳақиқатга бир томонлама, давр мафкураси манфаати позициясидан баҳо берилган эди. Маълумки, халқ оғзаки ижоди намуналаридаги атоқли отлар, гарчи, ўзига хос хусусиятларга эга бўлса ҳам, воҳа ономастик тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, уларни тадқиқ қилиш Хоразм ономастикасининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоғи лозим деб ўйлаймиз.

Хоразм ономастик тизимининг шаклланиши ғоят мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки бугунги кундаги Хоразм ҳудуди турли уруғ қабилалар, ҳар хил генетикага эга тиллар бир-бири билан аралашган, тўқнашган макондир. Бу, албатта, топонимикада, умуман, ономастик тизимда ўз аксини қолдирмай иложи йўқ. Хоразм воҳаси ҳудудида унинг узок асрлар давомидаги тарихий жараёнида тил жиҳатидан турли тиллар оиласига кирувчи ва турли манбаларга мансуб кишиларнинг яшагани маълум. Бу, шубҳасиз, ҳозирги Хоразм шевалари (ва умуман, туркий тилларнинг кўпчилиги) лексикасида, хусусан, тарихий топономиясида ўз аксини қолдирган. Халқ достонлари лексикаси ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур ҳудуд ўзининг географик шароити билан турли этногенетик ва маданий алоқаларнинг тўқнашган, аралашган ўрни бўлган. Хоразм воҳасининг Ғарб ва Шарқ мамлакатларини бир-бири билан боғловчи йўлда жойлашганлиги ва бошқа тарихий-сиёсий шароитлар бу ерда бир томондан Урал, Волга бўйи ва Ғарбий Сибирь халқларининг, иккинчи томондан, Ўрта Осиё, Эрон, Олд Осиё, Закавказье халқлари ва бошқа томондан Ҳиндистон этник гуруҳларининг тили, маданияти аралашувига, тўқнашувига сабаб бўлган. Хоразм аҳолисининг этник таркиби ўтмишда жуда мураккаб ва хилма-хил бўлганлиги, айниқса, бу хусусият унинг

жанубий қисмida жуда ёрқин сақланганлиги кўпгина тарихий-этнографик асарларда қайд этилган¹.

Хоразм шевалари лексикасини, хусусан, унинг топонимиясини кузатиш мазкур шевада хоразмий тили элементлари сақланиб қолганини кўрсатади. Гарчи, бу тил XIII-XIV асрларда бутунлай туркий тиллар билан аралашиб, ассимиляциялашган бўлса ҳам, ҳозирги кунда Хоразм топонимиясида кўплаб грамматик ва лексик элементлар сақланганки, шубҳасиз, бу тилнинг эрон тиллари оиласига, аникроғи, унинг шарқий эрон тармоғига мансублигини исбот этади. Кўпгина топонимик элементлар ҳозирги форс тиллари асосида жуда аниқ изоҳланади. Аммо топонимлар орасида шундай топонимик асослар ва формантлар мавжудки, уни ҳозирги форс тиллари материали асосида изоҳлаш мумкин эмас². Бу факт Хоразм ономастикасида субстрат номларнинг ўзига хос лингвистик хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади. Айни вақтда, улар хоразмликлар этногенезида эрон элементларидан фарқ қилувчи бошқа этник элементлар иштирок қилган бўлиши мумкин, деб хулоса қилиш учун асос бўла олади.

Хоразм воҳасидаги бу мураккаб этнолингвистик жараён хоразмийлар ва ҳозирги Хоразмда истиқомат қилувчи аҳоли тилида ўз изини қолдирганлиги шубҳасизdir. Шундай экан, Хоразм топонимиясининг шаклланишида, умуман, Хоразм тарихий ономастикасида, унинг тараққиёт босқичларини белгилашда бу мухим жиҳатларни эътиборга олиш мутлақо зарурдир. Ўрта Осиё, шу жумладан, Хоразмда истиқомат қилган халқларнинг эр.ав. VI асрдан то эрамизнинг VII асригача бўлган маълумотларни фан чет мамлакатларда яратилган манбалардан олган. Қадимги форс ёзувлари, грек ва лотин, арман ва сурялийк географлар ва тарихчилар келтирган маълумотлар, қадимги Хитой тарихий этнографик адабиёти шундай манбалардир.

¹ Вамбери Г. Путешествие по Средней Азии , –СПб, 1865. –Б. 170-171.

² Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. –Т.: ЎзФА, 1961. –Б. 236.

Хоразм номи форс ёзувларида, “Авесто”да ва паҳлавий тилида ёзилган диний асарларда, грек, лотин, хитой ва арман манбаларида бир неча бор тилга олинади. Бирок уларда ўлка ва унинг аҳолиси тўғрисида батафсил маълумот берилган эмас. Абу Райҳон Берунийнинг “Хоразм тарихи” асарида ҳам бу ўлка тарихи ҳақида схематик маълумотлар берилган. У африғийлар сулоласининг (305–995) йигирма икки ҳукмдорини санаб ўтади. Баъзиларининг ҳукмдорлик қилган йиллари тўғрисида хронологик маълумотлар келтиради.

Олимлар шу нарсани қайд қилиб ўтган эдиларки, турли хил қадимги адабий ёдгорликларда учровчи Хоразмга оид қисқа-қисқа маълумотлар Хоразм Ўрта Шарқ ва Шарқий Европанинг қадимги тарихида салмоқли ўрин тутганлигидан дарак беради. Хоразм воҳасининг тўзонли тарихида бу ердаги аҳолининг узлуксиз курашлар олиб борганлиги, ўлканинг гоҳо мислсиз гуллаши ва ривожланишини, гоҳо инқирозга юз тутиб, ўнлаб шаҳарларнинг харобага айланганлигини кўриш мумкин. Эрамиздан олдинги VI асрларда Хоразм ривожланган ва мустаҳкам давлатга айланди. У энди турли босқинчилик урушлари олиб бора бошлади. Антик давр тарихчиси Геродотнинг ёзишича, Хоразм давлати бу давларда ҳозирги Туркманистон жанубидаги ерларни ҳам ўзига бўйсундирган эди¹. (Геродот. Тарих. 1. 201–205)

Аммо кейинчалик Хоразмнинг қудратига путур етади. Эрон шоҳлари Кир ва Дарий унинг маълум қисмини босиб оладилар ва ўзларига тобе худудга айлантирадилар. Эрамиздан олдинги I асрларда Ўрта Осиё территориясида Ҳиндистонни ҳам ўз ичига олган, Шарқда энг йирик Кушон империяси вужудга келади. Кушон империяси составига кирган Хоразм эрамизнинг III асрларида яна ўз мустақиллигига эришади ва ривожланиш даврига ўтади.

Бизнинг давримизгача ўз бағрида ажойиб маданият ёдгорликларини сақлаган Тупроққалъя қўргони шу даврда барпо этилган. Бизгача етиб келган

¹ Древние авторы о Средней Азии (VI в.до н.э. – III в.н.э.) под. ред. Л.В.Баженова. –Т., 1940. –Б. 6.

археологик материалларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда хоразмий тили аста тараққий этган. Хоразмда оромий ёзуви асосидаги ёзув системаси мавжуд эди, шунингдек, химия, география, астрономия, геометрия, минерология каби фанлар ривожланди. Умуман, ҳозирги Хоразм халқи шаклланиши, уларнинг этногенезини ўрганишда археологик топилмалар билан бир қаторда, шу кунги тирик шева материаллари, халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, ономастик бирликларнинг аҳамияти каттадир. Аммо шу кунгача фольклор ономастикаси илмий жиҳатдан текширувга тортилмаган.

Атоқли отлар ҳам тил бирликлари бўлиб, жамият тараққиёти ва унда рўй берган ўзгаришлар, диний ва миллий анъаналар ҳар бир даврда шу давр мафкураси ва маданияти билан боғлиқ ҳолда тилнинг луғат составидан ўрин олиб боради. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бир тушунчани ифода этувчи номлар факат ўзи мансуб бўлган, фаолият кўрсатадиган тилнинг лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятларини ўзида мужассам этган бўлади.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ўтмишдаги атоқли отларни ўрганиш билан боғлиқ мураккаб муаммолардан бири тарихий номлар тушунчасини аниқлашдир¹. Тарихий номлар мажмуини замонавий исмлар фондидан фарқлаш мураккаб масаладир. Чунки тарихий деб юритилувчи кўпгина номлар ҳозирги давр ономастик фондида ҳам истеъмолда бўлиб, фаол қўлланмоқда. Бундай номлар тилда пайдо бўлиш ва яшаш даврига кўра тарихий бўлса-да, қўлланиши, ҳаётйлигига кўра замонавийдир. Бу, айниқса, антропонимлар тизимида яққол намоён бўлади. Исмнинг тарихий эканлигини белгилаш унинг маълум ўтмиш тарихий ёзма манбаларда ёки фольклор тилида учраши каби хусусиятларига асосланиши лозим.

Достонлар ономастик тизимини тадқиқ қилиш натижасида олинган хулоса ва назарий умумлашмалар тарихий номларни бугунги ономастик

¹ Хусанов Н.А. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидағи антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. ДДА. – Тошкент, 2000. –Б. 8.

тизим билан қиёсий таҳлил қилишда, ономастик тизимнинг ривожланиши, тараққий қилиш ва бойиш қонуниятларини очища ӯзбек тили лексикасининг тарихий қатламлари, хусусан, субстрат қатлам маъносига ойдинликлар киритиши мумкин.

I БОБ.

АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ЛУГАВИЙ-МАЬНОВИЙ ГУРУХЛАРИ

Фольклор ономастикаси тилимиздаги атоқли отлар тизимида муҳим ўрин тутувчи бирликлардир. Чунки халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг ҳам, бадиий адабиёт тилининг ҳам барча услубий, лексик ва грамматик унсурлари жонли сўзлашув тили (халқ шевалари) материаллари заминида ташкил топади, унга асосланади. Жонли сўзлашув тили жуда ранг-баранг, унинг лексикаси жуда бой. Шевалардаги тафовут тилдаги атоқли отлар мажмуасида ҳам акс этади. Аммо айрим тадқиқчиларнинг фикрича, “бадиий асар ва фольклорда учрайдиган атоқли отлар қанчалик қимматли фактлар бўлмасин, маълум миллат тилидаги топоним ва антропонимлар бўйича, бой материални тўлиқ ва етарли даражада гавдалантирумайди, унинг бутун моҳиятини акс эттира олмайди. Чунки бадиий асарлардаги киши номлари кўпроқ стилистик мақсадларга йўналтирилган, ўшанга мос ҳолда, танланган символик характердаги тўқима номлардан иборатдир”¹.

Халқ достонлари ономастикасини кузатиш бу фикрни қисман тўғри деб қабул қилиш учун бир қатор асослар беради. Зеро, фольклор асарларидағи атоқли отлар стилистик мақсадлардан ташқари яна бошқа бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгаки, уларни тадқиқ қилиш тарих, этнография ва умуман маданиятимиз учун ҳам фойдали материалларни мужассамлаштирган. Улар бир томондан синхрон фактлар ҳисобланса, иккинчи томондан, жуда қадимий ва кўхна номлардир. Шунга кўра, ономастик тадқиқотларда номларни таҳлил қилишнинг тавсифий, тарихий, қиёсий ҳамда тарихий-этимологик усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Марказий Осиёдаги туркий ва туркий бўлмаган халқлар тилининг ономастикасида муайян даражада муштараклик мавжуд. Бундай муштаракликнинг юзага келишида ўша халқларнинг тарихий келиб чиқиши, уруғ-қабила силсиласидаги умумийлик ва яқин иқтисодий-маданий алоқалар асос бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам ўзбек тилидаги, хусусан,

¹ Жўраев Б.Ж, Бегматов Э.А. Атоқли отларни ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар. ЎТА, 1966. – Б.57.

Хоразм халқ оғзаки ижодидаги материалларни ушбу минтақадаги бир қатор қардош тиллардаги ана шундай материаллар билан чоғишириб ўрганиш мухим хulosалар чиқариш учун асос бўладиган натижалар бериши мумкин.

Хоразм достонлари тилида ономастик бирликларнинг турли хил кўринишлари мавжуд. Достонларда номларнинг катта қисмини жой номлари ва киши номлари ташкил қиласди. Достонлардаги афсонавий шаҳарлар, вилоятлар, тоғлар, чўллар, кўллар ва бошқа топообъектларнинг кўлами бир томондан *Гуржистон* билан *Догистон* худудларига тааллуқли бўлса, иккинчи томондан, *Хитой*, *Чин-Мочин*, бир томони *Рум*, *Озарбайжон*, яна бир томони *Эрон* билан Истамбулга бориб тақалади. Воқеалар ана шу мамлакатлардаги вилоятлар доирасида тоғлар, чўллар, қишлоқлар ва шаҳарларда содир бўлади. Хоразм достонлари ёки бошқа фольклор жанрларида учрайдиган жой номларининг бир қисми Осиё қитъасида мавжуд кўпчиликка таниш бўлган номлар: масалан, *Техрон*, *Эрон*, *Истамбул*, *Макка*, *Мадина*, *Багдод*, *Исфаҳон*, *Арабистон*, *Хоразм*, *Озарбайжон* каби номлар бўлса, бошқа бир қисми достонлардаги воқеанинг ривожи ва вазиятига қараб, аперистик мақсадлар юклатилган афсонавий символик характердаги номлардир: масалан, *Арзиум шахри*, (арз–эл, ер; ҳамда *Рум*, яъни “*Рум эли*” маъносида), *Хўжадоғ*, *Юлдуз доги*, *Чор дөгли Чондибел* (чор–тўрт, дөг–тоғ; яъни, “*тўрт тоғли Чондибел*” маъносида), *Сарчаман боди*, *Сарҳовуз* ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, достонларда учрайдиган номларнинг аксарияти кўпчилик учун лексик-семантик жиҳатдан тушунарли бўлса ҳам, уларнинг қаерда ишлатилганлиги, реал бир обьект билан боғланиши локализациялашуви анча мушкулдир.

Хоразм достонларида кўплаб уруғ, қабила ва халқ номларини англатувчи этномимлар ҳам учрайди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон, хусусан, хоразм ҳудудида яшаган туркий халқлар бўлса, бошқа қисми туркий бўлмаган халқларга алоқадор бўлиб, уларнинг илдизлари ҳинд-европа

халқарига бориб тақалади: *туркман, такали туркман, эрсари, эмрели, ўн минг уйли, фаранг, мўгул, хитой* ва ҳоказолар.

Достонлар лексикасидаги киши исмлари, яъни антропонимлар ҳам алоҳида гуруҳни ташкил қиласди. Уларнинг лексик-семантик таҳлили шуни кўрсатадики, киши номларининг бир қисми тарихий шахслар номлари бўлса, яна бир гурухи афсонавий ва мифологик исмлардир. Достонларда учрайдиган антропонимларнинг энг фаол қисмини пайғамбарлар ҳамда Оллоҳ ва унинг сифатларини ифодаловчи номлар ташкил қиласди: *Нух, Мусо, Шииш, Ёқуб, Исо, Умар, Али, Абу Бакр, Шоҳимардон* ва бошқалар.

Маълумки, кишиларга лақаб қўйиш туркий халқлар орасида кенг тарқалган қадимий одатлардан бири бўлиб, лақаблар турли йўллар билан пайдо бўлади. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Улар шахснинг насл-насаби, яшаш жойи, ташқи қўриниши, характеристига хос бўлган хусусий белги, касб-кори каби қўплаб факторларга асосланади: *Сонор қўса, Ултонтоз, Хисравиоҳ, Искандар Зулқарнайн* ва бошқалар.

Булардан ташқари, достонлар ономастикасида ҳайвонларга атаб қўйилган номлар, ўсимликларнинг номлари ҳам учрайдики, уларнинг семантик хусусиятларни тадқиқ қилиш ҳам тилимиз тарихини ўрганиш, унинг бошқа тиллар билан алоқаларини аниқлашдан ташқари, лингвопоэтик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Хоразм достонларида учрайдиган атоқли отларни қўйидаги лексик-семантик гуруҳларга ажратдик: топонимлар (жой номлари), антропонимлар (киши номлари), бошқа турдаги ономастик гуруҳлар, мифоним ва теонимлар.

1.1. Жой номлари

Достонларда учрайдиган жой номлари ўзининг характеристи ва бажарадиган вазифасига кўра турли хилдир. Айрим номлар бугунги кунда ҳам мавжуд реал номлардир. Масалан: *Андижон, Бухоро, Урганч, Хива, Чоржўй, Тошкент* ва бошқалар. Уларнинг айримлари ўз жойлашиш худудига кўра Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга алоқадор бўлса, баъзилари ўзга худудларга хосдир, жумладан, *Румистон, Багдод, Арабистон*,

Макка, Мадина, Исфаҳон, Техрон, Табриз каби. Аммо баъзи номлар достон айтувчининг савияси ва сюжет ривожининг талаби асосида қўлланган нореал топонимлардир. Уларни бугунги кунда бирор ҳудуд билан боғлаш мумкин эмас. Масалан: *Ваҳшат, Заррин, Қалъаи Заррин, Шаҳризар, Мадинатул Қаърия* ва бошқалар. Бундай номларнинг асосий қисми услуг талаби билан ёки воқеани бўрттириш, кучайтириш мақсадида қўлланилади. Шу сабабли достонларда учрайдиган жой номларини иккига ажратиш мумкин: тарихий реал номлар ва тўқима (нореал) номлар.

1.1.1. Тарихий реал номлар

Бу типдаги топонимлар бугун ҳам мавжуд бўлган обьектларни ифодалайди. Уларнинг айримлари ҳақида тўхталамиз:

Авғон//Афғон (افغان). Ном таркибидаги иккинчи товуш халқ оғзаки ижодига мансуб жанрларда, умуман, халқ тилида “*в*” тарзида талаффуз қилиниб келинса ҳам, енг қадимий қўллётзмалардан тортиб, то шу кунгача “*ф*” шаклида ёзиб келинади. Худди шу ҳолатни “Гўрўғли” туркумидаги “Хасанхон” достонидан олинган қуйидаги парчада ҳам кузатишимииз мумкин:

...Урганчдан, Самарқанддан, Шоидан,

Бухородан, Авғондан, Жўидан,

Чамбил қараб қизилбоидан,

Келар карвонлари бўлар... (Г-2. –Б.102)

Афғонистон географик-этник тушунчаси тарихий манбаларда биринчи марта XIII – XIV асрларда пайдо бўлган. Афғон(пуштун) халқи яшайдиган ҳудудни англатади. У афғон қабилалари яшайдиган Сулаймон тоғлари ва Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудни ифодалаган. Амударёнинг чап қирғоги, Ҳерируд (Ҳирируд) водийси, Кобул ва Қандаҳор вилоятларида дехқончилик билан шуғулланувчи тожиклар яшар эдилар. XIII асрлардан бошлаб мазкур ҳудудга мўғуллар келиб жойлашди. Кейинчалик улар ўзларини **Хазорийлар** деб атай бошлишди. XVI асрдан эса Амударёдан Ҳиндикуш тоғларигача бўлган территорияга қўчманчи ҳолда яшовчи айрим ўзбек қабилалари келиб ўрнашди. XVII асрда ва XVIII аср бошларида Афғонистоннинг асосий

вилоятлари Пешавор, Кобул ва Газна бобирийлар сулоласига мансуб бўлган хинд ҳокимларига қарап эди. Ҳирот ва Қандаҳорда эса Эрон ҳукмдорлари сафавийлар ҳукмронлик қиласи билан иқтисодий-маданий алоқалари анча қадимги даврларга бориб тақалади. Шундай экан, бу алоқаларнинг излари сифатида тиллардаги айрим умумий жиҳатларнинг халқ оғзаки ижоди асарларида акс этиши табиий ҳолдир.

Ушбу халқнинг қисқача тарихидан ҳам маълумки, ўзбек халқи, хусусан, Хоразм ҳудудида яшовчи аҳоли билан иқтисодий-маданий алоқалари анча қадимги даврларга бориб тақалади. Шундай экан, бу алоқаларнинг излари сифатида тиллардаги айрим умумий жиҳатларнинг халқ оғзаки ижоди асарларида акс этиши табиий ҳолдир.

Арзиروم. (عرض‌روم) “Гўрўғли” туркумига кирувчи “Қирқ минглар” достонида тилга олинади.

*“Арзи Рум тогинда саваши тушиганда,
Эр йигитнинг юраклари жўшиганда,
Қиличдан қирмизи қонлар оққандা,
Муханнаслар хор-зор бўлар сultonим...” (Г-1. –Б.190)*

Туркияning шимоли-шарқида жойлашган шаҳар. Арзиум вилоятининг маъмурий маркази. Мазкур ном “арз” арабча (عرض) ер, кенглик¹, ва “Рум” қисмларидан иборат бўлиб, “Рум ерлари” маъносини англатади.

Байрамали. (بیرم علی) Туркманистондаги шаҳар. XVIII асрларда ҳукмронлик қилган Марв хони Байрамалининг (1782-1785) номи билан аталган. У Бухоро амири Шоҳмурод Валномий томонидан ўлдирилгани ҳақида В.В.Бартольд маълумот беради². С.Атаниязовнинг ёзишича, халқ орасида Байрамалининг алдовлар қурбони бўлганлиги ҳақида ривоятлар юради. Бундан ташқари, Қизилровот яқинидаги дарё ва булоқ ҳам шу ном билан юритилади³. В.А.Никонов бу номни, –“Ҳазрат Али хотирасини байрам қиласиган жой (КТС. –Б.40)”, – деб изоҳлайди. Шунга ўхшаш изоҳ “Гўрўғли” туркумидаги “Гўрўғлининг ўлими” достонида ҳам келтирилади: “...улоқ

¹ Шамсиев П, Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат. – Тошкент, 1953. – Б.23.

² Бартольд В.В. К истории о рошении Туркестана. – СПб: 1914г. – Б.68.

³ Атаниязов С. Туркменистаның географик адларының душундиришли сөзлүгы. – Ашгабат, 1982. – Б.53-54.

чопишиб, чавгон ўйнашиб, Алининг байрами деган сайл қиласар эдилар. Шутиб, у дўнгликнинг исми Али байрами – Байрамали деб аталган эди.”

(Г-2. –Б.414) Ўз вақтида бу изоҳга айрим тадқиқотчилар эътиroz билдиришган эди.

Балх. (بَالْخُور) “Бозиргон” достонида қўлланилган: ...*Балху Бадаҳион, Хунхор шаҳарларидан ўтиб, қайтиб Зобилистонга етибди...*(Г-2. –Б.392) Шимолий Афғонистонда, ҳозирги Мозори Шариф шаҳрининг ғарбида жойлашган кўҳна шаҳар. Милоддан аввалги VII асрдан маълум. Балх – тарихда “Уммул билод” (шаҳарлар онаси) деб юритилган. Юнонлар уни “Бақтра” деб атаганлар. Унинг энг қадимги харобалари ва топилмалари мудофаа девори билан ўралган Боло Ҳисорда ва ундан жануброкда Янги Балхда учрайди. Кушонлар даврида шаҳар майдони Тепаи Заргарон ҳисобига кенгаяди. Шаҳар қалъаси Боло Ҳисордан Янги Балхга кўчирилган. Натижада Боло Ҳисор, Тепаи Заргарон ва Янги Балх ҳудудларини бирлаштирувчи шаҳар девори вужудга келган. XIX асрнинг 60-йилларидан Балх Афғонистон таркибиға кирди.

Баъзи асарларда *Балх дарёси* номи ҳам учрайди. У Амударёнинг тарихий манбаларда учрайдиган номларидан биридир. (ЎзМЭ. 1-том)

Басра. (بَصْرَه) Ушбу номнинг арабча талаффузи *Бассара* тарзидадир. Ироқнинг жанубий қисмида жойлашган шаҳар бўлиб, 637(638) йилда халифа Умар (634-644 й.) асос солган. Шаҳар ҳозирда Форс қўлтиғида 128 километрга чўзилган бўлиб, Шатт ул-Араб дарёси соҳилидадир. VIII-IX асрларда халифаликнинг сиёсий-иктисодий ва маданий марказига айланди. XI асрда салжуқийлар ҳукмронлик қилган, 1258 йили мўғуллар қўлига ўтган. 1534 йилда Усмонли империясига қўшиб олинган. Ҳозирги кунда ҳам машҳур савдо марказларидан биридир. Канал ва қўлтиқлари кўп бўлгани учун Басрани “Шарқ Венецияси” деб ҳам юритадилар.

Багдод. (بغداد) “Гўрўғли” туркумига киравчи “Қирқ минглар” достонида юртга бостириб келган босқинчиларнинг юрти сифатида тилга олинади.

“...Отланинг, бекларим, сардан кечайлик,

Ҳам Бағдоддан, ҳам Басрадан келган бор... ” (Г-1. –Б.165).

Бағдод шаҳри шу ном билан аталувчи вилоятнинг маъмурий маркази, Дажла дарёсининг иккала соҳилида жойлашган. Шаҳар Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда Ўрта Ер денгизи мамлакатларини туташтириб турувчи йўллар чорраҳасида жойлашган. Шаҳарда асосан, араблар, курд, арман, турк, яхудий ва форслар яшайди. Бағдодга 762 йили халифа Мансур (754-775 й.) “Мадинат ус-Салом” (тинчлик шаҳри) номи билан асос солган ва барпо қилган. У шаҳарни аббосийлар халифалиги пойтахтига айлантирган.

“Бағдод” топонимининг келиб чиқиши ҳақида турли фикр ва ривоятлар мавжуд. Шулардан энг кўп тарқалгани “Бағи дод” яъни, форсча باغ (бағ – бут, санам); داد (дод – бермоқ) каби сўзларнинг бирикуви, яъни, “бут тухфаси” изоҳлариридир.

Шаҳар тарихида жуда кўплаб уруш ва босиб олишлар содир бўлган. Уни эронлик бузайҳийлар (945 й.), салжуқийлар султони Тўғрулбек (1055 й.), мўғул хони Ҳулагуҳон (1258 й.) босиб олган. 1393 – 1403 йилларда Амир Темур шаҳарни ишғол қиласи. 1410 – 1508 йилларда қора қўюнли ва оқ қўюнлилар қўлига ўтди. 1508 йилда Эрон сафавийлари, 1534 йилдан усмонли турклар шаҳарни ўз давлатларига қўшиб олганлар. XVIII асрга келиб, Бағдод Осиёдаги йирик савдо марказларидан бирига айланди. Республикализнинг айрим вилоятларида Бағдод номи билан аталувчи жойлар учрайди.

Бадаҳион. (بدخشان) Ушбу ном “Гўрўғли” туркумiga кирувчи “Бозиргон” ва “Ошиқнома” туркумидаги “Лайли ва Мажнун” достонларида учрайди. “...ўрис юртларигача бориб, қайтишида Урганч, Бухоро, Тошкентлар билан айланиб, Балху Бадаҳион, Хунхор шаҳарларидан ўтиб, қайтиб Зобилистонга етибди... ” (Г-2. –Б.392) ёки

“... Ул Эрамнинг боғида бўстондин айрилмишам,

Ҳам Бадаҳион лаъли гуҳар кондин айрилмишам.” (О-3. –Б.228)

Аслида “Бадаҳион” шаҳар номи эмас, балки Амударёнинг юқори оқимида жойлашган ҳудуд бўлиб, у икки қисмдан иборат: биринчиси, ғарбий Помирдаги Тоғли-Бадаҳион; иккинчиси, шимоли-шарқий Афғонистонда

жойлашган Бадахшон ўлкасиdir. Айrim тадқиқотчиларнинг қайд қилишларича, мазкур номнинг “Бадахшонот” шакли ҳам учрайди. Ушбу ном ўрта асрларда “Базахшан” шаклида талаффуз қилинган. Қадимги адабиётларда “Мунжон” деб аталган. Мазкур номнинг этимологияси ёқутнинг бир тури (қизил рангдаги қимматбаҳо тош – лаъл) ҳисобланган бадахш ёки балахш сўзлари билан боғланади. Лаъли Бадахшон дунёга машхур тош ҳисобланади.

Аммо В.А.Никонов,— “номнинг бундай изоҳланиши учун асос йўқ, бу товуш мослигидан келиб чиқкан тахмин (КТС. –Б.38)”, – деб эътиroz билдиради.

Вазир. (وزیر) Ушбу ном Хоразмда машхур бўлиб, у “Ошиқнома” туркумига кирувчи “Ошиқ Ғариб ва Ҳилола пари” достонида учрайди.

...*Бир ёни Гурлон, Вазир, Урганчу Хивани кезиб,*

Чоржўй ҳам Қоракўл, шаҳри Бухорони кезиб...(О-4. –Б.69).

Тарихий манбаларда қайд қилинишича ҳозирги Девкесган қалъада Вазир шаҳри харобалари топилган¹. В.В.Бартольд номнинг келиб чиқишини ушбу шаҳарни қуришда бошчилик қилган шахснинг мансаби билан боғлайди. “Эҳтимол, бу XV асрнинг ўрталарида Хива хонининг вазири Мустафо номи билан боғлиқдир”². “Вазир” атамасининг луғавий маъноси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, “термин форсий “вазург фармонтар” сўзи билан боғлиқ бўлиб, “фармонларнинг улуғ ижрочиси, катта бошқарувчи” маъноларини ифодалаган. Давр ўтиши билан атаманинг вазург қисмигина қўллана бошлаган”³.

Сейистон. (سیستان) Ушбу ном “Гўрўғли” туркумига кирувчи “Бозиргон” достонида тилга олинади: “...Сейистон вилоятинда Салсолнинг ўғли Бозиргон даган дўрапди... ” (Г-1. –Б.354).

Ушбу жой тарихда Дарангёна, Сакистон номлари билан ҳам юритилувчи Ўрта Шарқнинг жанубий қисмидаги тарихий ва табиий вилоят

¹ Бартольд В.В. Сочинения, Т-3. –М, 1965. –Б.175.

² Атаниязов С. Туркменистаның географик адларының душундиришли сөзлугы. – Ашгабат, 1982. – Б. 76.

³ Гафуров А. Лев и Кипарис. –М, 1971. –С. 66.

бўлиб, Эрон ва Афғонистон худудларида жойлашган. Мазкур територия Эрон тоғлигининг ўрта қисмидаги Сейистон сойлигида ўрнашган. Унинг худудидан Хилманд, Хиш руд, Фаррухруд, Хирируд ва бошқа дарёларнинг қуи қисми ўтиб, Ҳамун кўлига қўйилади.

“Дарангриёна” номи илк марта Биҳистун китобларида эслатилган. Бу ерга Сак қабилалари келиб жойлашиши билан (мил.илгари II аср) “Сакистон” кейинчалик “Сейистон” деб аталган. Аҳолиси асосан, форслар, афғонлар, балужлар бўлиб, дехқончилик, чорвачилик билан шуғулланади. Йирик шаҳарлари Забол (ҳозирги Эронда), Заранж (ҳозирги Афғонистонда).

Сарой. (سرای) Ушбу сўз “Юсуф ва Аҳмад” (О-3. –Б.158) ҳамда “Ҳасанхон” (Г-2. –Б.102) достонларида жой номи сифатида тилга олинади. Сарой шахри Олтин Ўрда хонлигининг маркази бўлган. Аслида, бу этник ном бўлиб, ўзбек ҳалқи таркибига кирган йирик қабилалар уюшмасини ифодалайди. Саройларнинг кичик бир гурухи қозоқларнинг арғин қабиласи таркибиغا ҳам кирган. Саройлар, асосан, Бухоро вилоятида (Хорхонруд, Вобкентдарё, Шоҳруд, Султонравот, Пойкент қишлоқлари бўйлаб), Қашқадарё водийсида, Кармана воҳасида, Шаҳрисабз ва Қарши воҳаларида яшаган. Шунингдек, Кўҳитанг тоғи ёнбағирларида, Самарқанднинг жануби-ғарбидаги, Фарғона водийси, Афғонистонда, Мозори Шариф ва Балх атрофларида истиқомат қилишган. Саройларнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Сарой сўзини айрим тадқиқотчилар *саҳрои* сўзига алоқадор бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Улар этник бирлашма сифатида XIV-XV асрлар давомида Даشتни Қипчоқда шаклланган бўлиб, XVI асрда бошқа ўзбек қабилалари билан бирга ҳозирги Ўзбекистон худудига келиб жойлашишган. Ҳозирги кунда улар яшаб кетган жойларда кўплаб Сарой, Саройқишлоқ деб аталувчи аҳоли пунктлари мавжуд.

Сабзавор. (سبزوار) Бу ном “Гўрўғли” туркумига кирган “Юнус билан Мисқол” достонида учрайди:

...Мен кетарман гўзал ёрга

Нишонуру Сабзаворга...(Г-2. –Б.80)

Эронинг Хурросон регионидаги шаҳар. Сабзавор вилоятининг маркази. Шаҳардан Зафарони, Ринд, Бафре Мехр дарёлари оқиб ўтади. Шаҳарнинг аниқ қачон барпо қилингани маълум эмас. Аббосийлар, умавийлар даврида Сабзавор шиаларнинг маркази бўлган. XIV асрда бу ерда шиаларнинг сиёсий ҳаракатлари натижасида Сарбадорлар давлати вужудга келган. 1381 йилда Сабзаворни Амир Темур қўшинлари босиб олган. Ҳозирги шаҳар XIX асрда хон Али ёр томонидан қайта қурилган. Шаҳар номи “яшил” ҳамда “боғ” сўзлари билан боғлиқдир.

Табриз. (تبریز) “Гўрўғли” туркумiga кирувчи “Қирқ минглар” достонида учрайдиган ном:

...*Табризда кўринур ундан нишона,*

Кажсанг шоҳа кулиб боқса замона...(Г-1. –Б.169)

Табриз (Тавриз) Эроннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар, Шарқий Озарбайжон остонининг маъмурий маркази. Ажичай дарёси водийсида жойлашган. Шаҳарга Сосонийлар асос солган. XIII охири ва XVI аср бошларида Эрон ҳудудида ташкил топган турли давлатларнинг пойтахти бўлган. 1571–73 йилларда шаҳар ҳунармандлари ва камбағалларининг қўзғолони бўлган. XVIII аср охири, XIX аср бошларида тузилган Табриз хонлигининг маркази бўлган. XIX аср охири ва XX аср бошларида Кожар шоҳлари валиахдларининг қароргоҳи, Эронда кўтарилган миллий озодлик ва демократик ҳаракатлар марказларидан бири. Ўрта асрларда Табриз бадиий ҳунармандчилик ва тасвирий санъатнинг йирик марказларидан саналган. У оламга Табриз миниатюралар мактаби билан машҳур бўлган. Номнинг маъноси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Энг кўп тарқалгани ассурий тили асосидаги талқини бўлиб, у Тарваз маъбути номи билан боғлиқ эканидир (КТС. –Б.415).

Сангар. (سنگر) “Авазхон” достонида учрайди:

...*Олиб келдинг қалъа Сангар юртидан,*

Ўлар бўлдим жудоликнинг дардидан...(Г-1. –Б.406)

Республикамиз ҳудудида Сангир, Сангал, Сангардак (Сурхондарё), Сангзор (Жиззах), Санггинак (Тошкент вилояти), Сангистон (Наманган), Сангработ (Андижон) каби топонимлар мавжуд, Туркманистоннинг Дарғанота вилоятида ҳам Сангработ топоними билан юритилувчи жойлар учрайди. Бу номларнинг барчаси Санг – “тош” сўзи асосида ясалган.

“Сангар” номи – Санг “тош” ва гар//гир – “юмалоқ” қисмлардан иборат. Сангар сўзининг қалъа, истеҳком, тўсик (баррикада) маънолари ҳам бор. Достонда келтирилган сўзлардан эса қайси шаҳар назарда тутилгани аниқ эмас. Аммо ушбу матнда аҳоли яшайдиган жойлар ҳакида сўз бораётгани аниқ. Сангар географик атама маъносида ҳам қўлланади.

Қашқар. (کاشغر) “Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркумига кирувчи достонларда учрайдиган ном. “Ошиқнома” туркумига кирувчи “Юсуф ва Аҳмад” достонида “Қашқар Қайсар” шаклида учрайди.

...*Қирғиз келур Намангондин,*

Қашқар Қайсар деган ердин...(О-3. –Б.114)

Қашқар, аслида, Хитойнинг ғарбий қисмида жойлашган шаҳар бўлиб, тарихий манбаларда “Кошғар”, “Кожгар”, “Қоши” шаклларида учрайди. Мазкур ҳудуд Кошғар дарёси соҳилида жойлашган. Шаҳар тўғрисидаги илк маълумотлар милоддан аввалги манбаларда учрайди. Қашқар, дастлаб, хунлар, кейинчалик кушонлар, эфталитлар давлатлари, турк хоқонлиги (V–VII асрлар), Уйғур хоқонлиги (VII–IX асрлар) таркибларига кирган. X–XII асрларда у қорахонийлар давлати пойтахти сифатида Шарқий Туркистоннинг сиёсий ва маданий марказига айланган. Шаҳар номи туркий тилларда кенг тарқалган “қашқа” – тоғ, тепа, баландлик, дўнглик (Л.З.Будагов, В.В.Радлов) маъноларини англатувчи қисм ва -р(ясовчи қўшимча) қўшилишидан ясалган бўлиши мумкин.

Қандаҳор. (قندھار) “Гўрўғли” туркумига кирувчи “Сарвиноз” достонида учрайди. “...Йўлда қирқтacha туюни етаклаб, бир қандаҳорлик тожик туючи Гўрўғли султоннинг олдига чиқиб қолиб, ўзидан-ўзи ғўдирлаб, Гўрўғли султонга қараб бир сўз деди... ”(Г-2. –Б.190)

Афғонистоннинг жанубий қисмида, ғарбий Ҳиндикуш тоғлари этагида жойлашган Қандаҳор вилоятининг маъмурий маркази. У йирик шаҳарлардан бири сифатида X–XIII асрларда муҳим савдо маркази ҳисобланган. Шаҳарни XIII асрда Чингизхон, сўнгра Курдлар сулоласи босиб олган. XIV аср охиrlаридан Темур ва темурийларга бўйсунган. XVI–XVII асрларда шаҳарни эгаллаш учун сафавийлар ва бобурийлар ўртасида кураш кетган. 1738 йилда шаҳарни Нодиршоҳ Афшор босиб олган ва бузиб ташлаган. Кейинроқ Аҳмадшоҳ Дурроний қайта тиклаб, “Аҳмадшоҳ” деб атаган ва Дурронийлар давлатининг пойтахти (1773-1774) бўлган. Шаҳар 329 йилда Александр Македонский томонидан барпо этилган (КТС. –Б.173).

Ҳалаб (حلب). “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонида учрайди:

...Ҳалабда қолди ватаним,
Гумондур энди кетаним,
Ёр ила суҳбат этаним,
Қадимдаги чоғлар қолди...(О-2. –Б.40)

Достонларда номнинг “Ҳалаб Ширвон”, айрим баҳшилар талқинида эса “Араб Ширвон” шакли ҳам қўлланилган. Шаҳар номи Ғарб манбаларида “Алеппо” шаклида учрайди. У Суриянинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Шаҳар жуда қадимий бўлиб, эрамиздан олдинги учинчи минг йилликларга бориб тақалиши манбаларда қайд этилган. Шаҳар номи хақида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, айрим тадқиқотчилар хетт тилига алоқадор этноним билан боғлайди. Славян тилларидағи “холопы” – “қуллар” сўзини ҳам шу маъно билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Европада италянча “Алеппо” варианти кенг тарқалган.

Ҳалаб номи билан кўпинча ёнма-ён қўлланадиган “Ширвон” номи эса бошқа шаҳарнинг отидир. Достонларда икки ўлка номининг қўшилиб, бир жой тарзида талқин этилиши мавжуд ҳодисадир. Масалан, Чин-Мочин юрти; *Макка-Мадина* шаҳри кабилар. Аслида Ширвон шимолий Озарбайжондаги тарихий вилоятдир. У Каспий денгизининг ғарбий қирғоғида жойлашган.

Ширвон номи Сосонийлар давридан (226–651) қадимги Кавказ Албаниясининг, сўнгра Ароннинг бир қисми сифатида машхур бўлган. 654 йилда Ширвонни араблар босиб олади. Сўнгра у Шайбон қабилаларидан бўлган араб ноибларининг меросий мулкига айланади. 799–1538 йилларда Ширвонда ширвонийлар сулоласи хукмронлик қилди. Унинг пойтахти Шемаха шахри эди.

Кўҳистон (کوهستان) “Юсуф ва Аҳмад” достонида учрайдиган жой номи.

...Хабар борур Ҳиндустона,
Черик тушар Кўҳистона,
Ҳеч ким қолмай Туркистона,
Тамом ўзбек бари келур...(О-З. –Б.114)

Номни форсий тилларда “тоғлар ўлкаси” тарзида шарҳлаш мумкин. Афғонистондаги Панжшер ва Кобул дарёлари ҳавзасида жойлашган ҳамда Эрондаги Даشت Кабир ва Даشت Лут чўллари оралиғида жойлашган шаҳарлар шу ном билан юритилади¹. Шимол ва шимоли-ғарбдан жануб ва жануби-шарққа йўналган ва ўзаро кенг сойликлар билан ажралган бир неча тизмалардан иборат тоғлик жой. Шунинг учун ҳам мазкур ҳудуднинг номи “Кўҳистон” (тоғли жой) дир.

Мадина. (مدينة) Шаҳар номи “Гўрӯғлининг туғилиши” достонининг кўп ўринларида учрайди:

...Ҳиммат сиздан, Ғовсул-Ғиёс,
Чўл эгаси Хидир Илёс,
Мадинада ул И мом хос,
Бу ғамлардан қутқар мани...(Г-1. –Б.27)

Бу шаҳарнинг тўлиқ арабча номи “Мадинат ул-Расулуллоҳ” ёки “Мадинат ун-наби” – “пайғамбар шахри” маъносидадир. “Мадина” арабчада шаҳар демакдир. Шаҳар Саудия Арабистонининг шимоли-ғарбий қисмидаги Ҳижоз вилоятида жойлашган. Шаҳарнинг қачон қурилгани номаълум. Манбаларда қайд этилишича, қадимги Ясриб илк ўрта асрлардан бошлаб шу

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Т. 2003. –Б.202

ном билан “Мадина” деб юритила бошлаган. 622 йили Мұхаммад пайғамбар Маккадан Мадинага күчиб ўтади. Бу ерда мусулмонлар жамоаси (умма) тузилади. VII асрдан бошлаб Мадина мусулмонларнинг Маккадан кейинги энг катта зиёратгохига айланади.

Макка. (مکہ) “Гүрӯғли” туркумiga кирувчи “Қирқ минглар” ва бошқа достонларда учрайди:

...Ғаним бўлиб галган араб,

Маккасина қараб қочди...(Г-1. –Б.188).

Саудия Арабистонининг ғарбидаги жойлашган шаҳар. Ҳижознинг маъмурий маркази, мусулмонлар ҳаж зиёратини адo этадиган жой. Шаҳар халқ орасида “Умм ул-Қуро”, “Умм ул-Мадоин” – “шаҳарлар онаси” деб ҳам юритилади.

Маккага қайси йили асос солингани номаълум. Дастлаб, Замзам қудуғи атрофида аҳоли пунктлари пайдо бўлган. Макка номи илк марта Птоломей асарларида “Макараба” деб эслатилган. Бу шаҳарда Мұхаммад пайғамбар (с.а.в) туғилган. Шаҳар номининг маъноси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, айрим тадқиқотчилар мазкур номни финикий тилидаги “Макак” (бузилган, вайрона) сўзи билан боғлайдилар. Бизнингча, араб тилидаги “Макараб”(муқаддас жой, святыня) деган изоҳи анча ҳақиқатга яқиндир.

Хозир ҳам шаҳар ҳокимияти пайғамбар авлодларидан бўлган рухонийлар қўлидадир. Шаҳар бошлиғи “Шариф” деб аталади. Макка марказида Каъба атрофига қурилган Ҳарам ва Байтуллоҳ жойлашган.

Мори. (ماري//مرو) “Гүрӯғли” туркумидаги достонларда учрайди:

...Шу оралиқда Мори деган жойда туркманлар ўзларига бошиға хон сайладилар...(Г-2. –Б.416).

Бу ном қўлёзмаларда ва илмий адабиётларда Марви, Марв шаклларида учрайди. Оғзаки талаффузда, халфа ва баҳшилар тилида “Мори” шаклида кенг қўлланилади. Туркманистоннинг *Mari* вилояти маркази. 1937 йилгача шаҳар Марв деб юритилган. У Ўрта Осиёning энг қадимги шаҳарларидан биридир. Байрамали шаҳри яқинида, Мурғоб дарёси яқинида жойлашган.

Морининг қолдиқлари бешта қалъа қолдиқларидан иборат. Булар Эрк қалъа, Гавр қалъа, Султон қалъа, Абдуллахон қалъа, Байрамалихон қалъалардир. Марвнинг энг қадимги қисми Эрк қалъа милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида мавжуд бўлган. Унинг энг гуллаган даври милоддан аввалги II ва милодий III асрларга тўғри келади. XII аср охири ва XIII аср бошларида Марв Хоразмшоҳлар давлатининг маркази бўлган. 1222 йилда шаҳар мўғуллар томонидан харобага айлантирилган. Шаҳар номи ҳақида турли фикрлар айтилган. Аввало, ушбу номнинг узоқ йиллар давомида турли хил шаклларда кўлланиб келинганини эътироф этиш жоиз. Жумладан: Мауру, Моргуш, Марвирот, Марғ, Марғирот, Мрум, Марв, Амр, Мавара, Меру, Мория, Шоҳижон (рус манбаларида “Марви”) ва бошқалар.

Мари (Марв) санскритча “мару” – “чўлу биёбон”, форсча “марж”, “марз” – “чегара, марза” маъноларини билдиради деган фикрлар бор¹. В.А.Никонов шаҳарни эрамиздан олдинги III асрда қадимги грек саркардаси Антиох курган, ном “Антиохия Моргиан” яъни, “чегарадаги Антиохия” номининг ўзгаришидан келиб чиқкан деб ҳисоблайди (КТС. –Б.280).

Машҳад. (مشهد) “Гўрўғли” туркумига кирувчи “Сарвиноз”, “Шоқаландар” ва бошқа кўплаб достонларда учрайдиган ном.

...Ху десам Ҳазрати Машҳадга кетсам,
Бизга бу даргоҳдан пано бормикан?.. (Г-2. –Б.191) ёки,
...маконим мозористон билан вайронга, қайда бўлса, ажсалим етса, хоки гужсо одамман. Нишонур, Машҳадишиариф, Карбало зиёратгоҳимдур...(Г-2. –Б.328)

Машҳад Эроннинг шимолий қисмida жойлашган шаҳар. Хурросон оstonининг маъмурий маркази. Кошафруд дарёси водийсида жойлашган. Машҳад ўрнида IX асрда Синобод қишлоғи бўлган. Шаҳарнинг номи X асрларда араб географларининг асарларида тилга олинади. XI – XII асрларда шаҳар Ғазнавийлар ва Салжуқийлар қўл остида бўлган. XIII асрнинг охирларида мўғуллар ҳужуми натижасида шаҳарнинг кўп қисми вайрон бўлган. Темурийлар ва Сафавийлар хукмронлиги даврида Машҳад равнақ

¹ Қораев С. Географик номлар маъносии биласизми? –Тошкент, 1970. – Б. 71.

топган. 1736 –1747 йилларда Нодиршоҳ давлатининг пойтахти бўлган. Шаҳар номининг келиб чиқишини тадқиқотчилар ҳар хил талқин қиласидилар. Жумладан, В.А.Никонов “машҳад” форсчада “шаҳидлар макони”; ёки “қабр тоши” (надгробье) деган маъноларни англатишни қайд этади (КТС. –Б.266). Бу фикр ҳақиқатга анча яқин, чунки Машҳадда Имом Ризо (IX аср) мақбари бор. Бу жой мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳидир. Машҳад шиаларнинг муқаддас шахридир. Шу боисдан ҳам юқоридаги парчаларда шаҳар номига “ҳазрат”, “шариф” сифатлари қўшилган.

Нишопур. (نيشپور) “Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркумига кирувчи кўплаб достонларда қўлланилган жой номи. Қуйида “Қирқ минглар” достонидан мисол келтирамиз:

...Майдонда кезибдур мардлар,
Душмана учрасин дардлар,
Нишопурдан галган бадлар,
Ўз элина ииғлаб қочди... (Г-1. –Б.188)

Нишопур Эроннинг шимолий қисмида жойлашган шаҳар. Хуросон оstonида қурилган бўлиб, унга III аср ўрталарида асос солинган. 650 йилда шаҳарни араблар эгаллаган. IX асрда Тоҳирийлар давлати, Сомонийлар давлатининг Хуросон ноиблиги пойтахти бўлган. XI–XII асрларда Салжуқийларнинг қароргоҳларидан бири бўлган. 1221 йилда Нишопурнинг барча аҳолисини мўғуллар катл этган. XIV – XV асрларда шаҳар қайта тикланган.

Нишопурда Умар Хайём ва Фаридуддин Аттор каби мутафккирлар яшаб ижод қиласиди. “Нишопур” номи Шопур I (ёки Шопур II) исми асосида вужудга келган деб қаралади. Дарҳақиқат, “Шоҳпур” деб аталган жойлар анчагина. Ном таркибидаги “пур” қисми ҳам аслида “шаҳар” деган маънони билдиради. “Шоҳпур” – “шоҳ шаҳри”, яъни “пойтахт” демакдир. Шундай экан, Нишопур – “янги пойтахт” деган маънони билдиради.

Эроннинг шимолий қисмида Нишопур тоғлари ҳам мавжуд. Эҳтимол, тоғ номи шаҳар номи асосида вужудга келган бўлиши мумкин. Бундай

топонимик ҳодисалар учраб туради. Жумладан, Султон Увайс тоғлари бир пайтлар шу тоғга яқин яшаган қабила номи асосида “чакра ўғиз”–“ўғиз тоғлари” деб юритилган.

Олтой. (آلٹاي) “Гүрӯғли” туркумiga кирувчи “Ҳасанхон” достонида учрайдиган ўлка номи:

... *Булғор, Ўрус, Нўғайликдан,*
Мангишловлик, Саройлиқдан,
Уч ойлик ийл Олтойликдан,
Келган одамлари бўлар...(Г-2. –Б.102)

Олтой – Осиё қитъасида жойлашган тоғли ўлка бўлиб, у Россия, Мўғулистан ва Хитой давлатлари худудига тарқалган. Олтой топоними шу номдаги элат номи билан алоқадордир. Мазкур халқ туркий тиллар оиласига кирувчи олтой тилларида гаплашади. Бу халқ, яъни Олтойлар VI–VIII асрларда Саян-Олтой райони худудида яшаган қадимги туркий халқларнинг XIII–XVIII асрларда бу ерларга келиб ўрнашган мўғул қабилалари билан аралашувидан пайдо бўлган.

“Олтой” номининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар айтилган. Баъзи тадқиқотчилар номни туркий “алатов” (турли ўсимликлар билан қопланган тоғ) сўзи билан изоҳлайдилар. Айрим олимлар топонимни “олтин тов” бирикмаси билан боғлайдилар. В.В.Радлов ном асосида “ал-тайга” (катта тоғ ўрмони) сўзи ётганлигини қайд этади. М.Ресянен топонимнинг маъносини “ал-тай” (катта тоғ) сўзи билан алоқадор деб ҳисоблайди (КТС. – Б.21). Кузатганимиздек, номни асосан туркий тиллар асосида “ал” ёки “алп” (катта, буюк, кучли) ҳамда “тай” ёки “тов” (ўрмон, тоғ) маънолари билан изоҳлаш мумкин.

Яман (پمن) “Шахриёр” достонида учрайдиган жой номи: ...*Қадим замонда Яман вилоятида бир подио бор эди...(О-2. –Б.343).* Яман Арабистон ярим оролининг жанубий қисмини қамраган тарихий худуддир. Қадимда Яманга Арабистон ярим оролининг барча территорияси – ғарбда Адан кўлтиғидан Фурот пасттекислигигача бўлган худуд кирган. Антик давр

манбаларида Яман худуди Arabia Felix (Бахти Арабистон) деб тилга олинади. Номни қадимги селий тилидаги Тиман сўзи билан ҳам боғлайдилар. Қадимги жанубий Арабистон аҳолиси тропик дараҳтларга бой Хадронавт соҳилини Яман ёки Яманот деб аташган. VII асрдан ислом динининг вужудга келиши ва Макка мусулмонларнинг диний марказига айланиши билан Яманинг шимолий чегараси Маккадан жануброқдан ўтган деб ҳисоблай бошлишган.

“Яман” номининг маъноси араб тили замирида изоҳланади. У арабча “ўнг томон” деган маънони билдиради. Топонимнинг “ўнг” дейилиши Шомга нисбатандир. Чунки Шом “чап томон” деган маънони ифодалайди. **Шом** Арабистон яриморолининг шимолий қисмидаги давлатларни ўз ичига оловчи худуддир. Шом худудида Сурия давлати жойлашган. Эски Шарқ манбаларида Дамашқ шаҳри ҳам Шом деб юритилган.

Шундай қилиб, достонлар ономастикаси таркибида ўнлаб тарихий жой номлари учрайди, уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам фаол қўлланади: Андижон, Бухоро (Бухор), Вазир, Гурлан, Урганч, Хива, Истамбул, Миср, Нукус, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Техрон, Хонқа, Хоразм, Хитой, Ўзбекистон, Чоржўй (Чаҳоржўй), Шовот, Эрон, Москав (Москва) ва ҳоказо.

Яна бир гурух жойлар борки, улар гарчи ҳозир мавжуд бўлса ҳам, номлари бошқа шаклда учрайди. Уларнинг айримлари Шарқ қўлёзмаларида тилга олинган ёки ҳалқ оғзаки талаффузига мослаштирилган. Номларнинг ўзгаришга учраши, асосан, бу ерда истиқомат қилувчи ҳалқ тарихи ва тили билан боғлиқ ҳолда содир бўлган. Айниқса, йирик объектлар (денгиз, дарё кабилар)нинг номида бу ҳодиса анча сермаҳсулдир.

Тадқиқотчи П.В.Жило Каспий денгизи номи ҳақида ёзар экан, “дунёда ҳеч бир дengiz uning nomlarinинг ярмига ҳам эга бўлмаган” деган эди¹. Дарҳақиқат, Каспий дengizininинг ёзма манбалар ва ҳалқ тилида 70 дан ортиқ номи аниқланган. Уларнинг айримларини келтирамиз: Хазар дengизи, Сарой

¹ Жило П.В. О названиях Каспийского моря. Известия АН АзССР, серия геолого-географическая. –Баку, 1960. №4.

денгизи, Фарб денгизи, Албан денгизи, Кузғун денгизи, Дарбанд денгизи, Хоразм денгизи, Боку денгизи, Оқ денгиз, Хурросон денгизи, Ғуз денгизи, Ширвон денгизи, Форс денгизи, Абескун денгизи, Гургон денгизи, Журжон денгизи, Табаристон денгизи ва бошқалар¹.

Худди шунингдек, *Амударё* номи ҳам бир қанча вариантларда кўлланилган. Ҳеродот уни “Аракс”, кейинги грек тарихчилари “Окс” (Оксус) шаклида ёзишган. Унинг Аранг, Раха, Ракха, Аракха каби қадимий номлари ҳам бор. Араблар Жайхун деб аташган. Эроний халқлар эса “Вахш” деб юритганлар. Унинг ҳозирги номи VI асрда мавжуд бўлган “Амуя” (Амул) шахри (ҳозирги Чоржўй) номидан олинган деб ҳисоблашади. Грек манбаларида тилга олинган “Окс”, “Ок сус” каби номлари, дарёning туркий халқлар тилидаги “Ўкуз” (дарё, сув) номининг ўзгарган шаклидир.

Хоразмдаги *Қорақум* чўли ҳам бир қанча номлар билан юритилган. Жумладан, Беруний асарларида Ғуз чўли, Махтумқули ижодида Туркман чўли, айрим манбаларда Каспий чўли, Қуий Амударё воҳасида уни Хоразм чўли, Амул чўли, Етти кум (Ҳафт рег), Мори чўли, Сарах чўли, Хурросон чўли ва бошқа номлар билан аталган. Булар маҳаллий аҳолининг ушбу объектларни ўз маконига яқин қисмини номлаши билан боғлиқдир. Кўпинча бундай кўпномлилик йирик объектларни номлаш билан боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Баъзан бундай ҳодиса ўзга халқларнинг кўчиб келиши ва ҳукмронлиги билан боғлиқ ҳолда ҳам пайдо бўлади. Қиёс қилинг: Сирдарёning қуий оқимида жойлашган қалъа маҳаллий туркий халқ томонидан “Жаникент” (“Жана” – янги; “кент” – шаҳар) деб аталган. Кейинчалик форсий тилда сўзлашувчи аҳоли “Дехинау” (“дех” – қишлоқ; “нау” – янги) деб номлаган. Араб тилида Карият ул- ҳадиса ва Мадинат ул-Жадида (икки ном ҳам “янги шаҳар, янги қишлоқ” маъносида) деб аталади.

¹ Хасанов Х . Историко-топонимическая схема Средней Азии. Сборник. Топонимика Востока. – М, 1969. – Б.156-158.

Кўпгина этнонимлар асосида вужудга келган жой номлари ҳам шундай ўзгаришларни бошидан кечирган. М. Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган харитада Шош (Тошкент), Қубо (Қува), Жайхун (Амударё), Баҳри Обискун (Каспий денгизи), Сақалиба (Славянлар), Тароз (Жамбул), Мочин (Хитой), Жабарқа (Япония) каби шаклларда берилган.

Дунё томонларини ифодаловчи Машриқ ва Мағриб атамалари ҳам достонларда ўз маъноларидан ташқари бошқа маънолар ифодалаган. “Гўрўғли” туркумига кирган “Беш подшонинг Чамбилга ёв бўлиб келиши” достонида шундай келтилади:

...Мағрибдан Машриққа довруғ солибдур,

Дунёда шоҳларнинг шоҳи Хунхордир... (Г-2. –Б.174)

Достонда келтирилган бу атамалар Ғарб ва Шарқ томонларни англатиш билан бирга, ғарб ва шарқ оралиғидаги ҳудудни, элатларни ҳам англатмоқда. Дарҳақиқат, ёзма манбаларда қайд этилишича, бу атамаларнинг ўзга маънолари ҳам мавжуд.

Машриқ (مشرق) Арабча сўз бўлиб: 1) дунёнинг тўрт томонидан бири – Шарқни билдиради; 2) араб шарқининг номи. Хурросон ва Мовароуннаҳр ҳам баъзи ёзма тарихий адабиётларда Машриқ деб аталган; 3) Арабистон ярим оролидаги тоғ; 4) Ямандаги вилоят ҳам шундай аталган; 5) кунчиқар.

Мағриб (مغرب) Бу сўз ҳам арабча сўз бўлиб: 1) дунёнинг тўрт томонидан бири – Ғарбни англатади; 2) Африкадаги Тунис, Жазоир, Марокашдан иборат минтақа; Ливия, Мавритания ва Ғарбий Сахрои Кабир билан биргаликда катта Мағриб ёки Араб Ғарби деб юритилади. Демак, достонлардаги топонимик бирликлар маълум ҳудуддаги реал объектни ифодалаш билан бир қаторда, маълум стилистик вазифаларни ҳам бажаради. Яъни, улар воқеа содир бўлган ҳудуднинг катталиги, узоқлиги, ободлиги ёки вайроналиги каби хусусиятларнинг алоҳида бўрттириб кўрсатилиши учун ҳам қўлланган. Достонларда ҳудди шу мақсадда ўйлаб топилган, бирор объект билан боғланмаган номлар ҳам қўлланилади. Уларнинг айримлари ҳатто эски қалъаларнинг вайроналари билан ҳам боғланади. Бундай

номларнинг характерли хусусияти шундан иборатки, уларнинг кўпчилиги достондан достонга кўчиб юради.

1.1.2. Тўқима (нореал) номлар

Бундай номлар халқ оғзаки ижодига хос бўлган барча жанрларда ҳам учрайди. Улар аслида воқеаларнинг ривожи билан боғлик ҳолда ўйлаб топилади. Жаннатга ўхшаган боғлар, ҳашаматли қасрлар, етти қат осмонга етувчи тоғлар, учар отлар, оғзидан ўт сочувчи илонлар шулар жумласига киради. Аммо, улар кишилар тасаввурида реал обьектлар сифатида гавдаланади. Достонлар тилида учрайдиган айрим жой номлари борасида ҳам шундай ҳолатни кузатамиз. Қуйида шулар ҳақида фикр юритамиз.

Кўҳи қоф (کوهف) Эртак, миф ва достонлардаги афсонавий тоғлардан бирининг номи. Дунёнинг бир четида бўлган, йўлининг хатарли ва олислигидан на инсон, ва на ҳайвон қадами етган. Анқо ёки Семурғ номли баҳайбат қуш ва девлар макони. Парилар боғи Ирамбоғ(боғи Эрам) ҳам шу ерда деб талқин этилади. Эртакларда “*болаларини ўлимдан ҳалос этган қаҳрамонни Семурғ ўз устига миндириб Кўҳи Қофга олиб боради*”. Достонларда Гўрўғли дастлаб пиёда, кейинчалик Фиротда, Авазхон эса девга миниб Кўҳи Қофга борадилар. Бунинг учун қаҳрамонлар йўлда Бало тоғидаги ёвуз девларни енгишлари, ўзларига бўйсундиришлари лозим. Гўрўғлининг рафиқалари Оға Юнус пари, Мисқол парилар, Ҳасан Кўлбар ва Ҳасан Чопсон кабилар шу тоғдан чиқкан дейилади. Эрон мифологиясида Семурғ ватани Элбурс тоғи дея талқин этилади. Шунга кўра, Кўҳи Қоф – Кавказ тоғларининг мифологик тасаввури деган тушунча мавжуд.

Умуман, халқ оғзаки ижодидаги жой номларини реаллаштиришга уриниш, тингловчи ёки бахшининг сюжетдаги воқеаларга ишониши ёки ишонтириши билан боғлиқдир. Номларни мавжуд обьектга локализациялаш тингловчida ушбу сезгини кучайтиришга ёрдам беради. Ҳ.Бектемиров ва Д.Абдураҳмоновлар ўзбек халқ ономастикасини кузатар эканлар, бир қатор

“қайтариқ номлар”¹ учрашини эътироф этадилар. Достонларда учрайдиган қайтариқ номларни тасодифий бир ҳол деб қарамаслик лозим. Масалага чуқурроқ ёндашилса, бу хилдаги номларнинг кўлланишида маълум бир қонуният ва сабабият бордек туюлади². Бу ҳолат айникса, хаёлий номларда кўпроқ намоён бўлади. Масалан, Чамбил, Шахри Шабистон, Зангар шахри, Боғи Эрам, Гулшанбоғ, Шакар кўли, Асқар тоғи, Юлдуз тоғи ва бошқалар. (“Маликаи айёр”, “Балогардон”, “Интизор”, “Орзигул”, “Гўрўғлининг ўлими” достонларида).

Достонлардаги қайтариқ номларга хос яна бир хусусиятга эътибор бериш лозим. Бу типдаги номлар бир объектнинггина номи бўлиб қолмасдан, бир неча объектни англатиб келиши ҳам мумкин. Қиёс қилинг: Арпа кўли, Арпали чўли; Зебит чўли, Зебит шахри; Хунхор дарёси, Хунхор давлати; Ёвмит мамлакати, Ёвмит дашти; Асқар тоғи, Асқар чўли, Асқар кўли; Кашол гори, Кашол эли ва бошқалар. Халқ достонларида жой номларини кузатишда яна бир фактга ҳам эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Баъзан бир достонда учрайдиган маълум жой номлари турли хил худудларда, ҳатто ўзга давлатларда талқин қилинади. Буни “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам” достонида яққол кузатиш мумкин. Достоннинг тарқалиш ареали анча кенг. Ўзбекистон ва Туркманистонда, Озарбайжон ва Арманистонда, Грузия ва Кабардин-Балкарияда, шунингдек, Туркияда ҳам “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Шоҳсанам – Ғарип”, “Ошиқ Ғарип”(Ғарип ошиқ) каби номлари билан достонни кўпчилик танийди. Аммо достонда баён қилинган воқеалар қаерда содир бўлганини аниқлаш анча мушкул ва баъзан имконсизdir. Чунки бу воқеалар ва қаҳрамонлар халқ оғзаки ижоди ҳаёлотининг маҳсулидир. Шундай бўлса-да, тадқиқотчилар бу воқеаларнинг қачон ва қаерда рўй берганлигини аниқлашга уриниб кўрганлар.

Озарбайжондаги “Ошиқ Ғарип” достонини тадқиқ этган С.З.Ёқубова достондаги воқеалар XVI – XVII асрларда, Сафавийлар сулоласи даврида рўй

¹ Бектемиров X, Абдурахмонов Д. Ўзбек халқ достонлари ономастикаси. ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ. Тўплам. –Тошкент: Фан, 1967. – Б.182.

² Ўша асар. – Б.183.

берганлигини айтади. С.П.Толстов эса, XI – XII салжуқийлар сулоласи даврида содир бўлган дейди.

С.З.Ёкубованинг фикрича, воқеалар Кавказ ва Кичик Осиёда, С.П.Толстов эса Сурия ва Озарбайжонда, Салжуқийлар давлатининг ғарбий чегараларида содир бўлган деган фикрни илгари суради. Бунинг исботи сифатида Озарбайжонда Шамоҳа, Туркияда Диёрбакр, Сурияда Ҳалаб номли жойларнинг мавжудлигини келтиради. Бироқ, А.Ишаевнинг таъкидлашича, Кавказ, Кичик Осиёда тарқалган “Ошиқ Ғаріб”да бу номлар эмас, балки Табриз, Тифлис, Арзирум каби номлар учрайди¹.

Достонни маҳсус текширган С.А.Андреев-Кривич ва Ҳ.Ғ.Кўрўғлилар унинг дастлабки мазмуни Ўрта Осиё билан алоқадор деб ҳисоблайдилар.

А.Ишаевнинг ёзишича, бу фикр ҳақиқатга анча яқин. Чунки “Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам” достони туркий тилларнинг ўғуз группасига мансуб бўлган озарбайжон, турк ва, айниқса, туркман тилларида ҳамда ўзбек тилининг Хоразмдаги ўғуз лаҳжасида жуда кенг тарқалган. Бундан ташқари, достоннинг Хоразм варианatlарида тилга олинган жой номлари, асар қаҳрамонлари шарафига қўйилган қалъа номлари Диёрбакр, Шовазир, Ширвон, Шемоҳа, Ваянган, Шоҳсанам, Оқчакелин, Шоаббос кабилар Хоразмда, аниқроғи, қадимги Хоразм ерларида ҳозиргача сақланиб қолган.

С.П.Толстовнинг таъкидлашича, Хоразм ҳудудидаги Ҳалабқалъа, Ёрбакир қалъа (Диёрбакр), Ширвонқалъа, Шамоҳақалъа, Воянган каби номлар бизни халқ оғзаки ижоди томон етаклайди. Буни халқ оғзаки ижодининг ўзига хос моддийлашуви деб ҳисоблаш мумкин. Дарҳақиқат, Кўхна Урганч шаҳридан тўқсон километр жануби-ғарбда Шоҳсанам қалъаси қолдиқлари ҳам мавжуд. Бу шаҳарда, археологларнинг қайд қилишича, эрамиздан олдинги IV-III асрлардан то эрамизнинг XIV асригача одамлар ҳаёт кечирганлар. Шоҳсанам қалъасидан унча узоқ бўлмаган жойда Шоҳсанамнинг дўсти Оқча билан боғлиқ Оқчакелин, унга яқин жойда Ёрбакир қалъалари мавжуд. Хуллас, юқорида келтирилган далиллар асосида

¹ Ишаев А. Шоҳсанамнинг ватани қаер? Фан ва турмуш журнали. – Тошкент, 1971. – Б.26-27.

А. Ишаев “асрлар давомида куйланиб, авлоддан-авлодга ўтган “Ошиқ Ғарив ва Шоҳсанам” достонининг куртаги Салжуқийлар давлатининг ғарбий чегараларида эмас, балки унинг шарқий чегараларидаи Хоразмда яратилган” деган хulosага келади.

Шоҳсанам қалъасида махсус текшириш олиб борган археолог Ю.А.Рапортнинг ёзишича, шаҳарда ҳаёт тўхташи билан унинг номи ҳам унутилган, кейинчалик туркман аҳолиси буни Шоҳсанам ва Ғарив афсонаси билан боғлаган. Бундай ҳодисалар топонимияда тез-тез учраб туради. Хоразм ерларида топилган ўнлаб қалъаларнинг харобалари кейинги даврда туркий аҳоли томонидан қайта номланган. Уларнинг дастлабки номлари ҳакида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шу ўринда Хоразмнинг қадимги аҳолиси хоразмий тилида гаплашганлиги ва бу тил эроний тиллар оиласига кирганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Шундай экан, “Ошиқ Ғарив ва Шоҳсанам” достонида учрайдиган номларнинг аксарият қисмини ўйлаб топилган номлар сирасига киритиш мумкин. Шундай номлардан яна бири ҳакида тўхталамиз.

Чамбил. “Гўрўғли” туркум достонларида учрайди. Достонлардаги афсонавий юрт номи. Чамбилбел, Чандибел, Чамлибел, Чортокли Чамбил, Чанглибел каби шакллари мавжуд. Халқ афсоналарида Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон ҳудудларида бўлган деб қаралади.

В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг ёзишича, “Халқ афсоналарида Ченли-бел Закавказьенинг турли жойларида, кўпинча Озарбайжонда, шунингдек, Арманистон ва Грузияда(Тифлис атрофларида) бўлганлиги айтилади. Гўрўғли юртини маҳаллийлаштириш Туркия ва Ўрта Осиёда (Туркманистон ва Ўзбекистонда) ҳам учрайди.”¹ Дарҳақиқат, Гўрўғлининг яшаб ўтган жойи – қароргоҳи юқорида қайд етилган турли вариантларидан бошқа **Жамбил**, **Чортокли-Жамбил**, **Жамбилбел**, **Жамлибел**,² шунингдек, бошқа халқлар тилида Чамбил топонимининг **Ченли-бел**, **Шамли-бел**,

¹ Жирмунский В.М ва Зарифов Ҳ.Т Узбекский народный геороический эпос. –М, 1947. – Б.169-170.

² Ҳоди Зариф. Равшанхон достони ҳакида, Ўзбекистон адабиёти ва санъати журнали, 1940. 5-сон. – Б.114 -115.

Шамбил каби варианлари ҳам мавжуд. Умуман, номнинг маъноси ҳақида ҳам турли фикрлар билдирилган.

Ислом шоир Назар ўғли томонидан айтилган “Гулихиромон” достонида “Бир белнинг устига бир чам деган дарахт пайдо бўлиб, шу тўгридан Чамбил овозаси кетди”, – дейилади¹. Ислом Шоир сўзнинг этимологиясини дарахт билан боғлайди.

Дарҳақиқат, В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар Яқин Шарқдаги “Кўрӯғли” достонлари ҳақида фикр юритиб, *Шамили-бел* (*Ченли-бел*) географик номи ғарбий туркий (озарбайжон, турк) тилларида “қарағайли довон”, “нина баргли дарахтлар ўсган довон” (“чам”, “шам” – қарағай, арча) маъносини билдиришини ёзадилар².

В.В.Радловнинг луғатида ҳам *чам* сўзининг турк, чигатой, қрим-татар тилларида қарағай (рус. *сосна, лес*), арча (рус. *ёль*) маъноларини ифодалаши кўрсатилган. Шунингдек, *Чам агачининг оқчам, қора чам, сариқ чам* турлари мавжудлиги айтилади³. Озарбайжон тилида бу сўз *шам* шаклида қўлланади⁴. К.М.Мусаевнинг қайд этишича туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда ўсадиган *чам* (қарағай) дарахтини ифодалаш учун ўнта сўз қўлланилади. Бироқ, шулардан факат учтаси (чам, қарағай, нарат) муайян лингвистик ареалларни ташкил этади. Жумладан, *чам* – Шимолий Кавказ, Закавказье, Кичик Осиё, қисман, Доғистон ва Крим ареаллари⁵.

Чамбил сўзининг иккинчи компоненти *бил* // *бел* айрим туркий тилларда уч хил маънода қўлланиши қайд этилади: 1) дара, тоғ оралиғи; 2) тоғдаги тор сўқмок; 3) тепа, баландлик.

Шундай қилиб, Чамбил сўзи асли келиб чиқиши жиҳатидан *чам* // *шам* “қарағай”, *бил* // *бел* “тоғ бели, довон” қисмларидан ташкил топиб, қарағайли

¹ Гулихиромон (Айтувчи – Ислом шоир, ёзиб олувчи – С. Аскarov; нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, С. Аскarov). – Тошкент: Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик, 1965. – Б.125.

² Жирмунский В.М ва Зарифов Ҳ.Т. Кўрсатилган асар. – Б.507.

³ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий, том III, ч. 2. –СПб: 1905. – С.1936-1937.

⁴ Азербайджанско-русский словарь. –Баку: 1962. – Б.237.

⁵ Мусаев К.М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении. (Западнокипчакская группа) –М: 1975. – Б.178.

дован, тоғ белидаги (тоғнинг икки чўққиси ўртасидаги) қарағай ўсган довондир¹.

Шундай қилиб, халқ достонларидағи жой номларининг аксарият қисми реал объектлар билан боғланса, бошқа бир гурух номлар ҳаёлий ўйлаб топилған номлардир. Аммо бу хилдаги номлар ҳам достон халқ орасыда кенг тарқала борган сайин моддийлашуви, яъни бирор реал объектга боғланиши мумкин экан. Номларнинг баъзилари гарчи мавжуд маконни ифодаламаса ҳам, достон яратувчилари тасаввурида бирон реал объектга қиёслаш, таққослаш, ўхшатиш орқали вужудга келиши мумкин.

1.2. Киши номлари

Достонлар ономастикасида киши номлари (антропонимлар) алоҳида гурухни ташкил этади. Улар ўзига хос хусусиятларга эга. Достонлардаги антропонимлар ҳам одатдаги номлар каби бирор шахсни бошқасидан фарқлаб, ажратиб кўрсатиш вазифасини бажаради. Аммо улар ўзида воқеалар силсиласи билан турли этнографик, тарихий, тарихий-лингвистик ва стилистик маъноларни мужассамлаштирган. Номларда достон сюжети билан боғлик давр, халқларнинг урф-одатлари, яшаш тарзи, эски тил унсурларининг ҳам ифодаланишини англаш қийин эмас. Айрим ҳолларда достон қаҳрамонларини мукаммалроқ таърифлаш мақсадида тарихий шахслар номлари, тахаллус ва лақаблари келтириладики, улар худуд билан боғлик воқеаларни англатишда муҳим роль ўйнайди.

Достонларда бош қаҳрамонлар номи билан бирга, уларнинг ёнида бўлган эпизодик қаҳрамонлар, персонажлар исмлари ҳам келтирилади. Шунингдек, образни янада бўрттириш, кучайтириш ёки аксинча, камситиш мақсадида номлар билан бирга қўшиб айтиладиган эпитетлар, лақаблар, тахаллуслар ҳам ўзига хос тарихий факт сифатида аҳамиятлидир.

Хоразм достонлари лексикасида қўлланилган киши номларини шартли равища тарихий шахслар номлари, достонларда қўлланилган лақаблар ва

¹ Ишаев А. Чамбил сўзининг этимологияси. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. Тўплам. –Тошкент: Фан, 1978. – Б.102.

бошқа типдаги бадиий қаҳрамонлар номлари каби гурухларга ажратган ҳолда таҳлилга тортиш мумкин.

1.2.1. Тарихий шахслар номлари.

Достонлар антропонимлари тизимида тарихий шахслар сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган шоҳлар, олимлар, дин пешволарининг исмлари ҳам мавжуд. Қўйида ана шундай номлардан айримлари ҳақида тўхтalamиз.

Абу Бакр. (ابو بکر) Ушбу номни “Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркумiga кирувчи достонларнинг деярли барчасида учратиш мумкин. “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидан парча келтирамиз:

...Ҳақнинг дўсти бўлган ул Шоҳимардон,

Абу Бакр, Сиддиқ, Умар ҳам Усмон... (О-2. –Б.100)

Тўлиқ номи Абу Бакр ас-Сиддикий (572-634)¹. Исломда “хулафо аррошидийн ” тўғри йўлдан борган халифалар), диндорлар орасида “чорёрлар” деб аталувчи тўрт халифадан биринчиси. Муҳаммад (с.а.в)нинг сафдошларидан, унинг қайин отаси (Ойшанинг отаси). Йирик савдогар. Макканинг Қурайш қабиласидан бўлиб, Исломдан олдин унинг исми Абдуллот (“Лот” худосининг бандаси) бўлган. Муҳаммад (с.а.в) билан бирга Маккадан Ясриб (Мадина)га кўчиб ўтган. Муҳаммад (с.а.в) вафот этгач, халифаликка кўтарилиган. Бадр, Ухуд, Хандак ва бошқа жангларда иштирок этган. Араб қабилаларининг Мадина ҳокимликларига қарши қўзғолонни шафқатсиз бостирган. Унинг халифалиги даврида Ироқ ва Сурия босиб олинган, Сосонийларга (633 й.), византияликларга қарши (Фаластин ерларига, 634 й.) қўшинлар юборилган ва Арабистонда ислом дини мустаҳкамланган².

Бакр исми араб тилига хос бўлиб, “тонг”, “мусаффо” демакдир. У тонгги намозни доим Муҳаммад (с.а.в) билан бирга адо этгани учун “Абу

¹ Ирисов А. Чахорёрлар. –Тошкент: Фан, 1993. – Б.6.

² Ислом. Справочник. –Тошкент, 1989. – Б.42.

Бакр”(тонг отаси) номини олган¹. Эрон ва Озарбайжонда кенг тарқалган исм бўлиб, унинг яна бир маъноси “ўрганувчи” дегани бўлиб, исломнинг шиа мазҳабига мансуб кишилар учун жуда муҳим бўлган.

Абу Муслим. (ابو مسلم) Ушбу ном ҳам Хоразм достонларида кенг қўлланилган исмлардан биридир. “Маликаи Завриё” достонидан мисол келтирамиз:

...*Абу Муслим отли Соҳибқиронлар,*
Шаҳид бўлғон Хоразмда эранлар,
Санинг учун Ҳақа зори қилғонлар,
Бари пирлар ёринг бўлсин жон тўрам...(О12. –Б.312)

Асл исми Абдурраҳмон ибн Муслим, тахминан 727–755 йилларда яшаган. Хуросонда умавийларга қарши кўтарилиган қўзғолон раҳбари (747–750 й). Абу Муслим кейинчалик Хуросоннинг волийси (ҳокими) этиб тайинланган. Аббосийлар халифаси ал-Аббос унинг ҳалқ орасидаги таъсири кучайганидан қўрқиб, уни қатл эттирган². Абу Муслимнинг диний-фалсафий қарашларида ислом ва ундан илгариги ҳалқ эътиқодлари, хусусан, илоҳий руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги тасаввурлар акс этган. *Муслим* сўзи ислом динини қабул қилган кишини англатади. Араб тилида бу сўзнинг “бўйсунган, ҳабар берувчи” маънолари ҳам мавжуд. *Мусулмон* сўзи ҳам шу билан боғлиқдир. Форс ва озарбайжон тилларида муслим сўзи кўплик шаклда муслимон (мусалмон) тарзида қўлланиши одат бўлган. Мазкур сўзнинг араб ёзувидаги шакли “مسلمان” муслимон, мусалмон, мусулмон тарзида ҳам ўқилишига имкон беради. Форс тилидаги мусулмон шакли туркий тилларга ҳам тарқалган³.

Ҳазрати Али. (حضرت علی) Бу номни Хоразм достонларининг барчасида қўлланган энг фаол ном деб айтиш мумкин. “Гўрӯғлининг туғилиши” достонидан парча келтирамиз:

...*Пирим Али шаробиннан ичирди,*

¹ Ирисов А. Кўрсатилган асар. – Б.6.

² Абу Муслим жангномаси. Нашрга тайёрловчи Б.Саримсоқов. –Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б.5.

³ Фафуров А. Кўрсатилган асар. – Б.104.

Ўлгунча давронни сурғил Гўрўғли...(Г-1. –Б.43)

Ислом оламининг энг машхур шахсиятларидан бири бўлган Ҳазрати Алининг тўлиқ исми Али ибн Абу Толиб. Исломда “хулафо ар-рошидийн” (тўғри йўлдан борган халифалар), диндорлар орасида “чорёрлар” деб аталувчи тўрт халифадан тўртинчиси. Қурайш қабиласининг ҳошимийлар хонадонидан, Муҳаммад (с.а.в)нинг амакивачаси ва куёви (Фотиманинг эри). Халифа Усмон ўлдирилгандан кейин, Али 656 йилда Мадинада халифалик ҳокимиятини эгаллаган, аммо умавийлар унинг халифалигига бўйсунмаганлар. Абу Сўфённинг ўғли Муовия Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. Али таҳт учун курашда ғалаба қозона олмай, умавийлар билан келишишга кўнган. Аммо унинг тарафдорларидан бир қисми (хорижийлар) бундай ҳаракатлардан норози бўлишган ва суиқасд уюштириб, Алини Кўфада ўлдирганлар. У шу шаҳарга дафн қилинган. Алининг тарафдорлари кейинчалик исломдаги икки оқимдан бири бўлган шиалик оқимини ташкил этганлар. (“шиа” – арабча гурӯҳ, партия маъноларини беради, бу ўринда Али тарафдорлари мазмунида). Али кейинчалик шиа имомларининг биринчиси ва шиа имомлари шажарасини бошлаб берувчи ҳисобланади. Шу муносабат билан шиалар суннийларнинг халифаларидан ҳеч бирини эътироф этмайдилар. Алини илоҳийлаштиришга бағишлиб кўплаб китоблар ёзилган. Шиалар ўртасида унинг қаҳрамонликлари ва саргузаштларини тасвирловчи жуда кўплаб афсона ва ривоятлар тўқилган. Бу афсона ва ривоятлар суннийлар ўртасида ҳам кенг ёйилган. Уни саркарда ва қаҳрамон шахс деб билишади. Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда кўп қадамжолар унинг номи билан боғланиб, муқаддаслаштирилган. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналарида мазкур номнинг фаол қўлланишининг боиси ҳам шундандир. Алининг қаҳрамонликлари тўғрисидаги ривоятлар етарлича тарихий асосга эга эмас. Унинг номи билан боғлиқ қадамжолар ҳам рамзий зиёратгоҳлардир, чунки у Ўрта Осиё ва Эронда бўлмаган. Али сўзининг маъноси арабча “юксак, буюк, юксакда турувчи” демақдир.

Афросиёб. “Хирмондали” достонида учрайди: ...*Қорахоннинг лашкари бирла андоғ урушиларким, Рустам Мозандаронда, Афросиёб дарёи Нил ва Зарафшонда андоғ уруши қилғон эрмас эрдилар...*(О-4. –Б.145)

Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрининг вайронаси шу ном билан юритилади. Халқ орасида Афросиёб Рустами достонга қарши курашган ботир, қаҳрамон сифатида талқин қилинади. “Авесто” китобида *Фраграсян* деб тилга олинади. Унинг маъноси “даҳшат солувчи, қўрқув солувчи” одам демакдир. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида Турон шоҳи сифатида қайд этилади. У эронийларга қарши мардонавор жанглар олиб боради. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луготит турк” асарида унинг исми Алп Эр Тўнга деб юритилади¹. Ҳозирги айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Афросиёб туронлик қаҳрамон, туркий халқнинг хоқони, эронлик ҳукмдорларга қарши мардана курашган тарихий шахс бўлган².

Афлотун. “Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам” достонида учрайди:

...*Ман мунда яккалик жабрини чекдим,*

Афлотун подишога мангзар навкарим...(О-2. –Б.70)

Шарқ халқлари орасида Афлотун, Ғарб манбаларида Платон деб танилган юонон файласуфи. Унинг асл исми *Аристокол* бўлиб, милоддан аввалги 428 //427 йилда Афинада туғилган, 348//347 йилда вафот этган. Афлотун аристократ оиласида туғилган. Тахминан 407 йилда Суқрот (Сократ) билан танишган ва унинг энг яқин шогирдларидан бири бўлиб қолган. Афинадаги “Платон академияси” номи билан машҳур бўлган файласуфлар мактабига асос солган ва уни бошқарган. Унинг ўттиздан зиёд асарлари маълум.

Боязид. “Гўрўғли” туркумидаги достонларда учрайди: ...*эй дўстим, сен мени тоза султон Боязиддай авлиё қилиб юбординг-ку...*(Г-2. –Б.187) Боязид I (Йилдирим) 1359 ёки 1360 йилларда туғилиб – 1403 йилларда вафот этган турк султони. У ўзидан олдин ўтган султонлар бобоси Ўрхон (1326-1359) ва

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девони лугот-ит Турк. Тошкент, 1-жилд. 1960. – Б.59.

² (ЎзСЭ. – Б.570.)

отаси Мурод I (1359-1389) ларнинг ташқи сиёсатини давом эттирган. Болқон ярим оролидаги Сербия, Македония, Булғория, Фессалияни, Морея ва Венгрияни босиб олди. Боязид исми арабча “Абу Язид” яъни, “Язид ота” деган маънони англатади. Аслида бу ном IX асрда яшаган мусулмонлар орасида авлиё ҳисобланган Боязид Бистомийга тааллуқли бўлиб, турклар ўз фарзандларини авлиёлар исми билан аташни удум қилишган. Султон Боязиднинг исми ҳам шунга алоқадор.

Биби Марям. “Гўрўғли” туркумидаги достонларда учрайди: ...ўрисларнинг эътиқодича, гўё шу вақтларда *Марям* тоғига *Биби Марям* келиб қолади...(Г-2. –Б.360). Биби Марям Исонинг онаси. Христианликда Богородица, Богоматерь, дева Мария, исломда Биби Марям деб юритилади. Уни аёллар волийси, ҳомийси сифатида илохийлаштириб, у ҳақда турли афсоналар тўқилган. Умуман, Ўрта Осиё халқларида аёллар исмига “биби” қисмини қўшиб қўллаш расм бўлган. Биби русчада “госпожа” (хоним) маъносини англатади. Қадимда мусулмончиликда аёл авлиёларнинг исмларига мазкур қисм қўшиб ишлатилган. Масалан, Мухаммад (с.а.в)нинг хотинлари Хадича, Ойша; қизлари Зайнаб, Руқия, Фотималарни ҳам *Биби Хадича, Биби Ойша, Биби Зайнаб, Биби Руқия, Биби Фотима* каби шаклларда атаганлар. Кейинги даврларда бу қисм аёллар исмининг аниқловчиси, кўрсаткичига айланган. Бу қисм хоразм достонларидаги *Навбаҳорбиби, Бибитарлихон, Бибижон* ва бошқа номлар таркибида қўлланган. Ўзбек тилининг айрим шеваларида “биби” сўзининг бир бўғини тушириб талаффуз қилинади. Масалан, Бисаро, Бираҗаб каби.

Баҳовуддин. “Ошиқнома” туркумига кирувчи “Ошиқ Албанд” достонида учрайди.

...*Бағрим узра бордур манинг бир ниишон,*
Дуо қилсин деди ул Шоҳимардон,
Абу Бакр, Сиддиқ ул Умар, Усмон,
Баҳовуддин сармаст бузруг кўринди...(О-2. –Б.172)

Тўлиқ исми Саид Мұхаммад ибн Жалолиддин (1318 – 1389) бўлиб, нақшбандийлик тариқатининг асосчисидир. Бухоро яқинидаги Ҳиндувон (хозир Қасри Орифон)¹ қишлоғида туғилган ва шу ерда вафот этган. У металларга нақш бериш касби билан шуғуллангани сабабли унга Нақшбандий тахаллуси берилган. “Баҳовуддин” сўзи “диннинг баҳоси” маъносини англатади. Хоразмда “Боваддин пир” деб юритилади. Баҳовуддин ёшлигидаёқ сўфийлик йўлига кирган. Устози Мир Саид Қулол таъсирида ўз тариқатини яратди. У исломни тозалаш, илк ҳолига қайтариш ғоясини илгари сурган. У ўзини Мұхаммад авлодидан машҳур Муршид деб танитган. Баҳовуддиннинг айrim қарашлари сўфийликнинг бошқа вакиллари, хусусан, Аҳмад Яссавий қарашларидан фарқ қиласи. У ҳам Яссавий сингари фақирликка, камбағалликка ундейди, лекин хайр-эҳсон ҳисобига эмас, балки фақат ўз меҳнати билан яшашни ёқлади. “Дил ба ёру, даст ба кор” яъни, дил, қалб ёр (худо) билан, қўл меҳнат билан банд бўлиши ғоясини илгари суради.

Баҳовуддин сўфийликни тарғиб қилиб Арабистон, Эрон ва Ўрта Осиёning кўп шаҳарларида бўлган. Унинг номи илоҳийлаштирилиб, у ҳақда турли ривояту афсоналар тўқилган. Уларга кўра, гўё унинг қабрини зиёрат қилган киши ҳаж қилганлик савобини олар эмиш. Ҳозирги кунда ҳам бу тасаввурнинг таъсири сақланган. Диндорлар уни “балогардон”, яъни “балоларни даф қилувчи” деб биладилар. Халқ достонларида ҳам унинг образи шу тариқа талқин қилинади.

Искандар. “Гўрўғли” туркумiga кирувчи “Араб танған” досонида учрайди: “...Авазжон ўғлим, ҳазрати Искандаршо-да юртни менингдай одил сўрамаганди...”(Г-1. –Б.137) “Искандаршо” шарқда Искандар Зулқарнайн деб танилган Александр Македонскийдир (356-323). У буюк саркарда, Болқон яrim оролидаги кучли қулдорлик монархияси – Македониянинг подшоси. Отаси Филипп II бутун Юнонистонни Македонияга бўйсундириб, кучли

¹ Насафий (Е.Е.Березиков). Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандий. Таржимон Махкам Андижоний.
–Тошкент: Мерос, 1992. – Б.100.

давлатни вужудга келтирган. Искандар машхур Аристотел (Арасту) дан илм-фан ўрганади.

Захиридин Мұхаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида: “Самарқандни Искандар бино қилғондур”, – деб келтиради¹. Искандар Ўрта Осиёни забт қилиб бўлгач, 327 йили Ҳиндикуш тоғларидан ошиб, ғарбий Ҳиндистонни босиб олади ва Бобил шаҳрини ўз давлатининг марказига айлантиради. У янги ҳарбий юришларга тайёргарлик кўраётган бир пайтда 323 йили безгак касалидан вафот этади. Унинг забт этган ерлари Дунайдан Ҳинд дарёсигача чўзилган бўлиб, қадимги дунёдаги энг катта давлат эди. Мана шундай тарихий вазиятнинг излари сифатида юонон олимларининг арабчага таржима қилинган ишлари пайдо бўлди.

Шу жараёнда Платон – Афлотунга айланди. Араб тили грамматикаси қоидаларига мослашган ҳолда Александр – Искандар шаклида ёзила бошланди. Маълумки, араб тилидаги “ал” артикли қайси сўзга қўшилса шу объектнинг машхур эканлигини ёки ягоналигини ифода этади. Араблар бу номни Ал-Иксандр тарзида ўқиганлар. Александр исмидаги биринчи қисм “ал” артикли сифатида тушириб қолдирилган. Кейинчалик сўз таркибида метатеза (к//с) ҳодисаси содир бўлган. Кейинги бўғиндаги учта ундошнинг қатор келиши талаффузда қийинчилик туғдирган, натижада, *ð* ва *r* ундошлари орасида *a* унлиси орттирилган, ана шу тарзда Иксандр // Искандарга айланган. Халқ орасидаги “зулқарнайн” (икки шохли) сифати унинг ҳарбий бош кийими (шохли дубулғаси)га қараб қўйилган. Шохли Искандар образи шундай пайдо бўлган ва халқ оғзаки ижодига сингиб кетган.

Имоми Аъзам. Номнинг маъноси “буюк имом” демакдир. “Мискин ва Гулқанд” достонида учрайди:

*...Кўнглима ўт тушар ҳар на сўз десам,
Дилима келди кўп сўз ёри карам,
Диннинг чирогидур ё Имом Аъзам,
Мушкулим осон эт, қўйма озора... (О-2. –Б.222)*

¹ Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Шамсиев П. –Тошкент: Юлдузча нашриёти, 1990. – Б.43.

Асли исми Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ибн ан-Нуъмон, 699//700 йилда Кўфа (Ирок)да туғилган, 767 йилда Бағдод шаҳрида вафот этган.

Ҳанафия мазҳабининг асосчиси, диний ҳуқуқшунос – фақиҳ. Келиб чиқиши форслардан. Шариат ҳуқуқини системага солган. Ҳалифаликнинг бош қозиси вазифасидан бош тортгани учун халифа томонидан ҳибсга олиниб калтаклаб ўлдирилган.

Луқмон. “Ошиқ Албанд” достонида Ҳазрати Луқмон шаклида қўлланилади: ...*Дардга даво этган ҳазрати Луқмон,*

Дод этарман паризоднинг алиннан...(О-2. –Б.182).

Қадимги араб мифологиясида иккита Луқмон бўлган. Улардан бири Луқмон ибн Од деб юритилган. Афсонага кўра, қадимий Арабистонда яшаган Од халқи Оллоҳнинг газабига учраб, қургоқчиликка дучор бўлади. Халқ бу оғатдан қутилиш учун ўз вакилларини Маккага ёмғир сўраб дуо ўқиш учун юборади. Уларга Луқмон бошчилик қиласи ва оллоҳдан ўзига узоқ умр тилайди. Оллоҳ унга етти бургут умрига teng узоқ умр ато этган. Иккинчи Луқмон Қуръонда тилга олинган (31-Луқмон сураси). Луқмон ал-Ҳаким сифатида қайд этилган бўлиб, донишманд ва яккахудоликнинг тарғиботчиси сифатида тавсифланади. Ислом афсоналаридаги қўпгина афоризм, мақоллар, ҳамда масаллар, шунингдек, мусулмон халқларининг фольклор асарларида Луқмон номи жуда машҳур бўлган. Ўрта Осиё халқлари орасида Луқмон буюк ҳаким ва ҳакимларнинг пири деб тан олинади. Шунингдек, Луқмон сўзи доно, билимдон шахс маъносини ҳам англатади. Луқмон сўзи арабча “бокувчи” деган маънени билдиради (ҳалол луқма).

Шоҳ Машраб. “Машраб” сўзи “харәктер, хулқ, одат сохиби, яъни ажиб характерли одам” деган маънени англатади. “Ошиқ Албанд” достонида учрайди: ...*Бир бобо келдилар, бошинда кулоҳ,*

Шул маҳал кечаси бўлдилар пайдо.

Икки қаландар бор ўzlари шайдо,

Шоҳи Машраб бу ишларни бошлиди...(О-2. –Б.201)

Машраб – унинг таҳаллуси, асл исми Бобораҳим (1657-1711) ўзбек шоири ва

мутафаккири. У ўз шеърларида хурфиксикни тарғиб қилган. Бизгача унинг “Девони Машраб” номли девони етиб келган. Унинг шеърлари халқ орасига кенг тарқалган. Халқни ҳақсизлик,adolatсизликка қарши курашишга ва бу дунё лаззатларидан баҳраманд бўлишга чақирган. Машраб ўзини худо билан қўшилиб кетган деб ҳис қилиши ва бу жиҳатдан ўзини машхур сўфий Мансур ал-Халложга ўхшатиши натижасида шаккокликда айбланиб, Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон амри ва руҳонийларнинг фатвоси билан дорга осилган.

Унинг қабри Афғонистоннинг Ишқашим қишлоғи (Хонобод жануби)да жойлашган. Машрабнинг шеърлари Ўрта Осиё, Қозогистон, Волга бўйи, Афғонистон, Туркия ва бошқа жойларда кенг тарқалган. Ҳозир ҳам Хоразмда аёллар йиғилиб, унинг ғазалларини ўқишиди, машрабхонлик кечалари ташкил қиласидар. Халқ орасида у Шоҳ Машраб номи билан ҳам машхурдир.

Умуман, достонлар ономастикасида тарихий шахсларнинг номи анчагина учрайди. Жумладан, Жомий, Румий, Навоий, Насимий, Паҳлавон Маҳмуд, Султон Увайс, Яссавий, Султон Табризий ва ҳоказолар. Улар маълум бир образ сифатида достон сюжетига кирмаса ҳам, кўпроқ диний вакиллар сифатида қаҳрамонлар тилида акс этади. Алишер Навоий доно амир сифатида ҳар хил ривоятларда иштирок этади. Хоразм халқ оғзаки ижоди намуналарида унинг номи Миралишер (айрим туркий халқлар фольклорида Мирали) шаклида учрайди.

Паҳлавон Маҳмуд пир сифатида халқнинг энг яқин кишиси каби Полvon ота, Ҳазрати Полvon пир дея улуғланади. У тоҳо паҳлавонларнинг пири, тоҳо ҳунарманд косибларнинг ҳомийси дея қадрланса, Нажмиддин Куброни халқ Шикабир ота (Шайхи Кабир – катта шайх) дея эъзозлайди. Хуллас, бу тарихий шахслар номи диний ривоятлар билан боғланиб, халқ достонларида кенг қўлланилади. Достонларда қўлланиладиган яна бир хил ономастик бирлик мавжуд – бу лақаблардир.

1.2.2. Достонлардаги лақаблар

Бизга маълумки, киши номлари жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, жамият аъзоларининг маълум сабабларга кўра табақаланиши, меҳнат ва маҳсулот тақсимоти, мулк формаларининг келиб чиқиши ва шу каби қатор факторлар асосида вужудга келади¹. Чунончи, ўзбек тилида қатор киши номлари таркибидаги бой, қул, хон, хўжа, сайд, бека, пошто каби сўзлар жамиятдаги тенгсизлик, табақаланиш, ҳоким-тобелик муносабатларининг тилдаги тарихий изларидир.

Бу хусусият халқ оғзаки ижодининг бадиий қўриниши бўлган достонларга ҳам алоқадордир. Зеро, достонлар маълум ҳудудда яшаган халқлар томонидан ижод қилинар экан, уларнинг тарихи, маданияти, хусусан, тилига (баъзан шева хусусиятларига) асосланиши шубҳасизdir. Кишиларга лақаб қўйиш ўзбек халқи орасида кенг тарқалган қадимий одатлардан бўлиб, ўзига хос илмий-назарий асосга эга. Улар кишининг бирор (жисмоний ёки ақлий) бошқалардан фарқ қилувчи хусусияти, нуқсони ёки устунлиги, характеристи, шунингдек, антропологик тузилиши, баъзи ҳолларда, унинг этнографик белгилари асосида вужудга келади. Умуман, лақаблар, уларнинг номланиш принциплари ва типлари ҳақида айрим фикрлар айтилган².

Достонлар ономастикасида лақаблар асосий номларга қўшимча маъно берувчи, образни яққолроқ ифодаловчи бирлиkdir. Лақаблар халқ оғзаки ижодида, хусусан, достон ва эртакларда жуда тараққий этган бўлиб, улар барча қаҳрамонларга ҳам берилавермайди. Лақаб олган қаҳрамоннинг характерист-хусусиятлари унинг лақабидан англашилиб туради. Чунки лақаб унга бошқалардан ажралиб турадиган бирор хусусияти борлиги учун ҳам берилади. Лақаблар кишиларга атаб қўйиладиган исмлар каби бир кишини бошқа бир кишидан (кўпинча бир хил номга эга бўлган бир неча кишини) ажратиш, фарқлаш зарурияти туфайли пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам у баъзан кишининг исми ўрнида ҳам қўллана олади. Аммо, бунинг учун

¹ Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. АКД. –Ташкент, 1965. – Б.25.

² Ишаев А. Мангит шевасига оид кузатишлар, 1. Лақаблар ҳақида, Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 2-китоб. –Тошкент, 1961. – Б.229-235.

маълум худудда узоқ бирга яшаган жамоа мавжуд бўлиши керак. Улар бир-бирларини яхши билиши, англаши лозим.

Хоразм достонларида ҳам бир қатор лақаблар учрайдики, улар достон қаҳрамонларининг ҳар бирига хос бўлган белги- хусусиятларни кўрсатиб туради. Лақаблардаги айрим хусусиятларга эътибор қаратамиз:

1. Қаҳрамонларининг қайси этник гуруҳга алоқадорлиги: *Ҳасан булгор, Абулқосим Қурайши, Бектош араб, Райҳон араб, Сафар авғон* каби. Этник белгилар билан ифодаланувчи лақаблар, асосан, туркий бўлмаган халқ вакилларига берилади. Туркий этнонимлар билан боғлик лақаблар ҳам кўлланган, аммо улар кўпчилик ҳолларда киши исмидан ажралган ҳолда ишлатилади: *Барлос, Човдир, Ёвмит, Така ва бошқалар*.

2. Лақабларнинг айримлари қаҳрамонларнинг ижтимоий мавқеи, мансаби, машғулоти қабиларга асосланган: *султон, бек, тўра, сардор, вазир, меҳтар, ноиб, дарға, бий, мирохур, миришаб, оғабеги, халлож* ва бошқалар. Буларнинг айримлари ҳақида тўхталамиз:

Бек. Туркий халқларга хос аталиш бўлиб, туркчада “жаноб” деган маънони англатади. Ўрта Осиё хонликларида шаҳар ёки вилоят бошлиғи “беклар” хон томонидан тайинланган. Хоразмда хон ва давлат арбобларининг ўғиллари ва қариндошларига бериладиган фахрий унвон. Беклар маълум ерларга эга бўлганлар ва у ердан тушган солиқларни ўзлари олганлар. Шунингдек, бек сўзи ҳукмдор, аслзода, жаноб маъноларини ҳам ифодалаган. Бу сўз хоразм достонларида учрайдиган *Бек Гўрӯғли, Гўрӯғлибек, Бек Равшан, Мамадали Бек* каби номлар таркибида кўлланилган.

Бий. Кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. XVIII – XIX асрларда иирик ўзбек уруғ ва қабилаларига бошчилик қилган бийлар фақат марказий ҳукуматга итоат этганлар. Бий унвони авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирилган.

Хоразмда бий – оталиқ ва иноқ каби лавозимлардан кейинги фахрий унвонлардан бири бўлган. Бийлар 300 – 500 навкарга саркардалик қилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бий кейинчалик юқори лавозимга қўтарилса ҳам, унинг эски унвони ўзида сақлаб қолинган. Бу сўз хоразм достонларида учрайдиган *Ойла бий*, *Ўтаган бий*, *Шармон бий*, *Эрмон бий*, *Тулимбий* каби номлар таркибида қўлланилган.

Вазир. Арабча сўз бўлиб, ёрдам кўрсатувчи, ёрдамчи деган маънони англатади. Биринчи бор вазир унвони VIII асрда аббосийлар сулоласи даврида пайдо бўлди. Шундан бошлиб мусулмон давлатлари ҳукуматлари таркибида улар олий мансаб эгаси сифатида фаолият кўрсата бошладилар. Хоразм достонларида *Порма вазир*, *Пормоз вазир*, *Хусайн вазир*, *Ланг вазир*, *Ҳамдам вазир*, *Қосим вазир*, *Баҳром вазир* каби номлар таркибида учрайди.

Дарға. Хоразм достонларида Шери дарға (ҳазрат Али назарда тутилган), Эшимдарға каби номлар таркибида қўлланган. Ушбу атама қуйидаги мъноларни англатади: 1. Мўғул тилида ҳоким дегани бўлиб, мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида улар вилоят ёки шаҳар ҳокими даражасида бўлишган. Уларнинг зиммасига вилоят ёки шаҳарни идора қилиш, аҳолини рўйхатга олиш, уни ҳисоб-китоб қилиш ва улардан солик ундириш вазифалари юклатилган. 2. Миршаблар бошлиғи шу ном билан юритилган. Хоразм шевасида бу сўз талаффузга мослаштирилган ва шу шаклда достонларда кенг қўлланилган. Аслида бу сўз “доруға” шаклида бўлган. Сўнгги даврларда кема бошлиғи “дарға” деб аталган.

Саркор. Ушбу сўз форс тилига хос бўлиб, (сар + кор) “иш боши” маъносини англатади. Ўрта асрларда феодалларнинг ер-сувларини назорат қилиб, барча хўжалик ишларига бошқарувчилик қилиб турувчи мансабдор шахс. Баъзан ҳукмдорларнинг шахсий хазиначиси ҳам саркор деб юритилган.

Сардор. Бошлиқ, етакчи, йўлбошчи¹ маъноларини англатади. Ўрта Осиё хонликларида хон қўшини қўмондони, халқ лашкарбошиси. Хоразм достонларидаги *Сайдали сардор*, *Аҳмад сардор*, *Маматсўйин сардор* каби номлар таркибида қўлланилган.

¹ Шамсиев П, Иброхимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат. – Тошкент: Академ.нашр. -1953. – Б.292.

Султон. Бу сўз араб тилига хос сўз бўлиб, ҳукмдор, ҳоким деган маънони англатган. VIII асрда Бағдод халифаси Хорун ар-Рашид саройида давлатнинг барча ишларини бошқарувчи бўлган дўсти Козим ибн Яҳёни унга бўлган хурмат ва катта ишонч белгиси сифатида Султон (سلطان) деган янги унвон билан мукофотлайди. X асрлардан бошлаб, ислом мамлакатларида ҳукмдор султон деб атала бошлаган. Кейинчалик мавқеи пасайган вилоят ҳокими ҳам, қабила ёки уруғ бошлиқлари ҳам шундай атала бошлаган. XV асрга келиб, Шайбонийхоннинг яқин қариндошлари ҳам султон деб аталадиган бўлди. Хоразм достонларидаги *Vais султон, Гўрўғли султон, Мирза султон, Мунаввар султон, Нодир султон* каби номлар таркибида қўлланилган. Баъзи халқларда “султон” аёллар исмини ҳосил қилувчи компонентга айланган. Масалан, темурий маликалардан *Робиясултон, Руқиясултон* номлари тарихий манбаларда қайд этилган.

Мирохур. “Гўрўғли” туркумига кирувчи достонларда учрайди: “...Соқи мирохурга қараб, Ғиротни Авазжонга абзаллаб келтиргин, – деб бир сўз деди...” (Г-2. –Б.164). Мирохур Бухоро амирлигидаги юқори босқичдаги (олтинчи даражали) мансаб бўлиб, сарой отхонасининг бошлиғи саналган ва саройдаги барча отхоналар ва от-улов маҳкамасига жавогар бўлган шахсdir. Атама араб ва форс тилига оид бирликлар “мир” (амир, хўжайин) ҳамда “охур” қисмларидан ясалган.

Мехтар//Миҳтар (مهتر) Номнинг икки хил шакли унинг араб ёзувидаги ўқилиши билан боғлиқ. Шевада матал кўринишида ҳам ишлатилади. (Г-1. – Б.165) “Авазхон” достонида учрайди:

...Тоймос бегим балли Рустам бўлмади,
Дали Мехтар, Ҳамдам вазир келмади,
Сафар оғам мандан хабар олмади,
Дув талашган тўрт айғирим келмади...(Г-1. –Б.414)

Ушбу лақаб мансаб номи асосида вужудга келган. Мазкур сўз: 1) улуғ, катта; 2) элчи; 3) сурнайчилар бошлиғи дея изоҳланади¹. Бухоро амирлигига мазкур атама закотчилар бошлиғини англатган. Кўён ва Хива хонликларида созандаларнинг бошлиғи, етакчи созанда мехтар деб юритилган.

Маҳрам//Марам. “Гўрўғли” туркумига кирувчи достонларда учрайди: “...ўзлариннан ёши улугроқ Сафар маҳрамни ўзларина бош атиб, бир чўлистанлиқа чиқиб, қўши диклаб, чертак қуриб ётвадила... ”(Г-1. –Б.55)

Аслида бу сўз араб тилига хос бўлиб, тарихий-этнографик маъно ҳам ифодалайди. Шариат қоидаларига кўра аёл киши учун эр, ота-она, ака-ука, амаки, тоға, бува каби қариндошлар маҳрам саналган. Ўзаро юз кўришуви мумкин бўлган эркак ва аёл, энг яқин қариндошлар маҳрам ҳисобланишган.

Ўзбек мумтоз адабиётида бу сўзниң қуидаги маънолари келтирилади: 1) энг яқин қариндош; 2) улфат, ҳамдам, сирдош; 3) хусусий хизматчи, ички хизматчи².

Хоразм достонлари ва шеваларида бу сўз таркибидаги бўғиз ундоши “х” ни тушириб қолдириб, иккинчи унли сал чўзиқ талаффуз этилган ҳолда *ма:рам* шакли фаол қўлланади (Г-1. –Б.379). Лақабларда сўзниң сирдош, ички хизматчи каби маънолари асос бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки достонда Сафар маҳрам Гўрўғлининг яқин кишиси, сирдош ҳамдами сифатида тасвирланади.

Умуман, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи барча даврларда ҳам уни бошқалардан фарқловчи белги сифатида қаралган. Шу сабабли, ушбу гурухга *Алибек сотқучи, Ашур миришаб, Булдор қассоб, Бобо қаландар, Гамбик чўпон, Гулзор каниз, Мансур Ҳалложс* (ҳалложс – пахта толасини чигитдан ажратувчи дастгоҳни ишлатувчи ҳунармано), *Хўжса боғбон, Миришкор боғбон, Омон жарчи, Санжар баҳии, Шозаргар, Занги заргар, Шодмон мерган, Замон оғабеги, Аваз бадрак, Алихўжа эшон* кабиларни ҳам киритиш мумкин. Бу қаҳрамонларга берилган лақаблар деярли барча хоразм

¹Шамсиев П, Иброхимов С. Келтирилган асар. –Б.197.

²Шамсиев П, Иброхимов С. Келтирилган асар. – Б.193.

достонларида учрайди. Мисоллар шуни кўрсатадики, лақабларнинг қўлланиши жиҳатидан халқ достонлари бадиий адабиётга нисбатан жонли сўзлашув тилига анча яқин туради ва унинг бу соҳадаги хусусиятларини акс эттиради. Достонларда ҳам жонли сўзлашув тилига хос кишининг бирор жисмоний ёки руҳий белгилари асосида ҳам лақаб қўйиш яққол қўринади. Қиёс қилинг: *Сафар кўса*, *Пировун кўса* (*кўса – соқоли ўсмайдиган эркак*), *Тўхтамиши кўр*, *Ёзим барзанги* (*барзанги – катта гавдали, узун бўйли киши*), *Сафарали нинасоқол* (Хоразмда *инна соққол* шаклида қўлланилади), *Карам дали*, *Мустоб гуппи* (*гуппи – 1. Калта пахталик чопон; туркманчада “туя жуни солиган калта камзул”* (Тдс. 219.) 2. *Семиз, беўхишов*)¹ ва бошқалар.

Достонлардаги баъзи лақаблар руҳий мазмун билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. *Карам дали*, *Дали меҳтар* ва бошқа номлардаги “дали” сўзи ҳозирги хоразм шеваларида “шўх, шайтон, жинни, сахий” каби маъноларда қўлланади. Бу сўз эски ўзбек ва қадимги туркий тиллар луғатларида ҳам келтирилган. Қиёс қилинг: *дәлі* (ДЛТ, III, 251), эски ўзбек. *дәлу* (“Тафсир”, 117), озарб. *дали* (Азрл. 126), “шўх, тентак”; туркм. *дали*; жинни (Тдс, 286)² ва бошқалар. Шундай лақаблардан бири *Шумтуёқ*. “Эдиго” достонида учрайди: “...*Уйғур жамоасидин бир бой бор эрди. Ҳеч бир яхши ишга қўл урмаган, еб-ичиб асло қорни тўймаган, бир тук асл чиқмаган, мисоли тарвуздек бир айёри кўса эрди. Отина Кенжабой кўса, лақабина Шумтуёқ дер эрдилар...*”(О-1. –Б.170).

Бу лақабнинг шевада ҳар хил кўринишлари мавжуд: *Шумтуёқ*, *Шумоёқ*, *Шумпой* “омадсиз, ёмон одам”. Худди шу маънода *оқ патли, оқ қил, оқ оёқ* каби бирикмалар ҳам лақаб сифатида қўлланади. Кўпинча халқнинг тасаввурида бундай одамлар доим омадсизлик, баҳтсизлик келтиради. Уларни кўрган кишиларнинг ҳам ишлари юришмайди. Достонларда ҳам уларнинг қаҳрамонларига баҳтсизлик келтирадиган кишилар шунга ўхшаш лақаблар билан юритилган.

¹ Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҗжаси лексикаси. –Тошкент: Фан, 1973. – Б.126.

² Мадраҳимов О. Кўрсатилган асар. – Б.129.

1.2.3. Бадиий қаҳрамонлар номлари

Достонларда кўлланган бадиий образларнинг номлари, хусусан, бош қаҳрамонлар номлари халқ орасида жуда кенг тарқалган. Шу сабабдан ҳам уларнинг кўпчилиги тарихий шахслар каби тилга олинади. “Гўрўғли” туркумидаги достонлар мазмунан ва шаклан ички боғланишга эга. Бу достонлар ўзбек, тоҷик, қозоқ, татарларда “Гўрўғли”; туркман, озарбайжон, арман, грузин, турк ва бошқа халқларда “Кўрўғли” номи билан шуҳрат қозонган.

Гўрўғли. Ўзбек халқ эпослари орасида энг катта туркумни ташкил этган қаҳрамонлик ва романик достонларнинг бош қаҳрамони исми. Ушбу номининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар айтилади. “Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги” достонида шундай тасвирланади.

Гўрўғлининг бобоси Тўлибой синчи¹ бўлган. У Мори юртининг беги, Коништихоннинг ўғли бўлиб, ёшлигига ёвмит подшоси Одилхонга асир тушади. Тўлибой синчи хизматларидан кўнгли тўлган Одилхон қизи Биби Ойшани унга никоҳлаб беради. Булардан бўлгуси қаҳрамоннинг отаси Равшан туғилади. Унинг хотини ҳомиладаорлигига вафот этиб, қабрда фарзанд кўради. Гўрда туғилганлиги сабаб, унга Гўрўғли деб исм қўядилар.

Бошқа бир версияга кўра, унинг отаси Равшан кўр бўлгани сабабидан унинг исми Кўрўғли деб талқин қиласидар.

Айрим тадқиқотчилар бу икки қараш ҳам ишончли эмас, улар кейинчалик ўйлаб топилган деб ҳисоблайдилар. Жумладан, шарқшунос А.Гафуров исмнинг этимологиясини туркий тиллардаги “коркили” (кўркли, чиройли, ёқимтой) сўзи билан боғлайди².

Аваз. “Гўрўғли” туркумидаги достонларда жуда кенг тарқалган қаҳрамон исми. У достонларда *Аваз*, *Ботир Аваз*, *Авазхон*, *Бол Аваз* каби номлар билан ардоқланади. *Аваз* халқнинг идеалига жуда яқин қаҳрамон бўлгани учун ҳам бу исмни кўпчилик ўз фарзандларига қўйишишган. *Аваз* номи

¹ Синчи – отларнинг зотини, ёшини, феъл-атворини яхши биладиган одам.

² Гафуров А. Лев и Кипарис. –М, 1971. –Б.198.

кўпчилик Шарқ халқлари орасида ҳам кенг тарқалган. Жумладан, туркманлар уни *Ӧвәз*, озарбайжонлар *Әшәз* деб талаффуз қиласилар. Бу исм арманлар орасида ҳам учрайди. Машхур рассом Айвазовскийнинг фамилияси дастлаб Айвазян (Айвазнинг ўғли маъносига) бўлган.

Аваз сўзининг маъносига ҳақида кўпчилик маълум фикрга келган. Бу сўз араб тилидаги *авад/з* шаклининг форсий талаффузи натижасига “аваз”га айланган. Маъносига, “айнан алмашиш” (рус. замена) демакдир. Мавжуд удумга кўра, бундан олдинги фарзанд вафот этган бўлса, кейинги туғилган ўғилни Аваз деб атаганлар. Гўё, биз олдинги фарзандимизни йўқотдик, Оллоҳ шунинг эвазига (ўрнига) бу фарзандни берди дейишган, шунинг билан фарзандини ҳар-хил инс-жинслардан асрароқчи бўлишган. Бу ном мазмун ва моҳиятига кўра Ўрин, Ўринбой каби исмларга мос келади.

Бозиргон//Базиргон. “Гўрўғли” туркумига кирган шу номдаги достоннинг қаҳрамони исми. Ушбу атама Бозоргон шаклида ўрта асрларда кенг тақалган. У ўлкаларда юриб савдогарчилик билан шуғулланувчи шахсни англатган. Бозоргонлар савдо ишларидан ташқари айғоқчилик ҳам қилганлар. Борган мамлакатларининг иқтисодий аҳволи, ҳарбий салоҳияти ва бошқалар ҳақида маълумот тўплаб борганлар. Хон ва сultonлар ўз элчиларини уларга кўшиб юборганлар ва шу тариқа ўзларига керакли муҳим маълумотларни кўлга киритганлар. Бозиргон форсча “бозоргон” сўзидан бўлиб, савдогар (рус. купец) маъносини англатади.

Достонлар ономастикасини кузатиш, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўрсатди. Қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, халқ ижодиётининг бошқа жанрлари, жумладан, эртакларда киши исмларига услубий восита сифатида унча эътибор берилмайди. Мазкур жанрда кўпроқ чол, кампир, шаҳзода, малика сингари апеллятивлар қўлланилади. Достонларда эса ономастиканинг бир қисми саналган антропонимларига алоҳида эътибор берилади. Достонлар кишилик жамияти

ривожланиши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам, жамият аъзоларининг номлари бевосита асар лексикасидан ўрин эгаллади. Бу тарихий заруратдир.

1.3. Бошқа турдаги ономастик гурухлар

1.3.1. Мифоним ва теонимлар

Халқ достонларида юқорида қайд қилганимиз жой номлари, киши номлари ва этник номлардан ташқари ҳам бир қатор ономастик бирликлар учрайдики, улар ҳам ишимизда тадқиқ этилган. Жумладан, пари ва девлар, диний теонимик номлар, ҳайвонлар, хусусан, отларга қўйилган номлар ҳам таҳлил ва тавсиф этилади.

Тадқиқотчилар достонларда отларнинг қатнашиши, эгасига бўлган муносабати, улар ёрдамида қаҳрамоннинг ҳар хил вазиятлардан чиқиб кетиш ҳоллари воқеалар ривожида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлайдилар. А.П.Окладников, – “турк ва мўғул халқларининг эпик асарларида от ўз эгасининг қаҳрамонликларида иштирокчи бўлади, уларда от эгасининг энг яқин дўсти, у эгасини ночор ахволлардан қутқаради, жангда эса ботирга ўртоқ, қийин вақтларда қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатувчи, ақли маслаҳатчи, хавфли пайтларда эгасини огоҳлантиради” – дея қайд қиласди¹. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ достонларида, хусусан, хоразм достонларида тилга олинадиган аксарият воқеаларда от фаол иштирок этади. Ҳар бир от ўзига берилган ном билан достонлар сюжетида муҳим ўрин тутади. Хоразм халқ достонларида қуидаги от номлари учрайди: *Аспи Жаҳонгир, Ботипон, Бўздумон, Буроқ, Кўктемир, Моргир, Мажнункўк (баъзан Маждумкўк), Олмакўз, Паланг (баъзан Палангот), Сандал от, Қоратулпор, Ҳаволи қир, Ғиром, Ғиртой, Ғиркўк* каби.

Умуман, бу ҳолат яъни халқ оғзаки ижодида ҳар хил жониворларни тимсоллаштириш ҳолати, қадимги инсонларнинг мифологик тушунчаларига бориб тақалади. Қадимги мифологик тасаввурларга кўра, инсонга ҳомийлик қилувчи ғайри оддий кучлар турли хил кўринишларда намоён бўлиш хусусиятига эга деб ҳисобланган. Қадимда табиат культига алоқадор

¹ Окладников А.П. Конь и знамя на ленских писаницах. Тюркологический сборник. I, –М-Л, 1951. –С.145.

мифологик персонажлар тизимида турли хил жониворларнинг тимсоллаштирилган образлари мавжуд. Жумладан, сигир, туж, ит, қўчкор, от ва қушларни мўътабар деб билишган¹. Албатта, бу ҳолат халқ достонларида эртаклардаги сингари юқори даражада бўлмаса ҳам, ўрни билан маълум даражада намоён бўлади. Отларнинг воқеалар силсиласидаги иштироки бунга яққол мисолдир. Достонларда отлардан ташқари *Семурғ*, *Тарлон*, *Анқо* каби қуш номлари, *Аждаҳо*, *Мусна* сингари илон номлари ҳам қўлланилган.

Достонлардаги атоқли отлар тизимида антропонимлар алоҳида бир гурухни ташкил этади. Булар: *Шаҳриёр*, *Анжум*, *Шамсун пари*, *Жайҳун пари*, *Доробиоҳ*, *Гулчехра*, *Завриё*, *Қайтус*, *Фотима*, *Зухра*, *Саид*, *Ҳасанхон*, *Баҳовуддин*, *Зарнигор*, *Мөҳрибон*, *Олимхон*, *Султон Ваис*, *Алишер*, *Зулфиқор*, *Илёс*, *Ҳазрати Полвон*, *Рустам*, *Жаббор*, *Муртазо* кабилардир. Булар орасида пайғамбарлар, шунингдек, авлиёлар, баъзан тарихий шахслар номларига дуч келинади. Уларнинг баъзиларини шартли равишда экзотик антропонимлар деб аташ мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, асарларда катнашган барча персонажлар ўз номларига монанд сифатларга эгадир:

...Ёт гунда ҳар бири Рустам сифатли,
Ўзи муруватли шерларим галсин..., ёки
...Шоҳи Олимхоннинг кўпdir армони,
Борибон орини олмасак бўлмас..., ёки
...Ман борурман Қайтус коғир қасдина,
Бориб шаҳрин зиндан этмасам бўлмас... каби.

“Шаҳриёр” достонида бош қаҳрамон Шаҳриёрнинг туғилиши ва унга от қўйилиши шундай ҳикоя қилинади: “...ўғлон вужуди оламға келди...ул ўғлонға от қўйдилар. Отасининг одини *Шаҳсувори олам*, ўғлининг одини *Шаҳриёри олам* бўлсин, – деб дуо қилдилар...”(О-2. –Б.357)

¹ Дўсимов З.Д, Тиллаева М.Б. Хоразм ономастикасининг шаклланиши ва Авесто. –Тошкент: Фан, 2010. –Б.50.

Шоҳсувор исми ҳам Шахриёр каби баҳодир, паҳлавон, моҳир чавандоз деган маъноларни билдиради. *Гулчехра, Анжум пари, Шамсун* антропонимлари ҳам асарда шу йўсинда тасвирланади. *Гулчехра* – гул юзли, чиройли, шаккарбарин, нозанин каби сифатлар билан; *Анжум пари* (юлдуз пари) зулфлари чин-чин, юзлари ўн тўрт кунлик ой каби, тишлари дур, лаблари лаъл; *Шамсун пари* (куёш сифат) нозанин, мўрчамиён, зулфлари халқа-халқа, соҳибжамол, моҳитобон сингари ўхшатишлар билан берилади.

Достонлардаги антропонимлар бош қаҳрамонларнинг жасоратларини, мардликларини ифодалашга хизмат қилган:

...Шахриёрнинг пири ҳазрат Алидур,

Ҳақнинг даргоҳинда севгили қулдир...(О-2. –Б.373)

Ушбу мисралардаги келтирилган ҳазрат Али номи диний ақидалар бўйича “юқори турувчи”, “аъло” деган маъноларни беради.

...Оғанг бўлди биздан жудо,

Хизри Илёс анга ҳамроҳ...

Мазкур байтда тилга олинган Хизри Илёс диний ном бўлиб, “мангутирик” маъносини англатади. Достонларда диний мартабага эга бўлган шахслардан мадад сўраб, қўллаб-куватлашларини истаб мурожаат қилинган ўринларни кўплаб учратиш мумкин:

...Тангрининг бир дўсти ҳазрати Мусо,

Бир расули онинг ҳазрати Исо,

Ошиқлар сарвари Юсуф, Зулагайҳо,

Раҳм эта кўр ҳоли-зорима манинг...(О-2. –Б.374)

Мазкур мисраларда ҳазрати Мусо (Оллоҳ билан сўзлашган), ҳазрати Исо (тирилтирувчи), Юсуф (тушлар таъбирини билувчи) каби шахсиятларга мурожаат қилинган. Шунингдек, арабча Набиулло (Нуҳи Наби), Жалил (кудратли), Жаббор (кучли, кўнгиллари тузатувчи), яхудийча Айюб (чидамли, бардошли пайғамбар), Довуд (ягона), Иброҳим (барҳам берувчи), Исмоил (севикли), Ёқуб (танланган), Сулаймон (қобилиятли, соғлик-саломатлик сўзларидан ясалган) каби диний номлар билан биргаликда,

форсий қатламга мансуб бўлган Фарҳод (кучли), Ширин, Захҳок (аждар илон, Жайхун парининг отаси), Омин шоҳ (сақловчи, Шамсун парининг отаси) сингари антропонимларга дуч келинади.

Бундай антропонимларни ўрганиш тил тарихи ва шевашунослик бўйича мавжуд кўпгина муаммоларни ойдинлаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, халқ оғзаки ижодининг кўламдор ва тил жиҳатдан мукаммал ишланган жанри ҳисобланган достонлар тилининг асрлар оша бойиб, ёзма адабиёт билан омухталалишиб, ўзаро бир-бирини изчил бойитиб келаётганини кўрсатади.

Достонларда диний тушунчалар билан боғлиқ бўлган пайғамбарлар, фаришталар, худонинг сифатлари, пайғамбарларнинг сифатлари билан алоқадор бўлган номлар ҳам анча фаолдир. Масалан, *Муҳаммад* (с.а.в), *Исо* *Масиҳ*, *Мусо*, *Сулаймон*, *Азроил*, *Микоил*, *Юсуф*, *Аҳмад*, *Хизир*, *Аҳриман*, *Аюб*, *Довуд*, *Ёқуб*, *Жаббор*, *Жаброил*, *Зикриё* (Закариё), *Иброҳим*, *Исҳоқ*, *Исмоил*, *Лут*, *Муҳаммад* *Мустафо*, *Нуҳ*, *Одам*, *Расул*, *Раҳмон*, *Субҳон*, *Шоҳимардон* ва бошқалар.

Достонлар ономастикаси таркибининг яна бир тури борки, бунга ҳам алоҳида эътибор қилиш керак деб ўйлаймиз. Достоннинг мазмунини янада тўлақонли қилиш, қаҳрамонларнинг саргузаштларини қизиқарли ва ишонарли қилиш мақсадида вазият тақозоси билан янги образларнинг номлари юзага келади. Достонни ижро қилиш жараёнида баҳшининг ўзи номлар тўқиёди ва уни достон сюjetи билан боғлайди. “Гўрўғли” туркумидаги “Аҳмад Сардорнинг ўлимга буюрилиши” достонида ана шундай тўқима номларни учратиш мумкин. Мисол: “...Қирқ йигитларнинг Марим, Маврон, Ғаврон, Даврон, Симурса, Қумурса, Эштемир, Қўштемир, Тоштемир деган ел ўпка, тентак олиштоблари бор эди... ”. Бу номлар аслида баҳши томонидан тўқилган номлардир. Бизнингча, улар вазият талаби билан пайдо бўлган. Шунинг учун бундай номларни ситуатив номлар деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, достонлардаги атоқли отлар ўз луғавий-маъновий хусусиятларга кўра турли хил бўлиб, уларнинг кўпчилиги реал обьект билан боғланса, айримлари бадиий тўқима маҳсулидир. Шунинг учун ономастик бирликларнинг кўпчилиги маълум шахс, ҳудуд ёки обьект тўғрисида муҳим ахборотни ўзида мужассам этган бўлса, баъзилари услубий вазифа бажарувчи бадиий бирлик ёки детал сифатида намоён бўлади. Достонларда статистик кўрсаткичга кўра антропонимлар ва топонимлар анча қўпчиликни ташкил қиласи. Улар кўпинча реал обьект билан боғланган ҳолда вужудга келади.

II БОБ.

АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ-ТАРКИБИЙ ТАҲЛИЛИ

Тилнинг муайян тарихий даврдаги ҳолати, айни ҳолатга хос бўлган хусусиятлар, лексик, фонетик ва грамматик ўзгачаликлар, умуман, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини ўрганиш учун шу даврга хос бадиий асарлар тили ўрганилади. Худди шу мақсадни амалга оширишда халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Хусусан, достонлар тили ҳақида фикр юритар эканмиз, ҳеч бир муболағасиз уларни халқ тилининг хира тортмас кўзгуси, жонли халқ тилининг, халқ донолигининг жонли тарихи инъикосидир¹ дейиш айни ҳақиқатдир.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди намуналари қаерда яратилган бўлса ва ижро қилинса, ўша ерда яшаган халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, қадриятлари, тарихи тўғрисида маълумот берибгина қолмасдан, балки ўша ҳудудда яшовчи халқнинг тили ҳақидаги манба ҳамдир. Халқ достонлари лексикасига оид турли лисоний бирликлар кўпинча ўзининг қадимги шаклини сақлаган бўлади. Тўғри, халқ достонлари даврлар оша турли баҳшилар томонидан ижро этилиб, бизгача етиб келган.

Ходи Зариф таъкидлаганидек, “Халқ эпосининг ҳар бири оғзаки айтилганда, асрлар оша аллақанча ўзгариш ва катта-катта ишланишлар билан бизгача етиб келганини ва бунинг натижасида айни асарларнинг бир талай вариант ва версиялари юзага келганлигини ҳисобга олсак”² уларнинг тил хусусиятлари жиҳатидан ҳам турли хил ўзгаришларга учраганлигини қайд қилишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар қўшиқ (эпик қўшиқ)лар диалектологик текширишлар учун материал бўла олмайди деган фикрни айтадилар³.

¹ Махмудов Н. Ўзбекнинг ўлмас сўзи // ТА. –Тошкент, 1998. – Б. 27.

² Зарифов Х. Фольклор ва археологик материалларни киёсий ўрганиш масаласига доир. –Тошкент: ЎТАМ, 1958, 1. – Б. 27

³ Щерба Л.В. Восточнолужицкие наречия. –СПб, 1915. –С. 5.

Аммо мазкур фикр, ўзбек диалектологияси тараққиётининг ҳозирги босқичи учун, эҳтимол, қисман тўғридир. Чунки халқ достонларида ўзбек диалектологияси, хусусан, тарихий диалектологияси учун қимматли бўлган айрим тил фактларини сақлаган¹.

Республикамизнинг маълум бир худудидаги шева вакилларидан ёзиб олинган достонларда ўша шеванинг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, халқ достонларини куйловчи баҳшилар ўзбек тилининг қайси лаҗжасига (шева ёки диалектига) мансуб бўлса, улар куйлаган достонларда ҳам ўша лаҗжага хос айрим диалектал хусусиятлар ўз аксини топган бўлади. Худди шу сабабли ҳам, достонлар ва шеваларнинг лисоний хусусиятларини, аникрофи уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашда бу ҳолатни назардан четда қолдирмаслик лозим. Бу фикр кўпроқ уларнинг фонетик ва морфологик хусусиятларига тааллуқли. Аммо лексик хусусиятлар узоқ давр ўзгаришсиз авлоддан авлодга ўтиб сақланади.

Достонлар тилида унда тилга олинган қадимий халқларнинг, йирик ва майда эпосларнинг, алоҳида реал ва мифик шахсларнинг ҳаёти, ишлари, худуднинг табиати, географиясига оид тушунчаларни ифодаловчи бой лексика мавжуд. Достонлар тили, айниқса, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий атамаларга, географик, диний сўзларга бой. Мана шу бой луғавий материалнинг муҳим таркибий қисмини ономастик бирликлар-атоқли отлар ташкил қиласди. Атоқли отлар ўз лисоний табиатига кўра турғун, таржима қилинмайдиган, нисбатан консерватив қатлам бўлиб, достонлар тилида яхши сақланган.

Ономастик бирликлар ҳам мазкур ҳудудда яшовчи халқ томонидан яратилади ва улар тилида яшайди. Шунинг учун ҳам шу тил хусусиятларини ўзида акс эттириши табиийдир.

Маълумки, Хоразм аҳолисининг тили лисоний жиҳатдан фарқланувчи икки лаҗжага: қипчоқ ва ўғуз лаҗжаларига тааллуқли. Вилоятнинг шимол

¹ Ишаев А. Халқ достонлари лексикасидан. Ўзбек халқ ижоди. Тўплам. –Тошкент, 1967. – Б.167.

томонида қипчоқ, жанубида эса ўғуз шеваларида гаплашувчи аҳоли яшайди. Ушбу тил ҳусусиятларига таянган ҳолда ҳалқ оғзаки ижодиёти ҳам алоҳида алоҳида ўрганилади. Ўрни билан таъкидлаш лозимки, ҳозирги Гурлан, Янгибозор, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё, Беруний, Хўжайли шунингдек, Туркманистоннинг Тошовуз вилоятиning шимолий туманлари Шимолий Хоразмга киради¹. Бу ҳудуднинг маркази Манғит шаҳридир. Улар қипчоқ лаҳжасида сўзлашадилар. Жанубий Хоразм эса Урганч, Янгиарик, Боғот, Хонқа, Ҳазорасп, Кўшкўпир, Шовот, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл, Элликқалъа, Тошовуз вилоятиning Илонли, Кўхна Урганч туманларини ўз ичига олади. Бу ҳудуддаги аҳоли ўғуз лаҳжасида гаплашади ва унинг маркази Хива шаҳри ҳисобланади. Бу икки ҳудудда яратилган достонларда ушбу лаҳжалар ҳусусиятлари етакчилик қиласиди.

Жанубий ва шимолий Хоразм достончилик мактаблари анъаналари ва уларга мансуб достонларнинг тил ҳусусиятлари, уларнинг умумий ва ҳусусий жиҳатлари тўғрисида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган². Шу сабабли, биз бу ҳақда батафсил тўхтамадик. Қуйида шевага хос лисоний ҳусусиятларнинг ономастик сатҳда акс этиши тўғрисида фикр юритамиз.

2.1. Атоқли отларнинг морфологик таркиби.

Достонлар ономастикасида номларнинг асосий қисми аввалдан мавжуд атоқли отлар фонди замирида вужудга келган. Уларда мазкур ҳудуд аҳолиси томонидан қўлланиб келинган анъаналар асос қилиб олинади. Шу жиҳатдан минтақа топонимияси, антропонимияси, этнонимияси каби ономастик бирликлар ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига анча яқин. Ҳатто айрим ном қўйиш традициялари этнографик жиҳатдан ҳам ўхшашибди. Бу ном танлаш билан боғлиқ расм-руслар ва урф-одатларда ҳам яққол қўринади. Қуйидаги ҳолатларга эътибор қиласи, ... *Авазхонни Оға Юнус пари “ўғлим” деб*

¹ Шимолий Хоразм атамаси Е.Д.Поливанов таснифи асосида олинди. Қаранг: Е.Д.Поливанов. Говор кишилака Кият-Конграт Шаватского района (в Хорезме). Сборник научных трудов УзНИИКС, т.1.вып.2. –Ташкент, 1934. –С. 3-17.

² Ҳолмуротова Ж. Шимолий Хоразм достонлари лексикасининг услубий-функционал ҳусусиятлари. Н.Д. –Ташкент, 2000.

ёқасидан солиб, этагидан олиб эди; Ҳасанхонни Мисқол пари ёқасидан солиб, этагидан олиб эди, икки пари икковининг энаси бўлиб эди¹... Ўзбек халқи (бала кўрмаган бефарзанд оналар) орасида қадимдан мавжуд бўлган бу одат ҳатто ҳозиргacha ҳам баъзи жойларда сакланиб келмоқда.

Ёки, “...Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни тортиб қўйиб юборди. Асқар тоғининг катта чўққисини олиб ўтди. Шунда барча халойик йиғилиб келиб айтди: “Дунёда бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин, шунда у тўқсон алпнинг бири бўлиб санага ўтади” дейишиди. Етти ёшинда ёйни кўтариб отгани учун Алпомиш алп отанди...”.

Гўрўғлининг бобоси Тўлибой синчи² бўлган. У Мори юртининг беги, Конишихоннинг ўғли бўлиб, ёшлигига ёвмит подшоси Одилхонга асир тушади. Тўлибой синчи хизматларидан кўнгли тўлган Одилхон қизи Биби Ойшани унга никоҳлаб беради. Булардан бўлгуси қаҳрамоннинг отаси Равшан туғилади. Така-ёвмит юртининг доимий душмани Шоҳдархоннинг навбатдаги босқинларидан бирида Равшан, шунингдек, така туркман беги Жиғолихоннинг фарзандлари Гаждумбек ва Биби Ҳилоллар Зангар юргига асир тушиб кетади. Зангарда Равшан билан Биби Ҳилол тасодифан учрашиб қолиб, бир-бирларини севадилар ва турмуш қурадилар. Бу ерда Равшаннинг синчилигидан Шоҳдархон хабар топади, уни саройга чақириб отларини кўрсатади. Равшан булар ичида тулпор йўқлигини айтиб, жувозкашнинг отини мақтайди. Аччиқланган хон Равшаннинг кўзларини ўйиб олади. Равшан кўзининг хунига жувозкашнинг отини тилаб олади. Шу отга миниб қайиноғаси Гаждумбек билан Ёвмитга қочади. Зангарда ҳомиладор бўлиб қолган Биби Ҳилол вафот этади. Гўрда ўлик онадан бўлажак қаҳрамон туғилади. Чўпон Рустам уюридаги бир байтал уни эмизади ва кейинчалик Гўрўғли шу байтални миниб Рустам ёрдамида Ёвмитга қочиб келади. Шундай қилиб, гўрда туғилганлиги сабаб унга Гўрўғли деб исм қўядилар.

¹ Абдураҳмонов Д. Ном кўйиши. Фан ва турмуш журнали. № 6.– Тошкент, 1960.

² Синчи – отларнинг зотини, ёшини, феъл-авторини яхши биладиган одам.

Бошқа бир версияга кўра, унинг отаси Равшан кўр бўлгани сабабидан унинг исми Кўрўғли бўлган деб талқин қиласидар.

Яна бир факт: “...Алпомиш қалмоқ юртига кетганида Барчиннинг бўйида ҳомила бор эди, ойи-куни етиб, ўғил топди. Шунда Барчин: – “отаси ўлмаган бўлса келиб кўрап, агар ўлиб кетган бўлса, ўрнини босар, отасининг жойида ёдгор бўлиб юрап” – деб, ўғлининг отини Ёдгор қўйди”¹.

Юқоридаги фактларнинг ўзиёқ, достонлардаги атоқли отлар, хусусан, антропонимлар халқимизнинг қадимги удумларини ўзида сақлаб келмоқдаки, уларни қиёсий-тариҳий жиҳатдан ўрганиш мухим илмий натижалар бериши мумкинлигини кўрсатади. Достонлардаги бошқа типдаги бирликлар ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Халқ достонлари ономастикасини ташкил этувчи бирликларнинг катта қисми тариҳий номлардир. Маълумки, тариҳий номлар ҳам тарихимизнинг бир қисмидир. Ҳолбуки, нотўғри ишлатиб келинаётган номларнинг асл шаклини тиклаш, уларни асрар умумхалқ иши бўлиб, бу ҳақда ғамхўрлик қилиш, уларни муҳофаза қилиш халқнинг қадимий лисоний, маданий-маърифий меросини, ўзбек тилининг кўҳна ўтмишини ва ҳозирини тўғри англаш ва ҳимоя қилишни тақозо этади². Бу масалани ҳал қилиш учун аввало, тариҳий (ёки қадимий) ном тушунчасининг мазмунини аниқлаб, белгилаб олиш зарур; уларнинг замонавий номлар тизимидағи ўрнини чегаралаш, фарқлаш лозим. Чунки, кўпгина қадимий номлар ҳозирги ўзбек тили ономастик фондида ҳам фаол иштирок этмоқда. Шундай экан, уларнинг тариҳий ном эканлигини, уларнинг азалдан қўлланиб келаётганлигини факат тариҳий ёзма манбалар ёки фольклор асрлари билан қиёслаб ўрганиш орқали аниқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам фольклор ономастикасини ўрганиш энг аввало, уларни таркибий таҳлил қилиш орқали, қадимги номларнинг структурасини реконструкция қилиш йўли билан, архаик тизимни қайта тиклаш усули билан амалга оширилмоғи мумкин деб ҳисоблаймиз.

¹ Ўзбек ҳалқ достонлари. II том. – Тошкент: Фан, 1957. – Б.7.

² Бегматов Э, Ҳусанов Н, Ёқубов Ш, Бокиев Б. Ўзбек тариҳий ономастикасининг долзарб муаммолари. ЎТА, 1992, 5-6 сонлар. – Б.21-27

Бу масалани ҳал қилиш учун дастлаб атоқли отларнинг лисоний табиатига эътибор қаратиш лозим. Атоқли отларнинг кўпчилиги турдош отлар, маълум қисми бошқа туркумларга оид сўзлар асосида пайдо бўлишини тилшунослар аллақачон қайд қилишган¹. Шунинг учун ҳам, тилнинг луғат таркибини умумий ва махсус қисмларга бўлиш мумкин. Луғат таркибининг умумий қисми инсонлар лисоний алоқасининг барча турлари учун қўллангани ҳолда, унинг атоқли отлар тизимини ҳам ўз ичига олган махсус қисми ўзининг қўлланиш доираси ҳамда лисоний вазифаси жиҳатдан чекланган. Бу икки хил бирлик нафакат функцияси билан, балки бошқа хусусиятлари билан ҳам фарқланади. Лексема атоқли отга айлангач, маълум обьект билан боғланади ва уни ифодалаш учун лексемаларнинг маъноси иккинчи планга тушади. Лексема номга айлангач, унинг асосий вазифаси бир обьектни худди шундай бошқа бир обьектдан фарқлашдан иборат бўлади. Натижада, бу ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда номнинг формал-морфологик хусусияти ҳам ўзгаради².

Шундай экан, атоқли отларнинг вужудга келишида тил материалининг маълум қисмигина қатнашади, улар ўз мустақил материалига эга бўлмайди, атоқли отлар тилда мавжуд бўлган лисоний материалдан ҳосил бўлади. Атоқли отларнинг таркиби ва таҳлили ономастик тоифалар (антропоним, топоним, гидроним ва бошқалар) доирасида анча мукаммал ўрганилган. Унинг турли хил схемалари, қолиплари вужудга келган. Булар хақида ономастика соҳасига оид адабиётларда батафсил тўхтаб ўтилган. Шунинг учун биз тўпланган материалдан келиб чиқсан ҳолда, уларни бир неча гурухга ажратдик: а) содда таркибли номлар; б) қўшма таркибли номлар; в) мураккаб таркибли номлар.

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 215.

² Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.40-41.

2.1.1. Содда таркибli номлар.

Атоқли отларни таркибига кўра таҳлил қилиш усули анча кенг тарқалган. Айниқса, бу топонимлар, антропонимлар, этнонимлар тадқиқи мисолида яққол намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, атоқли отлар ҳам тил бирлиги бўлганлиги боис, уларнинг таркибий таҳлили ҳам бошқа сўзларнидан фарқ қиласлиги керак. Атоқли отларнинг тузилиши деганда унинг морфологик таркиби назарда тутилади. Номнинг морфемалардан, яъни, луғавий асос ва ясовчи восита (баъзан аффикс вазифасини бажарувчи бирлик) ёки луғавий асос ва формантдан иборат таркиби унинг тузилишини ташкил қиласли.

Номларни морфологик жиҳатдан тадқиқ қилиш атоқли отларнинг бир қатор ўзига хос лисоний хусусиятларини эътиборга олишни тақозо этади. Аввало, ономастик бирликлар ўз характери билан оддий сўзлардан фарқ қиласли. Гарчи сўзниң морфологик таркибини белгилаш сўз ва морфеманинг (ўзак морфема ва аффикс морфема) муносабатларини белгилашдан иборат бўлса, атоқли отларнинг морфологик таркибида бу жараён анча мураккабдир. Атоқли отларнинг кўпчилиги синхрон планда морфемаларга ажралмайди. Уларнинг аксарият кўпчилиги тарихий тараққиёт жараёнида ҳар хил фонетик ва таркибий жиҳатдан ўзгаришга учраган.

Хозирги даврда таркибига кўра бўлинмас деб қараладиган номлар диахрон таҳлил жараёнида бутунлай тескари натижа бериши ҳам мумкин. Шундай экан, бу борада тарихий морфологик тадқиқотлар самарасини ҳам эътибордан қолдирмаслик лозим. Номларни таркибига кўра таҳлил қиласли эканмиз, қуйидаги бир ҳолатни ҳам эътибордан қолдирмаслик зарур деб ҳисоблаймиз.

Инсон бошқа тилдан бирор сўзни қабул қиласли экан ёки ўз тилидаги эскирган сўзни эшитар экан, у одатда, ўз она тилидаги бирор сўз билан алоқаси ёки ўхшаш жиҳатларини излайди ёки бирор ички шаклини топади.

Натижада, у ўша сўзни яхшироқ эслаб қолади ва англайди¹. Бундай вазиятда номнинг нафакат фонетик жиҳати, балки унинг таркиби ҳам турли ўзгаришларга учрайди. Баъзи ҳолларда, бу номнинг морфологик жиҳатдан қайта бўлинишига сабаб бўлади. Мисол, *Байрамали*, *Шоббоз* топонимлари; *Ботипон*, *Семурғ* зоонимлари; *Марим*, *Шихотой* антропонимлари ҳозирги шева вакиллари томонидан таркибий қисмларга ажралиши унутилган.

Ёки Шикабир ота (Шихкабир ота) номи шева вакиллари тилида ўзининг дастлабки ҳолатини йўқотган. Натижада ҳозир кўпчилик унинг Шайх Кабир ота (катта шайх ота) эканини ва мъяноларини ҳам унутишган.

Шундай экан, номларни таркибига кўра тадқиқ қилиш жараёнида бу хилдаги ўзига хосликларни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Содда таркибли номлар таркибига кўра биргина лугавий асосдан (апеллятивдан) иборат бўлган бирликлардир: *Аваз*, *Авғон*, *Араз* (дарё номи), *Бону*, *Ганжса*, *Довуд*, *Жайхун*, *Зуҳро*, *Исо*, *Идрис*, *Кўфа*, *Лайли*, *Мори*, *Мусна* (илон номи), *Навфал*, *Найман*, *Овшар*, *Орзу*, *Паланг*, *Рустам*, *Равшан*, *Сертиқ*, *Суроб*, *Сори*, *Тарлон*, *Тахмиз*, *Фаранг*, *Фарҳод*, *Халап*, *Хўтам*, *Ўжса*, *Ўрус*, *Човдир*, *Шом*, *Шои*, *Қамбар*, *Қақнус*, *Эймир*, *Яман*, *Язид*, *Ҳазор*, *Ғовсул* ва бошқалар. Содда таркибли номларнинг кўпчилиги, асосан, апеллятивларнинг ономастик конверсия усули асосида атоқли отга қўчиши натижасида ҳосил бўлади.

Ўрни билан шуни қайд қилиш керакки, айрим номлар таркибida қўшимчалар ҳам учрайди. Айрим тадқиқотчилар бу таркибий қўшилмаларни аффикс деб ҳисобламайдилар, бошқа бирлари, аксинча, гўёки атоқли от ушбу қўшимча ёрдамида ҳосил бўлган деб талқин қилишади. Бироқ, номлар таркибидаги аффикс деб қаралаётган қисм айрим ҳолларда ономастик ясалишнинг натижасида эмас, балки атоқли отга айланган сўз таркибida мавжуд бўлади. Аниқроғи, у энди аффикслик хусусиятини йўқотган, “ўлик аффикс”га айланган ҳолда мавжуддир. Мисол: *Ақча*, *Бадбаҳт*, *Деша*, *Гармиён*, *Гармали*, *Гулзор* (аёл номи), *Дарбанӣ*, *Заргар*, *Исфаҳон*, *Кўкча*,

¹ Суперанская А.В. Ударение в собственных именах в современном русском языке. – М., 1966. – С.51.

Моргир, Мехрибон, Наврӯз, Питнали, Серма, Сарвиноз, Сувчи (аёл номи), Тоймас, Тўхтамиши, Хунхор, Харосмон, Ўтаган, Қирма, Қаймас ва бошқалар. Бизнинг таҳлилларимизга кўра достонлар ономастикасидаги содда таркибли номларнинг асосий қисми от туркумига хос асосли бирликлардан иборат.

2.1.2. Қўшма таркибли номлар.

Қўшма таркибли номлар бирдан ортиқ луғавий асослардан ҳосил бўлади. Уларнинг таркибида номнинг қайси ономастик гуруҳга тааллуқли эканлигини кўрсатувчи ономастик индикаторлар иштирок этади. Масалан, хон (Авазхон), жон (Қоражон), пари (Ойпари), работ (Кўшработ) каби. Хоразм халқ достонлари тизимида қўшма таркибли номлар миқдор жиҳатдан кўпчилик қисмни ташкил қиласди. Қўшма таркибли номларни ясалиш қолипига кўра бир неча турга бўлиш мумкин:

I. от+от: Бу қолип бирликлари турли хил ономастик элементлардан ташкил топади:

- 1) антропоним+индикатор: *Авазхон, Алихон, Албанджон, Бобобек, Вафобек, Даллибой, Ёртибой, Ойлабий, Эрмонбий, Одилишоҳ, Гўзалишоҳ, Мисқол пари, Юнуспари, Ақчақалъа* ва бошқалар. Ушбу типдаги қўшма номларга қуйидаги шаклларни ҳам киритиш мумкин;
- 2) индикатор+антропоним: *Хон Аваз, Бек Равшан, Бек Гўрўғли, Бекпўлат, Бектош, Бойбўри, Шоҳсултон, Шомисқол, Бобониёз, Бобоқаландар, Ойсултон, Ойсанам, Маликаи Завриё* каби;
- 3) антропоним+этноним: *Райҳон араб, Бектош араб, Зайдин араб, Сафар авғон, Ҳасан бўлғор* кабилар;

II. сифат+от: *Бўздумон, Бўзўғлон, Ёмонқишилов, Ёмонжар, Кўктемир, Кўкгул, Оқдев, Оқработ, Оқсулув, Саридев, Қорадев, Қизилоёқ, Қизилжар, Қизилбош, Қўнгирбой, Қора алам бува, Қоратулпор, Ялпоқбош* кабилар;

III. сон+от: *Учгумбаз, Уч юз олтмиши авлиё, Қирқотлар, Тўққиз дуқон Чортумт, Чорток* ва бошқалар.

Қўшма таркибли номлар сирасига изофали бирикмалардан ҳосил бўлган атоқли отларни ҳам киритиш мумкин. Маълумки, изофа (أضافه) арабча

термин бўлиб, “қўшиш ва боғлаш” деган маънони англатади. Аниқловчи ва аниқланмиш, қаратқич ва қаралмиш муносабатларини ифодаловчи тушунча изофа деб аталади¹. Изофа таркибини ташкил қилган қисмларнинг ўзаро боғланишини таъминловчи -и, -ий кўрсаткичлари ҳам изофа дейилади².

Ҳозирги ўзбек адабий тилида, жонли сўзлашувда, турли шева ва лаҳжаларда, ўзбек бадиий адабиётида изофали бирликлар кўплаб учрайди: *ойнаи жаҳон, рўйи замин, дардисар, таржимаи ҳол* ва бошқалар.

Эроний тиллар таъсирида юзага келган ушбу синтактик ҳодиса ҳозирги ўзбек адабий тили лугат таркибигагина эмас, балки достонлар ономастик сатҳида ҳам фаол иштирок этади. Хоразм достонлари ономастикасида изофали номлар анча микдорни ташкил қиласи: *Айёри Мунҳий, Аспи Жаҳонгир, Боли Ҳисор, Булбулигўё, Гулихиромон, Гумбази узро, Дарёи шўр, Жангалимозандарон, Имоми Аъзам, Машиҳади Шариф, Ройи Чин, Халифаи Жаҳонгир, Чоҳи Морон, Шери дарға, Шери худо, Шоҳи Сулаймон, Шайхи кабир, Ҳавзи Кавсар, Ҳуризаъфарон, Боги Эрам* ва бошқалар.

Изофали номлар барча ономастик қатламларда учрайди. Достонлар ономастикасида улар кўпроқ китобий вариантларга хосдир.

2.1.3. Мураккаб таркибли номлар.

Бу типдаги номлар қурилишига қўра қўшма таркибли номлардан фарқ қиласа ҳам, ҳосил бўлишига қўра, асосан, ўша типдаги номларга таянади. Ономастиканинг бошқа соҳаларида, жумладан, топонимия, гидронимия кабиларда бундай номлар “составли (таркибли) гидронимлар”, “феъл топонимлар” каби атамалар билан номланиб келади. Аммо, Хоразм достонлари ономастикаси тизимида феъл асосли мураккаб номлар деярлик учрамайди. Шунинг учун биз қўшма таркибли номлардан ҳосил бўлган атоқли отларни ушбу гуруҳга киритдик. Атоқли отлар ўз табиатига қўра кўпинча икки қисмдан иборат бўлади: асосий қисм ва қўшимча. Асосий қисм доимо объект ҳақидаги ахборотни ўзида мужассамлаштиради, қўшимча қисм

¹ Жумуниёзов Р. Эски ўзбек ёзуви, Тошкент, Ўқитувчи, 1989. – Б.129.

² Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси, Тошкент, Фан, 1976, II т. – Б.39.

эса объектнинг турини кўрсатади. У қўпинча, индикатор вазифасини бажаради ва объект тўғрисида қўшимча ахборот беради: *Боли Ҳисор тоги* ёки *Азбархўжаса* номларини таҳлил қиласайлик.

Боли Ҳисор тоги. (Боли ёки Боло форсча “баланд”, Ҳисор “тоғ”) ушбу ном аслида ўз таркибидаги “тоғ” индикатори билан ясалган. Аммо давр ўтиши билан бу индикаторнинг вазифаси ҳам асосий қисмга ўтган. Доимий ассоциация (боғланиш) натижасида бу номни қўлловчи кишилар учун унинг тоғ эканлигини таъкидлашга эҳтиёж қолмаган. Натижада *Боли Ҳисор тоги* шаклида ҳосил бўлган мураккаб таркибли топоним қўшма таркибли номга айланган. Қўшма таркибли номларни кузатиш орқали буни яққол кўриш мумкин. *Азбархўжаса* антропонимида ҳам шу ҳолатни сезиш қийин эмас.

Азбар номнинг асосий қисми ва мазмунини (азбар – ҳаёлий, ёддаги, ёдаки) ўзида мужассам этган. *Хўжаса* эса унинг киши номи эканлигини кўрсатиш билан бирга, шахснинг мавқеи, жинси, диний мансублиги кабилар ҳақида ҳам ахборот беради. Шунинг учун ҳам бошқа барча элементлар ном таркибидан тушиб қолади.

Бизнинг назаримизда, мураккаб таркибли номлар пайдо бўлиш вақти нуқтаи назаридан қўшма таркибли номлардан кейин вужудга келган. Достонлар ономастикаси жуда узок даврни бошидан кечирганлиги, оғиздан-оғизга ўтиб келиши натижасида ўз таркибини силлиқлаб, ортиқча бирликлардан халос бўла борган. Мазкур жараёнда кўпчилик қўшма таркибли номлар содда таркибли номга айлана боради. Қиёс қилинг:

Вайсулқора. Хоразмда кенг тарқалган “Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркумига кирувчи достонларда учрайдиган фаол номлардан бири **Вайсулқора** номидир (О-2. –Б.172). Бу исм аслида *Султон Увайс Қорайнин*¹ шаклида бўлган. Тарихий шахс номи. “Увайс” сўзи ҳақида Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул мухаббат” асарида: “...Расулуллоҳ уни маъни ва руҳоният юзадин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин, ҳар кишинингки зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихлардан бирининг руҳи они

¹ Давлатёр Рахим, Султон Увайс, Тошкент, F.Фулом наш. 1992. – Б.3.

тарбият қилған бўлса, они увайсий дерлар.”¹ Маҳаллий баҳшилар тилида даврлар ўтиши натижасида Вайсулқора шаклига келиб қолган. Шундай қилиб, аслида уч қисмдан иборат бўлган мураккаб таркибли ном “силлиқланиб” содда ном шаклига tengлашган. Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин.

Умуман олганда, атоқли отларнинг қўшма таркибли типига бошқа элементларнинг (лақаб, индикатор каби) қўшилиши натижасида мураккаб таркибли номлар пайдо бўлади. Масалан, *Байрамали қалъаси, Вайсулқора, Говдароз дев, Гулихиромон пари, Гулсарви каниз, Ганжи Қорабоғ, Диёрбакир вилояти, Кўхи Коф дөзи, Мамарайим полвон, Мамадалибек, Маматсўйин сардор, Маҳдиали жодугар, Омонжарчи бобо, Ошиқ ойдин тир, Сафо ўғли Чакон, Султон Вайис бобо, Холжувоной, Шоҳаббосхон, Шайх Шароф эшон, Шайх ул Мухтор Вали, Қизилоёқ чўли, Қора алам бува, Ҳазрати Полвон тир, Оға Юнус пари* кабилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мураккаб таркибли номларнинг фонетик ўзгаришларга учраши натижасида кўпинча уларнинг состави қисқара боради. Бу ўзгариш кўпчилик ҳолларда номнинг семантический таркибиға ҳам таъсир қиласи. Гарчи достонлар тарқалган ҳудудда яшовчи шева вакилларининг тил хусусиятлари достонлар ономастикасида тўла акс этмаса ҳам, шу ҳудуд ономастик анъаналари ва мавжуд қолиплардан узоқлашмайди. Хоразм ономастик тизими, ундаги содир бўладиган фонетик-морфологик ўзгаришлар достонлар ономастикасида ҳам маълум даражада ўз аксини топади. Достонлардаги четдан кириб келган номлар, ҳатто ёзма шаклдаги ҳалқ достонларида ҳам мазкур ҳудуд шевасига мослашади. Шунинг учун достонлар ономастикасини таҳлил қилиш, албатта, шева вакиллари тил хусусиятларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам, таъкидлаганимиздек, қўшма (баъзан содда) таркибли номлар ҳам составига кўра мураккаб таркибли номлар бўлиб чиқиши мумкин.

¹ Давлатёр Раҳим. Кўрсатилган асар. – Б.10.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган номларнинг асосий қисми хоразм достонларида ҳам учрайди. Улар ҳам ушбу шева вакиллари тилига мослашган. Кўпчилик мураккаб таркибли номлар давр ўтиши билан содда таркибли ёки қўшма таркибли номларга айланган.

2.2. Номлар таркибида қўлланувчи индикаторлар.

Ономастик индикаторлар ном таркибида иштирок қилиб, номнинг характеристи, мазкур объектнинг бошқа хусусиятлари тўғрисидаги ахборотларни ўзида сақлаган бўлади. Маълумки, З.Дўсимов индикатор (аникроғи, топонимик индикатор) атамасини ўзбек ономастикасига илк маротаба олиб кирган эди¹. У жой номлари таркибида қатнашиб, улар ифодалаган объектнинг турини, характеристини билдирувчи луғавий бирликларни индикаторлар деб изоҳлаган. Индикаторлар ўзи ифодалаётган обьект ҳақида ахборот бериш хусусиятига эга.

Бизнингча, номлар таркибида келадиган бундай бирликлар атоқли отларниг барча турлари (топоним, антропоним, гидроним каби) га хосдир. Шунинг учун уларни ономастик индикаторлар деб номлаш ва маълум бир тизим асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Қуйида шулар ҳақида тўхталамиз.

2.2.1. Антропонимик индикаторлар.

-хон. Асадалихон, Алихон, Аразхон, Зиёдхон, Кунхон, Лаълихон, Мулойим хон, Оролхон, Оразхон, Саёдхон, Рўзахон, Таллихон, Тарлихон ва бошқа номларда қўлланилган.

Ушбу индикатор дастлаб туркий ва мўғул ҳукмдорларининг унвони бўлган. VI асрларда қаан Ўрта Осиёда катта ҳудуднинг ҳукмдорини англатган. Кейинчалик, туркий халқларнинг исломни қабул қилиши муносабати билан арабча талаффуз шаклида хақан деб аталган. X асрлардан Қораҳонийлар ва Сомонийлар даврида ушбу сулола вакиллари номига хон қўшиб ишлатилган: Қораҳон, Буғрохон, Арслонхон каби. Мўғуллар истилоси даврида ўзбек уруғларининг йўлбошчилари “хон” унвонини олганлар. Кейинчалик бу одат

¹ Дўсимов З. Топонимик индикаторлар //ЎТА. №5. – Тошкент, 1972. – Б.71-74.

ўзбеклардан Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонга тарқалган. Давр ўтиши билан эроний мансабдорлар ва кичик амалдорлар ҳам хон деб юритилган. Астасекин Ўрта Осиёда хонларнинг хотинлари исмига ҳам бу сўз қўшиб ишлатила бошлаган. Ҳозирда айрим эркак ва аёл исмлари таркибида ҳам ушбу индикаторни учратиш мумкин. Достонлар ономастикасида *Лаълихон*, *Мулойимхон* каби аёл исмларида, шунингдек, *Алихон*, *Авазхон* каби эркак исмларига ҳам қўшилиб келган.

Достонларда айрим исмлар таркибида сўзнинг датлабки хон маъноси ҳам ифодаланган ҳолатлар учрайди: *Тўхтамишихон*, *Зиёдхон*, *Кунхон* каби.

-жон. Бу индикатор ҳам аёл ва эркак исмлари таркибида келади:

Албанджон, *Асилжон* (аёл), *Ваисжон*, *Гулжон*, *Зеваржон* (эркак),
Камолжон (аёл), *Маҳмуджон*, *Меҳрибонжон* (аёл), *Нажабжон*,
Норимжон, *Олимжон*, *Сарвижон*, *Сўнажон*, *Санамжон*,
Шамсунжон, *Қоражон* (эркак), *Гуломжон* каби.

Маълумки, Ўрта Осиё халқарида ҳурмат, эркалаш маъносида бек, бой каби унвонларни исмига қўшиб мурожаат қилиш одат тусига кирган. Жон элементи ҳам энг кўп тарқалган ҳурмат билдирувчи қўшимчадир. Бу қадимда болага исм қўйиш удуми билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Кишиларнинг тасаввурида болага исм қўйиш чоғида унинг номи жони билан қўшилади деган тушунча мавжуд бўлган. Яъни исм ва жон бирлиги юзага келади. Шунинг учун ҳам болага Муҳаммаджон ёки Алижон деб исм қўйилганда пайғамбаримизнинг ёки унинг куёви Алининг жони билан чақалоқнинг жони бирлашади, бу уни турли оғатлардан сақлайди деб қараганлар¹.

Давр ўтиши билан бу тасаввурлар эсдан чиққач, -жон элементи ҳар бир исмига қўшиш мумкин бўлган қўшимчага айланган.

-бек. Яқин ва Ўрта Шарқ халқарида жуда кенг тарқалган ономастик индикатор бўлиб, дастлаб унвон маъносини англатган. Ўрта Осиё хонликларида бек шаҳар ёки вилояти бошлиғи бўлган. У ўзи бошқарган худудда чекланмаган ҳукуққа эга бўлиб, факат амирга бўйсунган. Бек

¹ Гафуров А. Кўрсатилган асар. – Б.75.

сўзининг кейинги тараққиёти асосида бошқа туркий тилларда, жумладан, қорақалпоқ, қозоқ тилларида бий термини вужудга келган. Ушбу тилларда атама ижтимоий-сиёсий маъно ифодалаган ва уруғ оқсоқоли маъносини англатувчи мансаб номи сифатида қўлланилган. Бу сўз, яни, *бек*, *бей*, *бый* шакллари кейинчалик кўплаб атамаларнинг ясалишига асос бўлган.

Ушбу сўзниң келиб чиқиши ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Эрон тиллари бўйича мутахассислар сўзни сўғдча баг “жаноб” билан алоқадор деб ҳисоблайдилар. Уларнинг таъкидлашича, бу бирлик қадимги Эрон тилидаги бага (рус. бог) “худо” билан алоқадордир. Бошқа бир қатор тадқиқотчилар туркий тилларда тарқалган туркча бей “жаноб”, қирғиз. бий “судья” сўzlари ва ўзбек тилидаги бой “князь” атамалари бир манбадан тарқалган бўлса керак деб тахмин қиласидилар.

Дастлаб, бек ёки бей сўзи амалдорларнинг исмига қўшиб айтилган ва унинг юқори лавозимини қўрсатишга хизмат қиласидилар. Давр ўтиши билан бу компонент исм эгасига бўлган юқори хурматни билдирувчи қўрсаткичга айланган. Аста-секин бу сўз киши исмларини ҳосил қилувчи элементга айланган.

Хоразм воҳасида бу элемент бой, бек (айрим шева вакиллари тилида вой шаклида ҳам ишлатилади. Масалан, Сафарбой// Сапарвой каби) (-бий қорақалпоқларда) каби вариантларга эга бўлиб, ҳозир ҳам антропонимик тизимда фаол қўлланилади.

Халқ достонлари лексикасида бу компонент билан ясалган номлар анчагина. Жумладан, достонларда ўнлаб эркак кишиларнинг исмлари таркибида иштирок этган. Мисол қилиб, *Аҳмадбек*, *Алибек*, *Ашурбек*, *Гўрўғлибек*(Бек Гўрўғли), *Болибек*, *Бобобек*, *Вафобек*, *Ганжумбек*, *Баллибой*, *Ёртибой*, *Йўлимбой*, *Ойлабий*, *Эрмонбий*, *Шармонбий*, *Толлибой*, *Тулумбий*, *Ўтаган бий*, *Кўнғирбой*, *Юсуфбек*, *Жиголибек*, *Мирзобек*, *Назирбек*, *Оғабег*, *Сарсанбек* ва бошқаларни келтириш мумкин.

Бек ва бой компонентларининг ном таркибидаги ўрни доимий эмас. Бу компонент ҳар доим ном охирига ҳам қўшилавермайди, достонлардаги айрим

ўринларда ном олдидан ҳам кела олади. Мисол, *Бек Гўрўғли*, *Бек Равшан*, *Бекпўлат*, *Бектош*, *Бойбўри*, *Бойсари* ва бошқалар. Бизнинг назаримизда, бу компонентнинг ном олдида қўлланиши услубий функцияси билан боғлиқдир. Персонажнинг юкори мартабаси, ботирлиги каби хислатларини алоҳида кўрсатиш мақсадида, баъзан эса бадиий талаб натижасида ҳам бу компонент ном олдидан қўлланиши мумкин. Масалан, *Бек Гўрўғли*, *Бек Равшан* кабилар.

-шоҳ (шо) компоненти достонлар ономастикасида, хусусан, антропонимлар таркибида жуда кенг тарқалган: *Анвар шоҳ*, *Басрашоҳ*, *Гўзалишоҳ*, *Доробшоҳ*, *Зеваршоҳ*, *Искандаршоҳ*, *Лакашоҳ(ЛАҲКА шоҳ)*, *Одилишоҳ*, *Султоншоҳ* ва

Ушбу компонент айрим ҳолларда ном олдига ҳам қўшилиб келади: *Шоҳи Мардон* (мардларнинг шоҳи), *Шоҳаландар*, *Шовали*, *Шоҳжсаҳон*, *Шоҳдархон*, *Шозаргар*, *Шоҳаббос* ва ҳоказолар.

Хоразм халқ достонларида шоҳ компоненти аёлларнинг исмига ҳам қўшилиб келишини кузатиш мумкин: *Шомомо*, *Шомисқол* (*Мисқол пари*), *Шоҳсанам*, *Шоҳсултон* каби.

Ушбу сўзнинг келиб чиқишини тадқиқотчилар қадимги эроний тиллар билан боғлайдилар. У хшайатъя (йўлбошчи, подшоҳ) сўзидан келиб чиқкан деб қаралади. Қадимги Эронда бу унвон анча илгари мавжуд бўлиб, Доро I ўзини қоятошларга ёзилган битикларда шундай шоҳ компоненти билан қўшиб номлаган.. Давр ўтиши билан бу компонент ўзининг дастлабки маъносидан йироқлашиб, исмлар таркибида, келиб чиқишига кўра аслзодалар авлодига мансуб кишиларнинг, аёлларнинг исмларида эса унинг гўзал ва аслзода эканлигини кўрсатиш учун қўлланган. Айниқса, бу туркий халқларга мансуб исмларда яққол сезилади. Эроний халқлар тилида, айниқса, Афғонистон ва Эронда ҳозир ҳам шоҳлик унвони сақланган. Улар давлат бошлигини шу сўз билан (Ризошоҳ, Зокиршоҳ каби) улуғлайдилар.

-ўғлон. *Аваз ўғлон*, *Бўзўғлон*, *Жўвуд ўғлон*, *Карам ўғлон* ва бошқа номларда қатнашадиган бу индикатор қадимги туркий ёдномаларда турли шаклларда тилга олинади. Л.З.Будаговнинг луғатида “ўғлон” сўзига

“ўзбекларнинг қариндошлиги султонга бориб боғланадиган айрим тоифасидир. Ўғлон сўзи исмларга қўшилса, шаҳзода ёки подшоларга қон-қариндошлигини англатади. Ҳарбий раҳбарлар даражасида исмга қўшилмаган ҳолда, армиянинг ўнг ёки чап қаноти қўмондонини билдиради. Ҳарбий атама сифатида отлиқ қўшинлар отрядини ифодалайди”¹. Умуман, туркий тилларда ўғлан, оғлан, улан формалари ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда, асосан, ўғил бола, йигит, ёш бола маъноларини англатади. Айрим тилларда “ўғлон” сўзи, умуман, фарзанд, ёш бола маъноларида қўлланилади. Масалан, қиз ўғлон (қиз бола), ули ўғлон (ўғил бола) каби. Турк тилида – *kız oglan* (қизалоқ); туркманчада –*гызыз өглан*; татарчада – *kız углан* (ёш қиз, қизча) шаклларида қўлланади. Бизнинг кузатишимизча, халқ достонлари тилидаги ўғлон компоненти кўпроқ “ботир, мард, қўрқмас” каби маъноларда қўлланади. Шу сабабли ҳам, улар кўпинча бош қаҳрамон исмига қўшиб айтилади.

-бобо. Тадқиқотчиларнинг кузатишларича, ушбу сўз жуда қадимдан қўлланиб келинаётган бўлиб, рус тилидаги поп, папа (ота); папа (римский); баба каби атамалар билан генетик жиҳатдан қариндошdir. А.Гафуровнинг таъкидлашича, Эрондаги сосонийлар династиясининг асосчиси Ардашер Папакан бўлган. Бу номнинг маъноси “Папа ўғли Ардашер” демакдир. Папак аслида поп сўзининг кичрайтириш-эркалаш шаклидаги холатидир. Пап паҳлавийча “ота” маъносини билдиради². Кейинчалик бу сўз диний лавозимни англатган. Баба сўзи ҳам, аслида, папа сўзининг айнан ўзи бўлиб, араб тили талаффузи натижаси сифатида, эроний тилларнинг таъсирида шаклланган. Маълумки, исломда сўфийлик оқими вужудга келгач, унинг етакчилари “пир” (пир – форсчада кекса; бобо ёки буви маъносини англатади) бобо (пир) унвонига сазовор бўлган. Хоразм достонларида учрайдиган *Полвон пир*, *Полвон ота*, *Исмомуд ота* номлари ҳам юқоридаги фикримизни

¹ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. I. – СПб, 1869. –С.141.

² Гафуров А. Лев и Кипарис. – С.56.

исботлайди. Қизиги шундаки, шарқий христианлар ҳам ўз етакчиларини ушбу ном билан (папа – “ота” деб) номлаганлар.

Хоразм достонларида, бизнингча, бу атаманинг энг қадимги маъноси сақланиб қолган. Қиёс қилинг: *Бобониёз*, *Бобохон*, *Бобо Қаландар*, *Бобобек*, *Занги бобо*, *Лапишар бобо*, *Норимжон бува*, *Сангсор бобо*, *Сарифбобо* ва бошқ. Ушбу компонентга синоним сифатида “ота” (Лангар ота, Ҳаким ота) сўзи ҳам кўлланади. Бу компонентларда сўзнинг семантикасидаги диний оттенкалар сақланган. Ҳозирги ономастик тизимда ҳам мазкур элемент анча фаол кўлланади. Хоразм ҳалқ достонлари ономастикаси қадимги ёзма манбалар ономастик бирликлариға жуда яқин ва ўхшашдир. Айниқса, Хоразм воҳасида яратилган асарлардаги номлар таркибида келадиган индикаторлар достонлардаги шундай бирликлар билан ҳамоҳанг бўлиб, қуйида уларнинг айримларини келтирамиз.

-бува. Юқорида биз бобо индикаторининг маънолари ва функциялари хусусида тўхталган эдик. Бу атама туркий тилларда жуда фаол кўлланади. Бу сўз аслида “онанинг отаси” маъносини ифодалаб, туркий тилларда *ба:ба* шаклида талаффуз қилинган. Архаиклашган бува фонетик варианти ҳам мавжуд бўлган. Туркий тилларда бу сўз ифодалаган маънони ўзб. *катта ота*, *катта дода*; уйғ. *чөң дәдә*; қирғ. *тай ата*; қоз. *ұлы ата*, *улкән ата* каби бирикмалар таркибида ҳам ифодаланган. Туркий тилларда бу атама қари, кексаларга нисбатан хурмат юзасидан мурожаат қилиш учун ҳам ишлатилган. Бундай ҳолларда, баъзан, -й аффикси қўшилган ҳолда талаффуз қилинади: ўзб. *бобой*; уйғ. *бавай*; қоз. *бабай*; қ-қ. *бобай* ва бошқалар.

Достонлар тилида исмлар таркибида келишга мослашган бу сўз кўпроқ диний маъно ифодалайди. Турли зиёратгоҳларнинг номига ушбу элемент қўшиб айтилади. Хоразмда баъзан қабристонларнинг номлари таркибида ҳам мазкур элемент иштирок этади. Шундай экан, ушбу элементнинг диний йўлбошли, сўфийлар етакчиси каби маънолари ҳалқ оғзаки ижодида сақланиб қолган. Кейинчалик туркий тилларга хос бўлган бу ономастик индикаторнинг семантик кенгайиши содир бўлиб, “отанинг отаси”ни ҳам

англатган. Қадимги даврларда ёқ, унинг таркибидаги [а:]нинг чўзиқлиқ белгиси йўқолган (ДС, 76). Натижада, *ба:ба* > *баба* > *баба* шаклига келган. Сўзлашув нутқида *баба* > *баба* > *бувә* тарзида айтилади.

Оқ ва қора компонентли номлар. Достонлар ономастик тизимида ранг билдируви сўзлардан, хусусан, қора сўзи билан ҳосил қилинган номлар анчагина. Улар атоқли отларнинг барча турларига (антропоним, топоним, этноним, зооним ва х) ҳосдир: *Ақча*, *Оқдев*, *Оқработ*, *Қорадев*, *Қоражон*, *Қорабобо*, *Қоромон*, *Қорадали*, *Қораалам*, *Қорамалик*, *Қорабудоқ*, *Қоракўз*, *Қоратулпор*, *Қораманғит* ва х.

Дарҳақиқат, бу элементлар ономастик тизимда анча фаолдир. Уларни ҳалқ оғзаки ижоди ва қадимги ёзма манбаларда ҳам учратиш мумкин. Қиёс қилинг: Қорахон –Қорахонийлар(Ўрта Осиёда 927-1212 йиллар ҳукмронлик қилган) сулола асосчиси; Қораарслон – Кичик Осиёда ҳукмронлик қилган салжуқий ҳукмдорлардан бири; Қораюсуф – Ғарбий Эрон ерларини бошқарган (XIV асрда) туркий хон, Тожикистондаги Қоратегин; “Тохир ва Зухра” достонидаги саркарда – Қоработир ва бошқаларни келтириш мумкин. Умуман, бадиийлик нуқтаи назаридан “қора” салбийлик бўёғига эга, аммо ушбу номларга диққат қилинса, “қора” сўзининг фақат салбийлик маъносига эгалигига шубҳа билан қарашиб мумкин. Чунки, хонлар, саркардалар ва бошқа машхур кишилар салбий маънода бу номни сакламаган бўлар эди. Туркий ҳалқларнинг фазодаги энг ёруғ юлдуз бўлган Юпитерни – Қорақуш деб атагани унинг қора ранги учун эмаслиги янада равшанроқ намоён бўлади. Қорақуш бургутнинг туркий ҳалқлардаги номидир. Ушбу номнинг Юпитер планетасига кўчирилиши ҳеч шубҳасиз қора патлари бўлганлиги сабабли эмас, балки кучи, қудрати ва маҳобати учундир. Ҳалқ оғзаки ижодида тўфонни қора ел деб аташ ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Демак, қора сўзининг ранг билдиришидан ташқари, кучли, катта маъноси ҳам мавжуд. Шунинг учун Қоработир, Қорахон каби номларда кучли, қудратли каби маънолар акс этган. Қадимги туркий тилларда бу сўз ҳам ранг ифодалаш билан бир қаторда бошқа маъноларни ҳам англатган (ДЛТ,III,240). Оқ сўзи тўғрисида ҳам

шундай фикрни айтиш мумкин. А. Гафуров оқ сўзи исмлар таркибида “баҳт, баҳтли” каби маъноларни ҳам ифодалашини ёзди¹.

Шу фактни таъкидлаш лозимки, қора ва оқ сўзлари топонимлар тизимида ҳам ўзига хос семантик хусусиятга эга. Улар кўплаб номлар таркибида учрайди. Буни топонимика соҳасининг йирик тадқиқотчилари ҳам қайд этган². Қора сўзи Хоразм шеваларида кўплик, сероблик маъноларини ҳам англатади.

К. Шониёзов ҳам қора, қизил, кўк, оқ каби сўзларнинг этник номлар таркибида учраши тасодифий ҳолат эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, қадимги даврларда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар шимол, жануб, ғарб ва шарқни ранглар номи билан атаганлар. Қора ранг шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг эса марказни ифодалаган. Маълум бир қабила иттифоқида бўлган кишиларнинг томонларга қараб жойлашиши одат тусига кириб, вақт ўтиши билан томон номлари (ранг номлари) этномим бўлиб қолган³. Шундай экан, ҳозирги вақтда ранг билдирувчи сўзларнинг уруг-қабила номи таркибида келиши, улар ўтмишда қутб томонларини аниқлаш учун қўлланганлигидан далолат беради⁴.

Умуман, ранг билдирувчи сўзлар атоқли отлар таркибида турли маъноларни англатган. Н.А.Аристовнинг қайд қилишича, этномимни ифодаловчи сариқ ранг Шарқда подшолар сулоласига мансуб, оқсуюқ, юқори табака кишиларига нисбатан қўлланган⁵.

Н.А.Басқаков қирғиз этномимининг этимологиясини тадқиқ қиласкан, уни “қизил ўғузлар” яъни “жануб ўғузлари” деб талқин қиласди⁶. Бир фактга эътибор қаратиш лозим. Ранг билдирувчи сўзлар ономастик гурухларнинг ҳар бирида ўзига хос маъно ифодалайди. Мисол, қора сўзи антропонимлар

¹ Гафуров А. Лев и Кипарис. – Б.163.

² Дўсимов З. Шимолий Хоразм топонимлари. филол. фанл. номзод. дисс. Тошкент, 1970. – Б.33.

³ Шанязов К. Қанг давлати ва қангликлар. Тошкент, Фан, 1990. – Б.145.

⁴ Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари. Тошкент, Фан, 1998. – Б. 38.

⁵ Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности, Живая старина. СПБ,1896, вып. III-IV. – Б.309.

⁶ Басқаков Н.А. К вопросу о происхождении этнонима кирғиз. Советская этнография, 1964. – Б.92-93.

таркибида “кучли, құдратли” маъносида, этнонимлар ва топонимлар таркибида томон маъносида қўлланади. Гидронимлар таркибида қатнашган қора компоненти катта, сероб маъносини (Қорасув – каттасув) ифодалаб келади.

Эр компоненти. Достонлар ономастикасида **эр** компоненти билан ҳосил бўлган номлар ҳам анчагина: Эралихон (“Юсуф ва Аҳмад”), Эрҳасан (“Гўрӯғли”), Эрсари (“Гўрӯғли”), Эрхизир (“Гўрӯғли”), Эрқилжим (“Хирмон дали”), Эралибой (“Аҳмад сардор”), Эрмонбий (“Эдиго”) ва бошқалар.

Эр сўзи қариндошлиқ термини ва ном ясовчи восита сифатида ҳозирги замон туркий тилларида айrim фонетик фарқлар билан мавжуд бўлиб, маъно нуқтаи назаридан деярли қарқ қилмайди. Шунингдек, бу компонент қадимий бўлиб, қадимги ёзма ёдгорликлирда ҳам қайд қилинади: *äp* – *ər*. Шу сўз асосида *äräñ* – “эркак”¹; *эр* – “эр, эркак, эран”(ДЛТ, I, 71) каби.

Эр компонентининг лексик жиҳатдан маъно доираси анча кенгдир. У ботир, қўрқмас, кучли (эр йигит, эр киши) каби маъно оттенкаларига ҳам эга. Қирғиз тилида эса, **эр йигит** маъносидан ташқари, кучли, вояга етган, ботир маъноларидаги **қиз болага** нисбатан ҳам қўлланилади: *қъзъ ər eтиптирип*; қирғизча **ерен** сўзи ҳам **баҳодир** маъносини ифодалайди. Бундай семантик хусусият қорақалпоқ тилида ҳам мавжуд.

Ушбу компонент хоразм (ўғуз) шеваларида ҳам, қадимги ёдномаларда қўлланилган шаклида – *ä:p* тарзида учрайди, аммо маъноси “эр, турмуш ўртоғи”ни англатади. Аслида бу сўз келиб чиқишига кўра ҳам шундай – *ä:p* тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 321). Давр ўтиши билан *ä:p* > *äṛ* > *эр* ҳодисаси содир бўлган(ЎЭЛ, 467). А.Гафуровнинг таъкидлашича, **эр** туркий тиллар ономастик тизимида, айниқса, қозоқ тилида анча фаол бўлиб, “мард, ботир” маъноларини билдиради².

Достонлар антропонимикасида аёл исмларини ҳосил қилувчи компонентлар ҳам эътиборга лойиқ. Уларнинг кўпчилиги узоқ асрлардан

¹ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л, 1951. – Б.365.

² Гафуров А. Кўрсатилган асар. – Б.186.

бери қўлланиб келинаётган тарихий бирликлардир. Шулардан айримлари ҳакида тўхталамиз.

Бека//Бика. Ушбу элемент достонлардаги қўплаб номлар, асосан, аёл кишилар исми таркибида қўлланилади: *Асилбека*, *Гулиасрорбика*, *Новгулбека*, *Сулувбика*, *Сумбулсоҷбека* ва бошқалар. Асл маъноси “хукмдорнинг, юқори мансабдорнинг хотини, хонадон соҳибаси” демакдир. Бу атама келиб чиқишига кўра, бек (бег) оти билан алоқадор. Бек юқорида қайд қилганиимздек, “шаҳар ёки вилоят ҳукмдори”, “юқори мартабали амалдор” демакдир. Қадимги манбаларда *бәг*¹, *бәг*² шаклларида талаффуз қилинган бўлиб, дастлаб, “катта, йирик” каби маъноларни англатган. Худди шу сўзга кичрайтириш маъносини билдирувчи -ка қўшимчасини қўшиш орқали бека сўзи ҳосил қилинган: *бек* > *бәй* + *ка* > *бейка* // *бә:ка* // *бека* каби. Бу сўз асли “кичик бека” маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 43).

Ш.Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, бека сўзига кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодаловчи -ч қўшимчасини қўшиш билан *бекә* + *ч* > *бекәч* атамаси ҳосил қилинган. Бу сўз аслида “ёш бека” маъносини англатган (ЎТИЛ, I, 44). Қадимги ёзма манбаларда бегәч, бекәч сўзлари “кичик бек” маъносини англатган³.

-биби. Бу қисм Ўрта Осиё халқларида аёл исмларини ҳосил қилувчи энг фаол компонентлардан биридир. Ислом динига эътиқод қилувчи халқларда табаррук кишилар ва уларнинг авлодларидан бўлган аёлларни номлашда уларнинг исмига хурмат ифодаловчи, уларнинг авлодларини улуғловчи қўшимчалар қўшиб айтиш удум бўлган. Масалан афсонавий Иброҳим пайғамбарнинг хотини Ўрта Осиё халқарида Бибисора шаклида қўлланилади. Худди шунингдек, Муҳаммад (с.а.в)нинг хотинлари Хадича ва Ойша исмларига ҳам “биби” индикаторини қўшиб, Бибихадича, Бибиойша тарзида айтилади. Бу элементнинг асосий функцияси аёл исмларини ҳосил қилишдир. Мисол, араб ой календари (тақвими) бўйича Ашур ёки Ражаб

¹ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л, 1951. – Б.369.

² Кошғарий М. Девону луготит-турк. 1963, III. – Б.169.

³ Кошғарий, ўша асар, I. – Б.339.

ойида туғилган чақалоқлар ушбу ой номлари билан аталғанлар. Лекин шу ойда туғилған қызы болалар исмінде “биби” компоненті құшилған: Бибиашур ёки Ашурбibi; Ражаббibi ёки Бибиражаб каби. “Биби” келиб чиқишига күра түркій сөз бўлиб, “хоним” маъносини англатади. Форсий халқларда биби – буви маъносида қўлланади. Оғзаки нутқда “биби” сўзининг иккинчи бўғини бошидаги “б” ундоши баъзан “в” тарзида, баъзида эса бу бўғин умуман тушиб қолган тарзда талаффуз қилинади: *Бивиражаб, Бивисора* ёки *Бираҗаб, Бисора* каби. Мазкур сөз Хоразмда ҳозирги кунда ҳам аёл исми сифатида кенг қўлланилади: *Бибижон, Бибигул, Биби* каби.

-пари. Достонлар ономастикасида аёл исмлари таркибида қўлланадиган бирликлар орасида “пари” компоненти алоҳида ўринга эга. Пари русча “фея” маъносидан ташқари, “тўзал, чиройли” мазмунини ҳам англатади: *Анқос пари, Анжум пари, Гуласалпари, Мисқолпари, Юнуспари, Ҳилол пари, Савсон пари, Ҳўпнишон пари, Шамсун пари* ва бошқалар. Достонлар онгомастик тизимида “пари” компонентидан англашилдиган маъно “фаришта” сўзи семантикасидан фарқ қиласи.

-ой (Ойим). Бу компонент аёллар исмида анча фаол ишлатилади. Аммо баъзан эркак киши исми сифатида ҳам қўлланади (Ойбек), лекин эркак исмлари таркибида бу компонент “баҳт, омад” маъносини, аёллар исмида “тўзал, хушрўй” маъносини англатади: *Болойим, Ойсултон, Ойпора, Ойгул, Ойсанам, Ойжамол, Санамой* ва бошқалар.

-жамол. Хоразм достонларида учрайдиган *Бибигулжамол, Гулжамол, Ойжамол* каби исмлар таркибида қўлланган. Ушбу компонент аслида араб тилига хос бўлиб, “тўзал, мукаммал” деган маъноларни англатган. Мажозий маънода “юз, бет, чехра” кабиларни ҳам англатади¹.

-гул. Бу компонент асли форсча сөз бўлиб, достонларда учрайдиган аёл исмлари таркибида энг фаол бирликлардан ҳисобланади. *Гулихиромон, Гулишо, Гуландом, Гуланор, Гуласал, Гулжамила, Гулдана, Гулжамол,*

¹Шамсиев П, Иброхимов С. Келтирилган асар. – Б.107.

Гулниҳол, Гулойим, Гулой, Гулқиз, Гулрух, Гулчехра, Гулиширин, Гулноз ва бошқаларда номнинг олдида ишлатилса; *Дастагул, Доногул, Лолагул, Олмагул, Мөхригул, Сарвигул, Ойгул* кабиларда исм охирида келади.

Шунингдек, достонларда аёллар исмларига қўшилиб келувчи: -султон (Зеварсултон, Ойсултон); -малика(Маликаи Дилором, Маликаи Завриё);-дона (Гулдона, Дурдона); -дали (Карамдали, Хирмондали) каби компонентлар ҳам қўлланилган. Уларнинг баъзилари ўз лексик маъносини йўқотиб, грамматик функция бажаришга мослашган, аникроғи, аффиксоид ҳолига келган.

2.2.2. Топонимик индикаторлар.

Хоразм достонлари ономастикасида жой номлари таркибида келган индикаторлар ҳам мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, улар антропонимик индикаторлар сингари фаол ва сермаҳсул эмас. Улар шева вакиллари тилида қўлланадиган индикаторлардан деярли фарқ қилмайди. Уларда ҳам Хоразмда яшовчи ўғуз ва қипчоқ шеваси вакиллари тил хусусиятлари тўла акс этган. Аникроғи, достонларда учрайдиган жой номлари ҳам шу шева хусусиятларига мослашган.

Топонимик индикаторларнинг лисоний хусусиятлари монографик планда маҳсус текширилган¹. Шу сабабли ҳам биз уларнинг хоразм халқ достонларида учрайдиганлари ҳақидагина сўз юритамиз.

-истон элементи, асосан, тарихий топонимлар таркибида келиб, (Арабистон, Фарангистон, Зобилистон, Кўҳистон, Румистон ва бошқалар) ўрин, жой, худуд маъносини билдирган.

-авыл (овул). Хоразмда овул сўзи жуда актив топонимик индикатор бўлиб, кўпчилик қишлоқ номлари ўша сўз орқали ясалган. “Овул” сўзи туркий ва мўғул тилларида анча кенг тарқалган: қозоқ, *аул Адайаул* (адай-қозоқларнинг бир уруғи); қ.қалпоқ, аўул //аўыл: –Найманаўыл// Наймановул; *Манғитаўыл*// Манғитовул; *Өзбәгаўыл/Ўзбековул*(ўзбеклар яшайдиган овул).

Қирғиз тилида *айыл* – қора уй (рус. юрта) маъносига эга. Шунингдек, қозоқ, қорақалпоқ тилларида ҳам бу сўзниңг “кўчиб юриш вақтида (маълум

¹ Ражабов Ў. Топонимик индикаторларнинг функционал-семантик хусусиятлари.НД. –Тошкент, 2009.

муддатга ёки доимий) тўхташ, яшаш жойи” маънолари мавжуд. Мўғул тилида *аил* сўзи – ўтов, ўтовлар маъносидадир¹. Демак овул сўзи аслида ўтов, яъни мўғулча *аил* сўзи орқали ясалган: *аил* > *аўыл* > *авыл* > *авул* (овул). Кейинчалик сўз маъносининг кўчиши натижасида “вақтингчалик турар жой”, кейинроқ эса “доимий турар жой” маъноси англашилган. Ҳозирги вақтда Хоразмда бу сўз қишлоқ, аҳоли яшайдиган пункт маъносида қўлланилади.

Эл//элат компоненти. Ушбу ном ясовчи бирлик достонларда қўплаб киши исмлари, уруғ-қабила номлари ва жой номлари таркибида иштирок этган: Эломон, Элбарсхон (“Ошиқ Албанд”, “Юсуф ва Аҳмад” киши номи); Эмрели (“Қирқминглар” жой номи); Ёвмут эли (“Гўрўғли” жой номи); Рум эли, Хизир эли, Али эли (“Қирқминглар” уруғ номи) ва бошқалар. Достонларда уруғ номлари кўпинча жой номи сифатида ҳам қўлланилади. Луғатларда қайд этилишича, “эл – маълум ҳудудда бигаликда яшовчи аҳоли, юрт” маъноларини ифодалаши қайд қилинади (ЎЭЛ, 461). Қадимги туркий тилларда ҳам шундай маънони англатган. У аслида *и:л* тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 340). Кейинчалик чўзиқ [и:] унлиси [э] унлисига айланган, шунинг натижасида: *и:л* > *и:л+ ät* > элат (бир уруғ-қабилага мансуб кишилар, қабилалар бирлашмаси) сўзи ҳосил бўлган(*ät* –жамлик ифодаловчи қўшимча маъносида). Ҳозирда ушбу компонент туркман тилида анча фаол қўлланади. Хоразм шеваларида элат сўзи юқорида зикр этиб ўтилган маъноларидан ташқари, “маҳалла” маъносини ҳам ифодалайди.

-қала (қалъа). Бу индикатор жуда кўплаб тилларда мавжуд бўлиб, топонимлар ясашда актив қатнашади: *Қалаиқум* (тож), *Ахалкалаки* (грузин), *Қарақала* (туркман), *Қалъаи аскар* (эрон) ва бошқалар. Баъзан, қала сўзининг ўзи ҳам топоним шаклида учрайди. Масалан, Кала (Озар. Абшерон оролида); Кала (Догистондаги Самур дарёси бўйида); Қала (Ироқдаги Урмия қўлининг жанубида) ва х.к.

¹ Мурзаев Л, Мурзаев Э. Кўрсатилган асар. – Б.30.

Хоразмда ҳам қала сўзи орқали жуда кўплаб топонимлар ясалган: *Асқала, Байқала, Вахымқала, Гэжәқала, Дәвқала, Йамбашқала, Көнәқала, Қыйшишыққала, Порханқала* ва бошқалар.

А.З.Розенфельд қала сўзининг географик номларда учраш чегараси жуда кенглигини (Яқин ва Ўрта Шарқдан то Пиреней ярим оролларигача тарқалганини) айтган эди¹. Ҳақиқатан ҳам, қала сўзи эроний ва туркий тиллар топонимикасида жуда кенг тарқалган бўлиб, у ҳозирги кунда шаҳар, ўралган жой (рус. крепость укрепленное место, замок, город) маъноларига эга. Хоразмда атрофи девор билан ўралган жой қала дейилган.

Эрон тилларида атрофи ўралган, тепаликдаги жойга, баъзан эса, оддий тепалик ҳам қала дейилган. Араб (**قلعه**) тилида тепаликдаги жой; турк тилида (*gala*) қўрғон, қаср, сарой, қалъа деб юритилган. Қирғиз тилида қала сўзи аввал қишлоқ маъносига эга бўлган, кейинчалик эса, шаҳарлар шу ном билан юритилган. Грузин тилида калаки (Ахалкалаки) шаҳар маъносига эга.

Ўзбек тилида ҳам қалъа сўзи бир вақтлар шаҳар ёки бозор билан боғлик бўлган. Баъзан, рус шаҳарларидан мол келтириб сотувчи савдогарлар қалачилар, қалачи бойлар дейилган:

...Қаладан қаламтир юклар қалачи,
Ҳар хил исли бўлар тоғнинг оғочи²...

Демак, қалъа сўзи шаҳар, қишлоқ, умуман, яшаш жойи маъноларига эга. Кўпчилик олимлар бу сўзни араб тилига мансуб деб қарашса, баъзи олимлар бу фикрга қўшилмайдилар. Эрон топонимикасини текширган В.И.Савина шундай бир фикрни билдиради: “Қала сўзи қадимги Эрон сўзи бўлмиш келак//келек сўзи охиридаги -к ундоши тушган (кела//кеle) араблашган формаси бўлиши мумкин. Келек сўзи тепаликдаги атрофи ўралган қишлоқ ёки тепа (рус. холм) маъноларини ифодалаган. Балки,

¹ Розенфельд А.З. *Qala* – тип укрепленного иранского населения. Советская этнография, 1951. – Б.1.

² Равшан достони, (Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Ходи Зариф) – Тошкент, 1963. – Б.7.

араблар бу сўзни эроний тиллардан қабул қилган бўлиши, кейинчалик эса, араблашган формада яна форс тилларига ўтган бўлиши мумкин.”¹

В.А.Никонов ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Унинг кўрсатишича, қала сўзи асли эроний тилларга мансуб бўлиб, араб тили орқали тарқалиб кетган². Шунинг учун уни кўпчилик араб сўзи сифатида қабул қилган. Демак, қала сўзи этимологик жиҳатдан эроний тилларга мансуб. Ана шунга асосланиб, сўғд тилларидағи канак (рус. жилище) сўзи билан қала сўзи орасида боғланиш йўқмикан деган фикр туғилади. Ўрта Осиё халқлари тилидаги хона, яъни уй (рус. комната, жилище) сўzlари бир ўзакдан ясалмаганмикан?

Хозирги хоразм шеваларидағи кәтәк (товуқхона, баъзи ҳолларда жуда кичик уй) сўзи ҳам юқоридаги фикрларга алокадордек туюлади. В.И.Абаев када, кад – уй (рус. дом) сўзларининг ўзаги кан орқали вужудга келганини айтади³. (“оташкада” атамаси олов ёқиб қўйиладиган оташпарасларнинг ибодатхона биноси маъносини англатиши ҳам шу фикрларга далил бўла олади.)

Кан – қазмоқ, ўймоқ маъноларига эга (кўҳкан – тог қазувчи, Фарҳод). Кат эса, уй, жой маъноларини беради. Улар орасидаги боғланиш жуда қадим замонлар билан, халқларимизнинг ертўлалар қазиб яшаган даврлари билан боғланган.

Қадимги Ҳинд тилидаги *kantha* (канха) – девор, шаҳар сўзининг маънолари, қала сўзининг биринчи компоненти *кал* > *кан* билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрни яна ҳам тасдиқлайди.

Эҳтимол, Хоразм топонимикаси ва достонларидағи Хонқа топоними ҳам шу сўзлар билан боғлиқдир: *kantha* > *канха* > *ханқа* > *хонқа* каби.

-шаҳар индикатори. Гарчи араб тилида *мадина* сўзи ҳам *шаҳар* маъносини англатса-да, “шаҳар” компонентини арабий тилларга мансуб бирлик ҳисоблаш лозим деб ўйлаймиз. Шаҳар лексемаси араб тили флексия қонуниятларига бўйсунади (*mashur*). Бундан ташқари “*шаҳр*” сўзи араб

¹ Савина В.И. О типах словообразования топонимов Ирана, Сб. Топонимика Востока. – М, 1964. –С.162.

² Никонов В.А. Краткий топонимический словарь. – Б.107.

³ Абаев В.И. Этимологические заметки. Труды института языкоznания, вып. VI. – М, 1956. –С.26.

тилида “ой” маъносини; “шаҳара” сўзи эса “ёмонламоқ” маъносини билдирувчи салбий маънодаги сўз ҳисобланади.

Хоразм достонларининг деярли барчасида ва замонавий топонимикада кенг қўлланиладиган индикатор ҳисобланади. Бу қисм изофавий бирикмалар шаклида номнинг олдидан, бошқа ҳолларда номдан кейин ишлатилади. Достонларда *Шаҳри Хунхор*, *Шаҳризар* (*сариқ шаҳар*), *Зулумот шаҳри*, *Қўнғирот шаҳри*, *Қизилолма шаҳри*, *Хива шаҳри*, *Мадинатул Каърия шаҳри* (*ер ёки сув ости шаҳри*), *Кўфа шаҳри*, *Мадина шаҳри* каби номлар таркибида келади. “Мадина” сўзи араб тилида “шахар” маъносини билдиргани ҳолда “Мадина шаҳри”, “Мадинатул Каърия шаҳри” тарзида ифодаланган. Ушбу қисмнинг айrim номлар таркибида қўлланилиши мазмунан ортиқчадай кўринса ҳам, бу ҳол ономастик тизимга зид эмас.

-дарё (дайро). Хоразмда “дарё” индикатори иштирокида жуда кўп гидронимлар ясалган. Бу қисм сув ҳавзалари номларига қўшилиб: *Араз дарё*, *Гургон дарё*, *Туни дарёси*, *Жайхун дарё* каби гидронимлар ясайди. Ушбу индикатор форсий изофа билан ишлатилса номнинг олдида қўллананди. *Дарёи Нил*, *Дарёи Шўр*, *Дарёи Муҳит*, *Дарёи Жайхун* каби. Шунингдек, “дарё” индикатори айrim қипчоқ вариантли достонлар тилида “дайро” шаклида ҳам қўлланади. Масалан, “Юнус билан Мисқол пари” достонида “Дайробод” дарё номи тилга олинади. Мазкур метатеза ҳодисаси ўзбек шеваларининг кўпчилиги учун хосдир. Бу ҳодиса Хоразм шевалари ва достонларидағи киши номларида ҳам кузатилишини кўриш мумкин. Масалан, Ирвайъм (Иброҳим)¹.

-тоғ//доғ индикатори. Бу қисм достонлар онмастикасидаги кўплаган реал ва афсонавий тоғларни номлашда иштирок этади. “тоғ” компоненти Хоразм ўғуз лаҗжаси, туркман тилидаги вариантларда “доғ” шаклида; қипчоқ шевасида қорақалпоқ тилидаги вариантларда “төв” шаклида ишлатилади. Хоразм достонларидағи *Арзирум тоғи*, *Асқарттоғ*, *Балотов*,

¹ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961. –Б. 138.

Бадбахт тоги, Боломон//Поломон дөги, Юлдуз//Сулдуз дөги, Бесутун тоги, Беша дөги, Кўҳи Коф тоги, Лубнон тоги, Хўжса//Ўжса дөги, Учгумбаз дөги каби оронимлар таркибида қўлланилади.

2.3. Номлар таркибидаги фонетик ҳодисалар.

Таъкидлаганимиздек, Хоразмда тил хусусиятлари билан бир-биридан фарқланувчи икки: ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларига мансуб кишилар яшайди. Улар гарчи худуд жиҳатидан бир-бирига яқин, ёнма-ён яшасалар ҳам, ҳар бири ўзларига хос тил хусусиятларини яхши сақлаб қолганлар. Воҳа худудидаги ўғуз ва қипчоқ лаҳжаси вакилларининг тилида лексик, грамматик ва морфологик-фонетик фарқлар бўлиши билан бир қаторда, улар тилида кўпгина умумий жиҳатлар ҳам мавжуддирки, бу айни вақтда уларнинг бир-бири билан, шунингдек, бошқа ўзбек шевалари билан қариндошлигига ишора этади.

Дарҳақиқат, ўрганилаётган манбалардаги топонимларда ҳам шу лаҳжаларга хос бўлган фонетик белгилар сақланган. Жумладан, ўғуз шеваларига хос бўлган сўз бошидаги [т, к] товушларининг жаранглиашуви [*Гўрёғлъ//Кўрёғлъ, Гёклаң//Кёклаң, Ақчә гälын//Ақчә кэльн*]; чўзиқ унлиларнинг мавжудлиги [*Ашъқ Мämумт*]; сўз бошидаги [ä] нинг сақланганлиги (бошқа ўзбек шеваларида бу товуш ўрнига э/е қўлланилади) [*Адъгä//Әдъгä, Амрэлъ//Әмрэлъ*]; Шунингдек, Шимолий Хоразм қипчоқ шеваларига хос бўлган сўз бошида [x] ундошининг сақланиши [*Хътäй//Қътäй*] каби белгиларни кўрсатиш мумкин.

Ўрни билан қайд этиш лозимки, профессор Е.Д.Поливанов Шимолий Хоразм шеваларини шу каби хусусиятларига кўра “қозоқлашган” шевалар деб атайди. Е.Д.Поливановнинг фикрига А.Ишаев жуда тўғри эътиroz билдирган эди¹. Ҳақиқатан ҳам, Шимолий Хоразм шевалари ўзига хос бир қатор лингвистик хусусиятлари билан қозоқ тилидан тубдан фарқ қиласди. Гурлан тумани, Амударё тумани, Қиличбой, Ҳалимбек қишлоқларида “қозоқлашиш” хусусиятлари йўқ. Умуман, Шимолий Хоразм шеваларини

¹ Ишаев А. Проф. Е.Д.Поливановнинг бир фикри ҳақида. ЎТА, 1966, V. – Б.56-59.

“қозоқлашган” дейиш ҳақиқатга түғри келмайды, буни ономастик материаллар ҳам тасдиқлайды. Айниңса, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқлари аралаш яшайдиган жойларда бу холат яққол сезилади. Масалан, топонимлар бошидаги [й//дж; х//к; ч//ш] ундошларининг мослигини қиёс қиласылыш:

<u>Қ и л и ч б о й</u>	<u>Қ о з о қ о в у л</u>
Йұмыртәв	Джұмыртав
Йыланлъ	Джыланлъ
Хътай	Кътай
Хөжсәқәлә	Хожсақала ва бошқалар.

Умуман, Хоразм шеваларининг фонетик хусусиятлари шу соҳа мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилди¹. Шу сабабли ҳам биз мазкур масалада у ёки бу номнинг структурасига, унинг семантиктайланылғанда айрым ҳолларда формантларнинг фонетик жиҳатдан ўзгаришига таъсири нуқтаи назаридангина ёндашамиз. Шундай экан, мавжуд бўлган фонетик муаммоларни ҳал қилиш мазкур ишнинг вазифасига кирмайди.

Хоразм шевалари ўзига хос фонетик хусусиятларга эга эканлигини қайд қилган эдик. Аввало, Хоразмдаги икки группа шевада ҳам сингармонизм сақланган, шу сабабли, унлилар тил олди ва тил орқа (юмшоқ ва қаттиқ) товушларига бўлинади². Ўғуз гурӯҳ шеваларида деярли ҳар бир унли ўзининг чўзиқ вариантига эга³: [а – а:], [ä – ä:], [и – и:], [ў – ў:], [ö – ö:], [о – о:], [ы – ы:]. *Бы:бъжён* (Бибижон), *Зө:врәжён* (Зухражон), *Ы:мäm Ҳөсы:н* (Имом Ҳусайн) каби. Жанубий Хоразмда чўзиқлик булардан ташқари айrim фонетик сабабларга кўра ҳам вужудга келади. Масалан, айrim товушларнинг тушиши натижасида: *A:мад сардор* (Аҳмад), *Гулчы:ра* (Гулчехра), *Ma:мут*

¹ Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров, Ташкент, 1967; Ишаев А. Фонетические особенности Мангитского говора узбекского языка(на материалах Амударынского района), АКД, Ташкент, 1962; Бабаниязов Х. Фонетико-морфологические особенности кыпчакского говора Южного Хорезма, АКД, Ташкент, 1966.

² Чўзиқ унлилар ҳақида: Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков, Л, 1970. – Б.122; Абдуллаев Ф. Чўзиқ унлиларнинг табииати ҳақида, ЎТАМ, 1959,III, 27-33 бетлар; шу муаллиф, Фонетика Хорезмских говоров, с.49; Мадрахимов А. Исследования по лексике Огузского наречия, ДД, Ташкент, 1978. – Б.36.

³ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961. – Б.129.

(Махмуд), *Ша:rъёр* (Шахриёр), *Санар ма:рам* (махрам), *Хәмра* (Хамро) ва бошқалар.

Сўз бошида қипчоқ шеваларида [р, л] товушлари қўлланилмайди, агар қўлланилиши лозим бўлганда, албатта, бу товушлар олдидан протетик унли пайдо бўлади: *Ӧрәзвай* (Рўзибой), *Ҷәржаб* (Ражаб) каби. Ўғуз шеваларида бундай номларда [р, л] товушларининг софлиги сақланган: *Ражаб*, *Раҳим* каби.

Қизиги шуки, ўғуз гурух тилларига киравчи туркман тилида протетик унлиларнинг пайдо бўлиши кузатилади¹. Ўғуз гурух шеваларида сўзнинг бошида (баъзан бошқа ўринларда) келган [ф] сирғалувчисининг потловчи [п] тарзida талаффуз этилиши ҳам барча Хоразм шевалари ва достонлари учун умумий ҳолдир: Афлотун//*Апләтүн*, Вафобек//*Вапабэк*, Фитнали//*Пътналь*, Сафар маҳрам//*Сәнәр мәрәм*, Биби Фотима//*Бывъ Пәтмә*, Фаррух//*Пәррух*, Юсуф//*Юсьп*, Ғаффор // *Fäppär* кабилар шулар жумласидандир.

Тил олди [а] унлиси номлар таркибида [й] товушининг таъсирида турли фонетик позицияларда [э ёки и] га яқинлашади: *Султән Вәйъс* (Султон Увайс); *Мәкәйъл* (Макоил) *Хывә* (Хива); *Шыйх Жалил*, *Шыйхкабир*, *Ләйлъ* ва бошқалар. Баъзан бошқа ҳолатларда ҳам [а] товушининг [э] га силжиши кузатилади: *Шәмәх*//Шамах, *Рәйъм*//Раҳим, *Кәнжса*//Ганжа каби.

Хоразм достонларидаи айрим атоқли отларда ном ўртасида араб тилига хос бўлган Ҳойе ҳавваз [ø], Ҳойе ҳуттий [ç] товушлари ўрнида [й] товуши айтилишини, баъзан эса талаффузда бутунлай тушиб қолишини кузатиш мумкин: *Мәйръвән* (Мехрибон); *Ҷәрайъм* (Иброҳим); *Шаймардән пыр*(Шоҳимардон пир); *Тайържән* (Тоҳиржон); ёки *Әбдълла(ҳ)*, *Баднә(ҳ)*, *Гözäläsh* (ҳ), *Maish(ҳ)ад*, *Хункарио(ҳ)*, *Чъ(ҳ)лтан*, *Чä(ҳ)äржой*, *Чä(ҳ)äрёп* каби.

Проф. Ф.Абдуллаевнинг қайд этишича, Хоразм шеваларида [л] сонор товуши анча беқарордир. Бироқ, унинг [н] ва [р] товушларига нисбатан кучлилиги сабабли ҳам позиция жиҳатидан қайд этилган товушларга

¹ Грамматика туркменского языка, I, Ашгабат, 1970. – Б. 64.

ўтмайди, аксинча, [н] ва [р] товушлари [л] га айланади¹. Ҳозирги чуваш тили туркий тиллар орасида [р›л] товушлари мослиги яхши сақланган². Достонлар тилидаги номлар таркибида ҳам худди шу ҳодисани кузатиш мумкин. Қиёс қилинг: *Гуллаң* (Гурлан); *Талъхән* (Тарлихон) каби.

Номлар таркибидаги товушларнинг турли хил ўзгаишларига мисоллар келтирамиз:

[-ал артиклиниң қисқа “и”//“ъ”га ўтиши]: *Әбдъллаә қәләндәр*, *Әбдъқәдър*, *Әбылқәсым Қурайши*;

[дз]: *Хъдър Ылләс//Хөжәи Хъдър* (Хизр Иләс);

[дт]: *Бәтьпән//*(Бодпон – от номи, асли “Бодпо”), *Жөвутөлән* (Жўвид, Жухуд), *Сәйът äтä* (Саид ота), *Шәвалат* (Шоҳ валад – шоҳ авлоди), *Шәвәт* (Шоҳобод), *Гулхәтычä* (Гулхадича);

[-х удошининг тушиб қолиши]: *Аматсәрдар* (Аҳмадсардор), *Бэсүтун* (Бехсутун), *Ошық а:мат* (Ошиқ Аҳмад), *Шәвалы* (Шоҳвали), *Шәзаргар Шәвалат* (Шоҳ валад), *Шәвәт* (Шоҳобод); *Шәсәнәм*;

[р-л]: *Гуллән* (Гурлан);

[л-р]: *Гулнаҳар* (Гулнаҳол), *Даль матал* (Дали меҳтар);

Номлардаги фонетик қонуниятларни кузатар эканмиз, кўпгина товушларнинг ўз позициясига қараб, турли хилдаги вариациясини аниқладик. Айрим товушларнинг турли вариантда талаффуз этилиши нафақат номнинг фонетик таркибига, балки унинг семантикасига ҳам таъсир қилишини англаш мумкин. Маълумки, [б] товуши ўғуз шеваларида жарангли, лаб-лаб ҳолатидадир. Аммо, қипчоқ шеваларида, айниқса, унинг ж-ловчи қисмида бу товуш маълум даражада жарангизлашган. [б] товушининг бу хусусиятини проф. Ф.Абдуллаев ҳам қайд этган эди³.

[в] ундоши [а] унлисидан кейин келганда талаффузда чўзиқ [ў] тарзида ифодаланади. Масалан, *Рөшиён // Равшан, Төкашиё// Тавкашоҳ* каби.

¹ Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. – Б.137.

² Баскаков Н.А. Введение изучение тюркских языков. –М.: 1969, –С. 241.

³ Абдуллаев Ф. Кўрсатилган асар. – Б.152.

Форсий тиллардаги *-бан* аффиксининг (ўғуз шеваларида баъзан *-ман* шаклида қўлланади) достонлар тилдаги айрим номлар таркибида қўлланишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, *Хөжәй бәгбән* (Хўжа боғбон), *Сангсәр дарвәзабән* (Сангсор дарвозабон) ва бошқалар.

Сўз бошида жарангсиз этимологик [к] товушининг сўз бошида жаранглилашиши туркий тилларнинг жануби-ғарб гуруҳидаги озарбайжон, турк, туркман, гагауз, каби тилларга хос характерли хусусиятдир. Е.Д.Поливановнинг таъкидлашича, бу фонетик ҳодиса ўғуз лаҳжасини бошқа ўзбек шеваларидан фарқловчи ҳамда Хоразм шеваларини тасниф этишда асосланиш мумкин бўлган энг муҳим белгидир¹. *Кунхон, Кўкгул, Кенжабой қўса, Кўкланг, Кўктемир, Кўкча баҳши* каби.

Аммо шуни ҳам қайд этиш керакки, айрим топонимлар ва топонимик индикаторларда сўз бошида жарангсиз [к] сақланган: *Кўҳи Қоғ, Кенагас, Кўҳистон* ва бошқалар.

Қипчоқ шеваларига хос қатор номлар сўз бошида жарангли [г] билан талаффуз этилишини қайд этиш ҳам зарур деб ҳисоблаймиз. Қиёс қилинг: *Гулжамол, Гурлан, Гумбази Узро, Гуржистон, Гўзалишоҳ* ва бошқалар.

Айрим номларда ўғуз шеваларидаги келган [ғ] қипчоқ шеваларидаги [в]га мос келади: *Балотов* (Балотоғ), *Хўжатов* (тоғ//тов) каби. Хоразм достонлари ономастикасида номлар таркибидаги товушларнинг ўзаро ўрин алмашиш ҳодисаси ҳам учрайди: *Гуландом//Гуламдон, Марям//Майрам, Ибраим//Ирвайим* (Ибраҳим – шахс номи) каби. Умуман номлар таркибида унли товушларнинг мослиги, унлиларнинг алмашинуви, унлиларнинг ортиши ва тушиб қолиши каби ҳодисалар ҳам учрайдики, улар сўз охирига қўшимчалар қўшилиши, ёнма-ён келган унлининг битта унли каби талаффуз этилиши каби факторлар билан боғлиқдир². Хоразм ономуистикасининг катта бир қисмини шахс исмлари ташкил этади. Шевада

¹ Поливанов.Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка, Ташкент, 1935. – Б.21.

² Дўсимов.З . Топонимлардаги фонетик ҳодисалар. ЎТА, № 3, 1970.

бу номлар ўзига хос усулда қисқаради, тораяди(икки ёки ундан ортиқ)унли ва ундош товушлар бирикмаси тушиб қолади¹.

Номлар таркибининг *Сапак//Саппъ* < Сапарбой, *Хөжак//Хөжжъ* < Хўжамурод, *Жўмай//Жўммъ* < Жумамурод, *Дөсақ//Дөссъ* < Дўсимбай каби қисқаришларни кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, номлар маълум территорияда яшовчи халқнинг тил хусусияти асосида турли фонетик ўзгаришларга учрайди.

Достонлар ономастикаси ҳам ўзининг шаклланишига қўра турли тилларга мансубдир. Кўпгина номлар шу сабабли ҳам кейин келиб ўрнашган халқлар тилига адаптациялашган. Натижада турли хил фонетик ўзгаришлар содир бўлган. Номлар таркибидаги кўпгина фонетик ҳодисалар фақатгина адаптация натижаси эмас. Номларнинг вариациясида, кўпгина номлар таркибидаги, товуш тушиш ва товуш ортирилиши каби ҳодисалар мазкур территориядаги шева хусусиятлари билан ҳам изоҳланади. Кўпгина фонетик ўзгаришлар икки лаҳжа вакиллари учун умумий бўлса, айрим фонетик ўзгаришлар факат биргина лаҳжага хосдир. Бу факт Хоразм ономастикаси шаклланишида этногенетик жиҳатдан турли манбага мансуб кишилар қатнашганлигидан далолат беради.

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида учрайдиган антропонимлар туркий халқлар, жумладан, Хоразм халқи исмларининг тарихи, бу номларининг юзага келиши, қўйилиши асослари ҳақида қимматли маълумотлар беради. “Шажараи турк” асари ва унинг илмий аҳамияти борасида филология фанлари номзоди X.Бобониёзов тадқиқот иши олиб борган. Шу ишда мазкур асарда учрайдиган 80дан зиёд киши исмлари ҳам санаб ўтилган. Шулардан 23та антропонимнинг семантик маъноси ҳам изоҳлаб берилган².

Асар тилидаги номларнинг тарихий-этмолологик таркиби хилма-хил бўлиб, улар орасида қадимий туркий исмлар, мўғулча номлар, шунингдек,

¹ Ишаев. А. Манғит шевасида сўзларнинг торайиш формалари, ЎТАМ, 1962.

² Бобониёзов X. Абулғозий Баҳодирхоннинг Шажараи турк асари – ноёб маданий мерос. – Тошкент, 1992, – Б.26

қадимий яхудийча номлар, арабча, форсча номлар учрайди. Бу ўринда “Шажараи турк” асари саҳифаларида ва Хоразм достонларида учрайдиган баъзи исмларни келтириш билан чегараланамиз:

- “сулдуз”// “юлдуз”: Чўпонсулдуз; *Юлдуз тоғи*//*Сулдуз тоғи*;
- “ўзбек”: Ўзбекхон; Ўзбакистон, Ўзбак;
- “ўрус”: Ўрусхон; Ўррус;
- “сори”: Сорихон; Эрсори, Сори, Сори бобо;
- “эл”: Элхўжа, Элпок, Элбарс; Элбарсхон, Эмрэли, Эломон;
- “эш”: Эшсултон, Эшмуҳаммад, Эшдўст; Эшмат, Эштемир;
- “қул”: Субхонқули, Паҳлавонқули, Раҳмонқули, Ҳасанқули; *Қулхўжса*;
- “байрам”: Байрамўғлон; *Байрамали*;

Келтирилган исмларга диққат қиласиган бўлсак, аввало, бу номлар пайдо бўлишига кўра кўхна туркий исмлардир; иккинчидан, уларнинг ҳар бири туркий халқларда болага исм қўйишнинг қадимдан амал қилиб келинган маълум анъаналарини ўзида ифодалайди; учинчидан, уларнинг аксарияти халқчил исмлар бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида, жумладан, Хоразм минтақавий антропонимикаси таркибида ҳозир ҳам мавжуддир.

III БОБ.

АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАВСИФИ

Хоразм воҳасида яшовчи аҳоли узоқ ва қадимий тарихга эга. Уларнинг тиллари ҳам мураккаб ривожланиш жараёнини бошидан кечирган. Бу ердаги туркий уруғ ва қабилалар тили ушбу ҳудудларда қадимий даврлардан яшаб келган эроний тиллар билан алоқада бўлган. Тарихий манбаларда VII-VIII асрларда ва ундан олдин хоразм ёзуви кенг тарқалгани ҳақида маълумотлар бор. Қадимги хоразмий тили XIV асрларга келиб ўзбек тили билан қўшилиб кетган¹. Натижада, бу тилга оид баъзи лексик бирликлар ҳозир ҳам сақланиб қолган².

Эроний тиллар билан аралашган қадимги туркий қабилалар тиллари олтой-мўғул тиллари билан ҳам алоқада бўлган. Бу алоқалар XIII асрда мўғулларнинг Ўрта Осиёни истило қилиши даврларида янада кучайди. Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида ўзбек-араб тиллари алоқаси юзага келди. Бу даврда араб тили давлат ва дин тили, фан ва расмий ёзишмалар тили сифатида кенг тарқалди. Араб тили маҳаллий аҳолига давлат ва фан тили, айниқса, дин тили сифатида мажбуран ўқитилди. Натижада, маҳаллий аҳоли вакиллари ўз она тили билан бир қаторда араб тилида ҳам ёзиб, ҳам гаплашадиган даражага етишди.

Ўзбек тилига араб тили фақат дин – ислом тили сифатида эмас, балки фан тили, расмий-идоравий услуб тили, бадиий адабиёт тили сифатида ҳам таъсир этди. Араб тилидан сўз олиш, асосан, ўзбек-араб билингвизми даврида (VII-IX асрларда) кучли бўлди³.

Шундай қилиб, ҳалқ тарихида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар унинг тилида ҳам ўз изини қолдирди.

Хоразм ҳалқ достонлари тилида, айниқса, қўллёзма шаклида етиб келган достонларда бу ҳолат янада ёрқинроқ намоён бўлади. Уларни соф оғзаки

¹ Фрейман А.А. Хорезмийский язык, –М.: 1950. – Б.32.

² Усмонов С. Ўзбек тилининг лугат составида тоҷикча-форсча ва арабча сўзлар. Навоийга армугон. – Т., 1968. – Б.109.

³ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари, Тошкент, 1985. – Б.111.

адабиёт намунаси дейиш ҳам, том маънодаги ёзма адабиёт намунаси деб ҳам аташ мумкин эмас. Чунки, уларнинг тилида адабиётнинг бу икки шаклига хос бўлган хусусиятларнинг ўзаро синтези акс этган. Шунингдек, уларда қадимги туркий тил, шевага хос бўлган лексик бирликларнинг эски шакллари, ўзлашма қатламга оид архаик сўзлар кўплаб учрайди. Бу ҳолатлар достонлар ономастикаси тизимида ҳам тўла акс этган.

Халқ достонлари ономастикасини таҳлил қиласр эканмиз, бу тарихий жараёнлар изини тўла ҳис қиласиз. Ономастик бирликларнинг тарихий-этимологик асослари, айниқса, антропонимларнинг катта кўпчилиги араб тилига алоқадордир. Араб элементлари, гарчи топонимик сатҳда бу даражада акс этмаса ҳам, шахс исмларининг вужудга келишида маълум ономастик тизимни вужудга келтирган ва шакллантирган. Қизиги шундаки, бу тизим ҳозирги кунда ҳам фаол қўлланмоқда.

Атоқли отларнинг бошқа бир қисми эроний тилларга хосдир. Шимолий Хоразм шеваларида ижро этилган достонларда мўғул тиллари элементлари, хусусан, этнонимлар катта ўрин тутади. Шундай бўлса ҳам, достонлар ономастикасида асосий ўринни туркий тилларга хос номлар эгаллайди.

Булардан ташқари, бошқа – қардош бўлмаган тилларга хос бир грух номлар мавжудки, улар бизни Искандар Зулқарнайн даврига, қадимги хитой манбалари, ҳинд халқи оғзаки ижоди материаллари томон бошлайди. Шу сабабли, биз Хоразм халқ достонлари ономастикасини бир неча грухларга бўлиб таҳлил қилишни маъқул топдик.

Достонлар ономастик тизимида этник номлар анча салмоқли ўринни эгаллайди. Қуйида туркий тилларга хос этнонимларга тўхталамиз.

3.1. Этник номлар.

Хоразм достонлари ономастикасида этник номлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Улар қадимда юртимиз худудида ва ундан четда мавжуд бўлган ҳамда этник жиҳатдан туркий ва туркий бўлмаган кўпгина улуслар, элатлар, қабилалар, халқлар тўғрисида, уларнинг ижтимоий аҳволи, яшаш шароитлари хақида қимматли маълумотлар бериши мумкин. Чунончи,

туркман, қирқ, қипчоқ, найман, дўрмон, қўнгирот, така-туркман, нўғой каби элатларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам Ўзбекистон ҳудудида яшаб келмоқдалар. Улар ўзбек миллатининг шаклланишида иштирок этиб, унга сингиб кетганлар. Сўз Хоразм достонлари ҳақида борар экан, бир ҳолатни таъкидлаш лозим. Гарчи Хоразмда яшовчи аҳоли ўзларининг уруғ ва қабилага бўлинишларини унуган бўлсалар ҳам, этник номлар асосида вужудга келган жой ва киши номлари анча сермаҳсулдир.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, этнотопонимлар энг қадимги номлар қатламини ташкил қиласди¹. Умуман, этник номларни таҳлил қилиш ўзбек халқининг этногенези масалаларини ёритишга кўмак беради. Достонлар ономастикаси таркибидағи этник номлар бундан мустасно эмас. Маълумки, ўзбек халқининг этник асосини Мовароуннахр ва Хоразмда яшаган (сак, массагет, сўғд, хоразмийлар каби) аҳоли ташкил этади. Шунингдек, ўзбек халқининг шаклланишида булардан ташқари Марказий ва Ўрта Осиёда, хусусан, Орол бўйи ҳудудларида яшаган, қадимги ва ўрта асрларда ҳар хил туркий қабилалар иттифоқига кирган қанғли, қарлук, қипчоқ каби туркий тилларда сўзлашувчи этник компонентлар ҳам иштирок этган². Шубҳасиз, бу жараён Орол бўйи ва Хоразм аҳолиси тили ва маданиятида ҳам ўз изини қолдирган. Достонлар ономастикасини кузатиш ҳам бу фикрни яна бир карра тасдиқлади.

Шундай экан, биз текшираётган ҳудуд қадимданоқ турли этник группаларнинг тўқнашган, аралашган минтақа ҳисобланган. У ўзининг узок тарихи давомида генетик жиҳатдан турли манбаларга мансуб ва турли тилларда гаплашувчи халқларнинг яшаган макони бўлган. Ўша халқларнинг тарихий излари, шубҳасиз, ҳозирда истиқомат қилаётган халқлар шевалари, шунингдек, уларнинг фольклорида ўз аксини топган.

Хоразм достонлари лексикаси қадимда ушбу ҳудудда ва ундан ташқарида мавжуд бўлган, ҳамда этник жиҳатдан туркий ва туркий бўлмаган

¹ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. –Тошкент: Фан, 1985. – Б.78.

² Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. –Ташкент, 1974. –С.10.

кўпгина уруғ, элат ва қабилаларнинг яшаш шароити, ижтимоий аҳволи, турли иқтисодий-сиёсий алоқалари ҳақида муҳим маълумотларни сақлаган. Биз уларнинг айримлари тўғрисида олдинги бобларда сўз юритган эдик. Ушбу бўлимда эса этнонимларнинг тарихий-этимологик манбалари, аникроғи, этимони жиҳатдан қайси тилга мансублиги ҳақида тўхталамиз.

3.2. Туркий асосли номлар.

Достонларда Орол бўйи ҳудудида яшовчи халқлар тилидаги, ўзининг тил хусусиятлари билан бир-биридан фарқланувчи ўғуз ва қипчоқ диалекти компонентларига хос бўлган этнонимлар асосий ўринни эгаллайди. Тадқиқ қилинаётган ҳудудда ўғуз қабиласи эроний халқлардан кейин яшаган йирик этник гуруҳлардан биридир. Ўғузлар қадимги даврлардан то шу кунгача ўзларининг тил хусусиятларини сақлаб келишган. Ўғузларга мансуб деб қаралган айрим уруғ-қабила номлари фонетик жиҳатдан турли ўзгаришларга учраган. Айримлари умуман маҳаллий халқ томонидан унутилган бўлиб, уларни уруғ номи сифатида эсламайдилар. Хоразм халқ достонлари ономастик фондининг кўп фоизини туркий асосли номлар ташкил этади. Шунинг учун туркий тилларда, хусусан, туркман ва қорақалпоқ тилларида мавжуд бўлган ономастик бирликлар Хоразм достонлари тилида ҳам, айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда кенг қўлланилади.

Маълумки, ўзбек адабий тили ва шевалари лекикасининг асосий қисмини барча туркий тиллар учун муштарак бўлган сўзлар ташкил қиласди. Аммо достонлар тилида, жумладан, ономастик бирликлар таркибида шундай элементлар мавжудки, улар бугунги тил вакиллари учун эскирган, архаик характерга эгадир. Улар, айниқса, номлар таркибида қатнашган ономастик индикаторлар сифатида мавжуд бўлиб, салмоқли ўринни эгаллайди. Мазкур бирликларнинг кўпчилиги туркий тилларга оид қадимги ёдномалар тилида учрайди. Уларнинг айримлари фақат фонетик таркиби жиҳатдан эмас, балки семантик хусусиятларига кўра ҳам ҳозирги кундаги шаклидир.

Яна бир фактни қайд қилиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Айрим номлар таркибида бугунги шева вакиллари тилида учрамайдиган ёки бутунлай

бошқа маъно ифодалайдиган элементлар ҳам мавжудки, уларнинг кўпчилиги шевага бошқа тиллардан ўтган бўлиши мумкин. Айрим сўзлар ҳозир ҳам татар, бошқирд, қорақалпоқ тилларида учрайди. Бундай унсурлар достонлар тилига уларнинг вариантларини ижро қилиш жараёнида баҳшилар томонидан киритилган бўлиши эҳтимоли юқорироқдир. Қуйида хоразм достонлари ономастикасида учрайдиган туркий бирликларнинг тарихий-этимологик хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Достонларда жуда кўплаб этонимлар тилга олинади. Уларнинг аксарият кўпчилиги туркий тилларга мансубдир. Мисол: Барлос (“Ҳасанхон”), Булғор (“Ҳасанхон”), Ёвмут (“Гўрӯғли”), Жалойир (“Гўрӯғли”), Кенагас (“Эрҳасан”), Кўкланг (“Гўрӯғли”), Манғит (“Эдиго”), Овшар (“Гўрӯғли”), Сарой (“Гўрӯғли”), Қўнғирот (“Эдиго”), Қипчоқ (“Эдиго”), Нўғой (“Ҳасанхон”), Уйғур (“Эдиго”), Найман (“Эдиго”), Қалфоқ (“Эдиго”), Нукус (“Эдиго”), Қангли, Хитой, Човдур (“Эдиго”), Дўрмон (“Гўрӯғли”), Эймир (“Юсуф ва Аҳмад”), Эрсари (“Гўрӯғли”) ва бошқалар.

Ушбу этник номларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам мамлакатимиз худудида жой номлари сифатида яшаб келмоқда. Уларнинг айримлари қардош бўлган туркий халқлар тилида ҳам фаол қўлланади. Достонлар лексикаси бўйича тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар достонларимизда ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига, ҳамда қозоқ, қорақалпоқ, нўғай, шунингдек, татар, бошқирд тилларига хос кўпгина сўзларнинг учраши мазкур лаҳжа ва тилларнинг бир гуруҳга тааллуқли бўлиши билан изоҳланишини қайд қилганлар¹. Халқ достонлари ономастикасида мўғул ва туркий тилларнинг ҳар иккаласига хос бўлган этонимларнинг мавжудлиги дикқатга сазовордир. Бизнингча, бундай бўлиши табиий, чунки, кўпчилик тилшунослар эътироф этганларидек, туркий тиллар ҳам, мўғул тиллари ҳам олтой тилларининг битта шохобчасига – туркий-мўғул гуруҳига тааллуқли. Шу билан бир қаторда туркий ва мўғул тиллари асрлар давомида бир-бирига таъсир кўрсатганлар, лексик “олиш-бериш” қилганлар, натижада ҳар иккала тил

¹ Ишаев А. Халқ достонлари лексикасидан. Ўзбек халқ ижоди тўплами, Тошкент. Фан, 1967. – Б.172.

учун муштарак лексик ўхшашликлар(жумладан, этнонимлар соҳасида ҳам) вужудга келган. Бундай умумийлик достонлар лексикасида яққол намоён бўлади. Шу сабабли халқ достонлари лексикаси мўғул ва туркий тиллар алоқадорлиги нуқтаи назаридан ўрганиш, олтойшуносликда ҳозиргача узилкесил ҳал этилмаган мўғул ҳамда туркий тиллар генетик бирлиги муаммосини ечиш учун муҳим материаллар бериши шубҳасизdir.

Биз қуида ўзбек тилида мавжуд бўлган туркий-мўғул асосли этнонимларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.

Қўнғирот. “Эдиго” достонида жой ва уруғ номи сифатида тилга олинади. “ул подшонинг айёминда қирқ минг уйли Қўнғирот, қирқ минг уйли Манғит, қирқ минг уйли Найман, қирқ минг уйли Чавдир...бор эди...”. Ушбу этноним бошқа халқ достонларида, жумладан, “Алпомиш”да ҳам учрайди.

Қўнғирот – ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. XX аср бошларида Ўзбекистоннинг жанубий худудларида, шунингдек, Зарафшон водийсида, Мирзачўл, Хоразм ва Қорақалпоғистонда яшаганлар. Қўнғиротлилар қозок, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд, нўғай ва бошқа туркий халқлар таркибиغا ҳам кирганлар. XIV асрда қўнғиротлиларнинг катта бир қисми Хоразм худудига кўчиб келган ва Хоразмнинг сўфийлар сулоласи фаолиятида фаол иштирок этганлар. XIV-XV асрлар давомида қўнғиротлиларнинг айрим гурухлари Хурасонга, Шимолий Афғонистонга ва Хисор-Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Қўнғиротлар кейинчалик Хоразмнинг сиёсий ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутганлар. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида Хива хонлигини ўзбек қўнғиротлари сулоласи бошқарган¹.

Бу этноним асосида қўплаб топонимлар ҳосил қилинган. Хоразмда Қўнғирот (Қўнгрот), Ширин Қўнғирот каби номлар бор. Қўнғирот этнонимининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар номни икки қисмга ажратиб изоҳлайдилар: қўнғир – “кулранг,

¹ Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли лугати, Тошкент, 1999. – Б.137.

тўқ жигарранг”, -ат мўғулча кўплик маъносини ифодаловчи қўшимча¹. С.Абрамзоннинг таъкидлашича, этонимнинг келиб чиқишига ушбу қабилага мансуб суворийларнинг қўнғир отга миниб жанг қилишлари сабаб бўлган². Чунки, ўтмишда ҳар бир қабилага хос жангчиларнинг маҳсус кийими бўлмаганидан, уларни қарши томон лашкарларидан, баъзан, отининг рангидан ажратиш мумкин бўлган. Шунинг учун ҳар қабила вакиллари бир хил от миниб юришлари расм бўлган. Туркий халқларнинг алаатчин (алчин), қарат (керат) каби уруғлари ҳам шу асосда вужудга келган³.

Т.Нафасовнинг ёзишича, бу фикрлар халқ этимологиясига асосланган бўлиб, ранг маъносини ифодаловчи сўз билан алоқаси йўқ. Бу этоним мўғулча Хонхор – “пастлик, қуи, чуқурлик” сўзи асосида ясалган⁴. Демак, қўнғирот – “қуида, пастда яшовчи кишилар” маъносини англатади, [-т] қўшимчаси кишилар гурухини ифодалайди.

Нўғай. Ҳозир Россиядаги Ставраполь ўлкаси, Доғистон, Қорачой-Черкас, ҳамда Ингушияда яшовчи халқ. Нўғайларнинг аждодлари Нўғай(XIII асрнинг биринчи ярми – 1300 йиллар)нинг Олтин Ўрда улушига кирган турк ва мўғул қабилалари ҳисобланади. Нўғайлар Қоранўғай, Оқнўғай ва Ачиқулоқнўғай каби этнографик гурухларга бўлинади. XIII асрдан бошлаб мўғулларнинг юришларида қатнашган нўғайлар, Дашиби Қипчоқда қипчоқлар билан аралашиб, турк тилини қабул қилганлар. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида Олтин Ўрда инқирозидан сўнг Нўғай ўрда давлати вужудга келган. Бу давлат Волгадан Иртишгача, Каспий ва Орол бўйларидан Камагача бўлган ҳудудни ўз ичига олган. Маркази Саройчик шаҳри бўлган. Аҳолиси манғитлар, қўнғиротлар ва бошқа турк-мўғул қабилаларидан иборат бўлган. Улар кўчманчи чорвачилик билан шуғулланишган. XVI асрнинг иккинчи ярмида Нўғай ўрда бир неча бўлакларга ажралди. Шу даврда манғит

¹ Новширванов З.Ш. Предварительные заметки о племенном составе тюркских народностей пребывавших на юге Руси и в Крыму. Симферополь, 1929, Т.3(60). – Б.83.

² Абрамсон С.М. К семантике киргизских этонимов. СЭ. М-Л, 1946, №3. – Б.129.

³ Эбдирахманов А. Қазақстан этнотопонимикаси (зерттеу тарихыннан), Алматы, 1979. – Б.116.

⁴ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати. Тошкент, Ўқитувчи, 1988. – Б. 261.

ва қўнғиротларнинг анчагина қисми Ўрта Осиёга кўчган. Нўғайларнинг тили туркий тиллар оиласининг қипчоқ-нўғай шохобчасига мансуб.

Луғат таркиби, фонетикаси ва грамматик қурилиши жиҳатидан қорақалпоқ тилига яқин. Нўғай тили Оқ Нўғай (Қорачой-Черкесия), асл Нўғай (Ставраполь ўлкаси), Қора Нўғай (Догистон) диалектларига бўлинади. Нўғай уруғи қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд, ўзбекларнинг турли қабилалари ва уларнинг айrim тармоқлари таркибида қайд этилган. Б.Х.Кармишева кесамирларнинг, Хоразм қўнғиротларининг ва Жанубий Ўзбекистон дўрмонларининг гурдак бўлимида нўғай уруғи борлигини аниқлаган¹. Нўғай сўзининг келиб чиқиши тотем билан боғлиқdir. Бу сўз ҳозирги мўғул тилида ноҳой – “ит” деган маънони англатади². Дарҳақиқат, этнонимияда тотемлар асосида номланиш кўп учрайдиган ҳодисадир.

Манғит. Қадимги туркий қабилалардан бири, ўзбек халқи таркибига кирган йирик этник груп. Ёзма манбаларда келтирилишича, манғитларнинг аждодлари XIII аср бошларида Мўғалистонда яшаб келган мўғул қабилаларидан бўлган. XIII аср давомида Дашиби Қипчоққа келиб ўрнашган манғитлар XVI асрда Ўзбекистон ҳудудига кўчиб келганлар.

А.Ишаевнинг хабар беришича, манғитлар 16 уруғ (16 кўча манғит)дан иборат бўлган: Тўбилға, Бургут, Эчбуға, Қоракуя, Жавалоқ, Ушак//Ушшак, Тўқманғит, Кескичманғит, Оғодил, Маратўба (сув сўқти), Есабий, Наримбай, Мусапир, Қайсар, Кўкўзак, Қорабатир³. Айrim манбаларда “Ўрманқит” номи ҳам учрайди⁴. Бу номларнинг айримлари жой номлари ва кишиларнинг лақаблари сифатида халқ достонларида ҳам учрайди. Манғит этнонимининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Халқ орасида ман – арабча таъкиқ ва қит – қимматчилик, етишмовчилик каби қисмлардан ҳосил бўлгани

¹ Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. –М, 1976. – Б.103.

² Монгольско-русский словарь. М, 1967. – Б.272.

³ Ишаев А. Из истории мангытов и мангытского диалекта узбекского языка. Вопросы диалектологии тюркских языков. Баку, 1960, Т. II. – Б.160-163.

⁴ Шажараи турк, Абулғози Баходирхон. Нашрга тайёрловчилар: Қ.Муниров, Қ.Махмудов, Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1992. – Б. 34.

хақида ривоятлар юради. Шунингдек, бу ном киши номи (антропоним) дан Манғитбой › Манғит шаклида пайдо бўлган деган тахминлар ҳам мавжуд.

Аммо, А.Ишаев ушбу этноним асосида мўғулча *мянгаод* – “минглар” сўзи ётганини таъкидлайди. У *мянга + ат* кўплик аффиксининг минг сўзига қўшиш билан ҳосил қилинганини қайд этади¹. Дарҳақиқат, бу тахмин ҳақиқатга анча яқиндир. Чунки, кўпгина этник номлар мўғул тилидаги сонлар асосида ҳосил қилинган. Умуман, этнонимияда сон –миқдор англатувчи сўзлар анча фаол. Қиёс қилинг: қирқ –ўзбек халқи таркибиға кирган йирик қабилалардан бири. Кўпинча, ўзбек халқи таркибиға кирган юз қабиласи билан аралаш ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпчилик манбаларда қирқ – юз номлари ёнма-ён келтирилади. Қирқ, юз ва минг қабилалари умумий ном билан Мирқа деб ҳам юритилган.

Дўрман мўғул тилига алоқадор бўлиб, (тўрт демакдир²) тўрт уруғнинг бирикишидан ҳосил бўлган қабиладир. Кейинчалик уларнинг таркибида Кўйли, Увоқ, Уч уруғ, Кўк чепак, Саксон йўғон, Гурдак, Ой тамғали уруғлари ҳам бўлган. Дўрманлар XVI – XVII асрларда Даشتி Қипчоқдан Ўрта Осиё ҳудудларига келиб жойлашганлар.

Найман этноними ҳам саноқни билдаради – найма мўғулча “саккиз” деганидир. Найманлар ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, нўйой ва олтой халқларининг таркибиға кирган йирик қабилалар уюшмаси ҳисобланади.

Тобин айрим туркий халқлар таркибиға кирган. Бу қабила вакиллари ўзбек, қозоқ, бошқирд халқлари таркибида учрайди. Тобинлар мўғул истилосига қадар йирик қабила бўлиб, Урал тоғларининг этаклари, Қозогистон чўлларида қўчиб юрганлиги тахмин қилинади. Мўғуллар хужумидан кейин айрим кичик гуруҳларга бўлинниб кетганлар. Қозоқларнинг йирик уруғларидан бири ҳам шу ном билан аталади. Тобин сўзининг лугавий маъноси мўғулча – эллик демакдир.

¹ Ишаев А. Манғит сўзининг этимологияси хақида. ЎТАМ, 1958, №2. – Б.63-65.

² Шажараи турк, ўша нашр. – Б.41.

Шундай қилиб, этник номлар таркибида саноқ сонларнинг қўлланиши ономастикага хос бўлган ҳодисалардан биридир. Улар нафакат мўғул тилида, балки ўзбек тилида ҳам фаол эканлигини кузатиш мумкин. Қадимги туркий халқларга хос яна бир этноним – Қанглидир.

Қангли туркий қабилалар уюшмаси бўлиб, Ўрхун-Энасой ёдгорликларида *канхорас* шаклида тилга олинади. Бу қабила вакиллари милоддан аввалги III аср охирларида Сирдарё бўйларида йирик Қанғ давлатини вужудга келтирганлар. Бу ҳақда хитой манбалари ва Авесто китобида маълумотлар мавжуд. Сирдарёнинг ўрта оқими ва Орол бўйида жойлашган бу иттифоқ аҳолиси турли тарихий манбаларда қанг › қанқ › канх; канга › канха › кангу; қангли › қанлы; қангар › қангит › қангют › қанглас; қангарлы › қандуоғлы › қанароғлу › қанорлы шаклларида қайд этилади. Ном таркибида рўй берган турли хил товуш ўзгаришларига қарамай, ном асосида қанг › қанг элементи мавжудлиги аниқ. Бу сўз қадимда сув, дарё, сув ҳавзаси каби маъноларни англатган¹. Шундай экан, этнонимни “сув бўйида яшовчи қабила”, “дарё бўйидаги кишилар” деб изоҳлаш мумкин. Дарҳақиқат, бу талқин анча ишончлидир. Чунки, Сирдарёнинг қадимги номи Қан//Қанг бўлган. Хоразм достонларида туркий халқларга мансуб бўлган Нукус, Хитой, Уйғур, Қалфоқ, Қипчоқ, Эймур каби этнонимлар ҳам учрайди. Бу номлар ҳозир ҳам Хоразм ва Орол бўйи ҳудудларида топоним сифатида яшаб келмоқда.

Овшар. “Гўрўғли” туркумидаги “Беш подшонинг Чамбилга ёв бўлиб келиши” достонида қўлланилган: ...*бир Овшар лақабли жодугар саркардаси Хунхордан фотиҳа олиб, минг одамни эргаштириб, Гўрўғли султоннинг жсангига кела берди...*(Г-2, 177-бет)

Достонда таъкидланишича, бу номнинг маъноси “ҳар томонга овиб (оғиб) кетадиган киши” – *Овшар* деб изоҳланади ва лақаб сифатида ифодаланади (Г-2, 177-бет). Юқорида таъкидлаганимиздек, сўзниңг этноним

¹ Кайдаров А.Т. К историко-лингвистический характеристика этнонима қанғлы. –Тюркская ономастика, Алма-Ата, 1984. – Б.42-43.

эканлиги унутилган. Бу номни Маҳмуд Кошғарий ўғуз қабилаларнинг олтинчиси сифатида тилга олиб, “афшар” шаклида ёзади (ДЛТ, I, 83).

Рашидиддин Афшарни Юлдузхоннинг биринчи ўғлининг исми сифатида қайд этади ва сўзнинг маъносини “абжир, эпчил, ов қилишга ва бургутларга эҳтироси баланд” деб изоҳлайди¹. Абулғози Баҳодирхон “Шажараи Тарокима” асарида авшар “ишда абжир” деб талқин қиласди². Тадқиқотчилар бу этномининг тарқалиш ареали жуда кенг эканлигини қайд қиласдилар³. Афшар компоненти Озарбайжон ва Арманистонда, шунингдек, Эрон худудида қадимдан мавжуд эканлиги маълум⁴.

Афшарлар ўғуз кўчманчи қабилалари таркибига кириб, IX – XI асрларда Орол бўйи ва Каспий бўйларида ҳаёт кечирганлар. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, афшарлар Сирдарёning қуи оқимида ўтроқлашган бўлиб, қишлоқларда, қўргонларда яшаганлар. Шундан кўринадики, афшарлар бу худудларда анча илгаридан яшай бошлаган. Уларнинг Хоразм худудларига келиши ҳам ўша даврлар билан алоқадор. Чунки, қишлоқ ва қўргонларнинг маълум этник ном билан юритилиши шу гурухнинг бошқа этник бирликлар яшаётган жойга келиб қўшилиши билан боғлиқ бўлади. Афшарлар ҳақида бизгача аниқ ва тўла маълумот етиб келмаган. Аммо Киев князъларининг X асрда печенеглар, булгор ва хазарларга қарши қурашида ўғуз қабилалари билан иттифоқ бўлганлиги, бу ўғузлар орасида афшарларнинг ҳам бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ўғузларнинг бир қисми кейинчалик Жанубий Русь чўлларида Киев князъларининг вассаллари сифатида ўрнашганлар. Бошқа қисми эса X ва XI асрларнинг бошларида Сирдарёning қуи қисмидан Бухоро ва Хурросон томонга кўча бошлаганлар. Улар салжуқийлар бошлигидаги урушларда қатнашиб, Олд Осиё давлатларини босиб олишда иштирок этганлиги маълум.

¹ Рашид ад-дин. Сборник летописей. т.1, кн.1(перевод с персидского Хетагурова Л.А) –М, 1952. –С. 88.

² Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинения Абулгазихана Хивинского. –М, -Л, 1958. –С. 53.

³ Дусимов З. Кўрсатилган асар. – Б.82.

⁴ Гусейнзаде А. О происхождении топонима “Аштерон”. –СТ, 1974, №3. –С. 66-69.

Шундан сўнг афшарларнинг Озарбайжонда яшаганлигини кўрсатувчи айрим топонимик маълумотлар бор. Афшар сўзининг келиб чиқиши, унинг маъноси ҳақида турли фикрлар баён этилган. Рашидиддин ва Абулғозилар номни “чаққон, ишда эпчил” (проворный, ловкий в работе) дея талқин қилганлигини айтган эдик. Аммо, Г.Вамбери номни “йиғувчи, бошқарувчи”, (собиратель, управитель) деб таржима қилса, Ю.Немет сўзни *aic* феъли билан алоқадор деб ҳисоблайди ва маъносини “покорный” деб изоҳлади.

А.Гусейнзаде этнонимнинг “проворный” деган изоҳини маъқуллайди ва сўзининг уч қисмдан иборатлигини (*аф-* “шоширмоқ, шошимоқ” ҳамда *иши-ҳаракатнинг биргаликда бажарилишини англатувчи /i/ с-аффикси, ҳозирги-келаси замон феъли қўшимчаси -ар// -är*) қайд қиласди.

Шундай қилиб, афшар этнонимининг қадимги ёзма манбаларда қайд этилган изоҳи ҳақиқатга яқиндир. Хоразм шеваларида айрим кишиларнинг лақаби сифатида кўлланадиган *авсар, авсил* каби сўзлар ҳам, эҳтимол, шу сўз билан алоқадордир.

Қизилбош. Бу сўз билан боғлиқ этнотопонимлар Хоразмнинг шимолий қисмида мавжуд. Қизилбош ҳақиқатан ҳам этник ном бўлган. Бу ном анатолиялик турклар томонидан Закавказье, Озарбайжон ва Шарқий Кичик Осиёдаги туркий (туркман) қабилаларига берилган. Улар мазкур туркий қабилаларни бошидаги қизил салласига қараб шундай атаганлар. Бу қабилалар сафавийлар(XIV аср) атрофига бирика бошлиганлар. Бу бирлашма мусулмон-шиалар билан мусулмон-суннийлар орасидаги курашда муҳим роль ўйнаган ва сафавийларнинг ўз давлатини тузишда катта ёрдам берган.

Қизилбош номи кейинчалик турклар томонидан бутун Эрон халқарини номлаш учун қўлланган. Шундай қилиб, қизилбош лақаби Хоразмга ҳам турклар томонидан олиб келинган бўлса керак. Чунки, Хоразмда эронлик халқларни пирсиён ёки эроний деб атайдилар.

Хоразм достонларида ҳам айрим уруғ номлари: *араб, ёвмит, тақа-туркман* ва бошқалар қаҳрамонлар лақаби сифатида кенг қўлланилган: қиёс

қилинг: Райхон араб (Араб Райхон), Бектош араб, Зайдин араб, Абулқосим Қурайший каби.

Эймир. “Юсуф ва Аҳмад” достонида учрайди:

...Арзимни эшиитинг турналар шоҳи,

Бор Эймир элидин Бўзўғлон келсун.

Рафиқим, мунисим, кўнглим хушгоҳи,

Бор Эймир элидин Бўзўғлон келсун...(О-З. –Б.92)

Бу этномим халқ орасида Эймур эли, Эймир эли, Эмрэли каби шаклларда қўлланилади. Айрим топонимлар таркибида эса, бу ном бутунлай ўзга фонетик шаклга айланган.

Махмуд Кошғарий ўғузларнинг ўн биринчи уруғи *әјмўр* эканлигини айтади. (ДЛТ, I, 91). Рашидиддин Такхоннинг иккинчи ўғлининг исми Эймир эканини ва бу сўз “чексиз хушфеъл ва давлатли бўлсин” деган маънони ифодалашини ёзади. Абулғози бу номни *Имир* тарзида тилга олади ва уни “жуда бой” (рус. богатейший) маъносини англатишини айтади. Айрим тадқиқотчилар Эймир этномимини туркманларнинг имрэли уруғи_(достонда эмрэли; Г-1, 174-б.) билан алоқадор деб ҳисоблайдилар. Туркманларнинг имрэли уруғи 1803/1804 йилда Аваз иноқ ҳукмронлиги даврида жанубий Туркманистондан кўчганлиги маълум. Улар дастлаб Аманқули канали бўйларидан ер олиб, Хўжайли (Хожа эли)да яшаганлар. 1806 йили у ердан Янгиариқ тумани худудига кўчиб келганлар. 1827 йили уларнинг яна бир катта гуруҳи Атек районидан Хоразмга кўчиб ўтган¹. Эмрэлиларнинг асосий қисми Ташауз худудида жойлашган.

Бу маълумотлар *эймур//имур* уруғининг туркманлар таркибидаги қисмига тааллуқлидир. Хоразм худудида эса, ўғузларнинг *имур* уруғига хос этник гуруҳларнинг яшаганлиги жуда қадимга бориб тақалади. Хоразмдаги *Йўмръ*, *Йўмрътäү//Jumъrtäü* каби топонимлар, шубҳасиз, шу этномим билан боғлик. *Йўмрътäү* оронимининг маъноси ҳақида турли қарашлар мавжуд. Халқ орасида *Йўмръ* (юмриқ, юмалоқ) номи тоғнинг шаклига кўра берилган,

¹ Брегель Ю.Э. Хорезмские туркмены в XIX веке. –М, 1961. –С. 31.

бу тоғ думалоқ кўринишга эга деган талқин мавжуд. Аммо тоғнинг шаклини аниқлаш анча мушкул иш. Тоғларнинг номи кўпинча, унинг баландлиги, ранги каби хусусиятларига қараб берилади. Айрим тадқиқотчилар тоғ номини *жовмард* “сахий, шердил, мард, ботир” сўзи билан боғлайдилар. С.Кораев бу фикрни исботлаш учун С.П.Толстовнинг бир фикрига ишора қиласди. С.П.Толстов ўзининг “Қадимги Хоразм маданиятини излаб” номли асарида, ҳақиқатан ҳам Эрон манбаларининг афсонавий қаҳрамони Говмард//Каюмарс//Жўмард ҳақида гапиради. Аммо бу қаҳрамон номини *Йўмрътäу* ороними билан боғламайди. Умуман С.П.Толстов бу оронимнинг келиб чиқиши ҳақида сўз юритмаган. Юқоридаги қаҳрамон номини хоразмликларнинг яқин ўтмишдаги эътиқодларида – Авестода ва Паҳлавий афсоналаридағи қаҳрамон билан боғланадиган традицияларнинг мавжудлигини кўрсатиш учун келтиради. Бундай анъаналарнинг айрим изларини Хўжайли ва Амударёнинг сўл соҳилидаги Жумуртов районида кузатганини айтади, холос¹. Шундай экан, *Йўмрътäу* нинг жўмард билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шева вакиллари тилида бу номнинг *Жумртов* варианти мавжуд. Бу оддий фонетик ўзгариш бўлиб, қипчоқ шеваларидаги ж-лашиш ҳодисаси билан боғлиқ. Қиёс қилинг: *йўл* – *жўл*; *йур* – *жур* ва бошқалар.

Демак, *Йўмрътäу*, *Йўмръ* топонимик номлари эймур//имур этноними билан алоқадордир. Буни айрим тарихий материаллар ҳам тасдиқлайди. Қадимги ёзма манбалардан бири – “Нузхат ал-муштак” қадимги ўғузларнинг яшаган жойлари ҳақида маълумот берар экан, уларнинг Орол денгизи бўйларида яшаганлигини ва бу денгиз (ёки Хоразм кўли) бўйидаги тоғ Чакраўғуз деб номланганини қайд этади. С.Г.Агажанов манбаларда тилга олинган Чакраўғуз (ўғуз тоғи) ҳозирги Султон Увайс тоғи эканлигини айтади². Демак, бу тоғ яқинида қадимданоқ ўғузларнинг яшагани аниқ. Маҳаллий халқ бу ўғузларнинг кимлигини яхши билган. Тоғнинг номини

¹ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. –Тошкент, 1960. – Б.95.

² Агажанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX – XIII в. –Ашгабат, 1969. –С. 50-53.

конкрет уруғ номи билан юритганлар. Шундай экан, Эймур//Имур этноними билан Йўмрътәй ороними алоқадордир.

Хоразм ҳудудида булардан ташқари туркман халқи таркибиға кирган ўнлаб уруғ-қабила номлари билан аталувчи жойлар учрайди.

Човдир. “Тулумхўжа” достонида учрайди: ...ул подишонинг айёмида Хоразм вилоятинда қирқ минг уйли Кўнгирот, қирқ минг уйли Қипчоқ, қирқ минг уйли Мангит, қирқ минг уйли Уйгур, қирқ минг уйли Найман, қирқ минг уйли Қалфоқ, қирқ минг уйли Нукус, қирқ минг уйли Қанғали, қирқ минг уйли Хитой, қирқ минг уйли Човдир бор эрди¹...

Айрим тадқиқотчилар Човдур этнонимини Жаволдур номи билан алоқадор деб ҳисоблайди. Гарчи Жаволдур ва Човдур сўзларини бир сўзниң икки варианти деб ҳисоблар эканмиз, ҳозир биз текшираётган ҳудудда бу номларнинг иккала формаси ҳам учрашини қайд қилиш керак. Айниқса, Хоразмнинг шимолий қисмida бу ном жуда сермаҳсулдир. Айрим ёзма манбаларда, жумладан, Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-икбон” асарида туркманларнинг бир уруғи сифатида Човдур шаклида тилга олинади. Маълумки, Маҳмуд Кошғарий ҳам ўғузларнинг йигирманчи уруғи *йуволдир* (*жёвёлдёр, жёвёлдэр*) дея келтиради (ДЛТ, I. – Б.90) . Бу уруғ туркман халқи таркибиға ҳам кирган ва унинг номи кейинги даврларда яшаган аҳоли талаффузига мослаштирилган. Бу ном Озарбайжонда ҳам Човдур формасига эга.

Қипчоқ. Орол бўйи халқлари этник тарихида муҳим роль ўйнаган қабилалардан бири қипчоқлардир. Улар рус солномаларида “половецлар”, Европанинг баъзи халқларида ва Византия солномаларида “кумонлар” деб аталган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида қипчоқлар ҳақида батафсил маълумот берилган. Уларнинг илк аждодларининг бир қисми VI асрда Ғарбий Олтойдан чиқиб, Мўгулистан ва Тува ерларига келиб ўрнашади. Иккинчи қисми эса, Иртиш дарёси яқинидаги даштларга кўчиб ўтиб, кимакларга тобе бўлишган. X аср охири ва XI аср бошларида кимаклар

¹ Тулумхўжа. (нашрга тайёрловчи М.Жўраев, Ҳ.Эшчанов). –Тошкент, 2006. – Б.8.

давлати емирилиб, қипчоқлар Иртишнинг ғарбидаги чўлларда, Урал ва унга яқин ерларда яшовчи туркий қабилаларнинг бирлашиши натижасида кучайиб, қадимги ўғузлар ери (Мазофот ал-Ғуз) ни ишғол қиласилар. XI аср бошларида қипчоқларнинг бир қисми Волга бўйи даштликларига, иккинчи қисми Сирдарё бўйларига келиб ўрнашади. Қипчоқларнинг иккинчи қисми XI асрнинг 60-йилларида Қора денгиз ва Азов денгизи яқинидаги чўлларда ҳамда Шимолий Кавказ, Шимолий Дон, Днепр, Дунай дарёлари бўйларидаги даштларда ўрнашганлар. Оқибатда, Тянь-Шаннинг ғарбий тармоқларидан – Дунай соҳилларигача бўлган улкан худуд қипчоқлар кўлига ўтди ва “Дашти Қипчоқ” деб атала бошлади. Кейинчалик қипчоқларнинг катта бир қисми Шарққа силжиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон худудларида жойлашдилар. Улар аста-секин ўтроқлашиб, дехқончилик билан шуғуллана бошлаганлар.

Достонлар ономастикасида учрайдиган айрим этник номлар ҳозирги кунда жой номлари сифатида яшаб келмоқда. Масалан: *Жалойир, Кенагас, Найман, Манғит, Сарой, Қирқ, Қалмоқ, Қўнғирот, Қанғли, Нукус, Хитой, Үйгур, Ҳўжса* ва бошқалар.

3.3. Туркий бўлмаган халқларга алоқадор этнонимлар.

Ўрта Осиё, хусусан, Оролбўйи худудида қадимдан турли тилда гаплашувчи ва турли маданиятларга мансуб халқлар яшаган. Улар ҳар хил элатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқада бўлишган. Айрим ёзма манбалар бу худудда *алан* ва *ос* қабилалари яшаганлигини қайд этади. Шунингдек, анча илгари сўғд, массагет, сак каби қабилаларнинг аралашганлиги ҳам маълум. Ўз-ўзидан равшанки, тарих сахифаларидан тушиб кетган бу халқлар, этник гурухлар ўтмиш маданиятини яратишда қатнашган. Ўтмишда бундай этник элементларнинг бўлиши маҳаллий аҳоли тилида ўз изини қолдирган. Бу ҳолат халқ достонларида ҳам акс этган. Шундай экан, бошқа халқлар этник группаларининг номи билан аталувчи ономастик бирликларнинг хоразм достонларида учраши ҳам табиийдир. Халқ достонларида турли бадиий ва услубий, шунингдек, тарихий вазиятнинг талаби билан туркий бўлмаган халқларга хос этнонимлар ҳам учрайди.

Жумладан, *авғон*, *араб*, *жүйөуд*, *курд*, *чурчут*, *қизилбош*, *қурайши* каби.
Улардан айримлариға тұхталамиз:

3.3.1. Эроний асосли номлар.

Туркий халқлар тили жуда қадим даврлардан буён Ўрта Осиёда азалдан яшаб келган эроний тиллар билан алоқада бўлиб келган. Манбаларда таъкидланишича, Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида туркий тилда гаплашувчи аҳоли ҳам қадимдан яшаган. Сўнгги давр тадқиқотларида “ўзбеклар икки хил тилда сўзлашувчи –шарқий эроний ва туркий қабила ва элатларнинг қоришувидан таркиб топган этносидир” –дея таъкидланади¹. Шундай экан, ҳозирги туркий тиллар ва ўзбек тилида учровчи сўғд, хоразмий тиллари элементлари қадимий даврларда юз берган тиллараро алоқалар натижаси деб қаралмоғи керак.

Эроний тилларнинг излари, айниқса, хоразм шевалари лексикасида жуда сезиларлидир. Проф. О.Мадраҳимовнинг қайд қилишича, “эроний тиллар ўзагига алоқадор бўлган лексик қатlam Хоразмдаги ўғуз шевалари лексикасининг органик қисмига айланиб кетган. Улар кундалик ҳаётда кўп ишлатиладиган зарур ва муҳим тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир.”² Улар шева вакиллари тилига шу даражада сингиб кетганки, ҳатто, бу элементлар бошқа тил оиласига мансуб эканлигини пайқаш ҳам анча мушкул. Бунинг асосий сабаби, Ш.Шоабдураҳмонов қайд қилганидек, “форсий сўзлар ўзбек тили ва шеваларига адабиёт орқали кирмади, балки халқларнинг асрлар давомида бирга, ҳамкор ҳаёт кечиргани, бевосита муносабатида ўзаро бўлган зарурат туфайли кирган ”³.

Достонлар тили кўпроқ сўзлашув тилига яқин бўлганлиги сабабли, уларда ҳам шевага хос хусусиятлар тўла сақланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, ономастик бирликлар ҳам гарчи бошқа тиллардан ўтган

¹ Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, Университет, 2007. – Б.235.

² Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҗжаси лексикаси. Тошкент, Фан, 1973. – Б. 49.

³ Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, Фан, 1962. – Б.222.

бўлса-да, мавжуд шева вакиллари тилига мослашган. Қуйида достонлар ономастик тизимида учрайдиган индикаторлар ва эроний тилларга хос номлар ҳақида тўхталамиз.

Гул. Ушбу компонент киши номлари ясашда жуда ҳам фаол бўлиб, достонлар ономастик тизимида кўплаган номлар таркибида учрайди: Гуласал (“Юсуф ва Аҳмад”), Гулруҳ, Гулруҳпари, Гулруҳсор (“Аваз уйланган”), Гуландом (“Гўрӯғли”), Гулширин (“Араб танған”), Гулихиромон, Гулшан (“Хирмондали”), Гулжон, Гулқиз, Гулноз (“Гулқизой”), Гулжамила, Гулсарви (“Эдиго”), Гулчехра (“Ошиқ Албанд”), Гулчаман (“Ошиқ Нажаб”), Гулсутун (“Шахриёр”) ва бошқалар.

Ўрта Осиё халқарининг деярли барча тилларига тааллуқли бўлган ушбу элемент номнинг асоси бўлиб келиши, шунингдек, исмга қўшилиб ҳам келиши мумкин: Доногул (“Доногул”), Кўкгул (“Эдиго”), Лолагул (“Гул ва Санобар”), Новгул (“Саёд ва Ҳамро”), Ойгул (“Аваз”), Оқчагул (“Юнус ва Мисқол”), Олмагул (“Зулфизар”), Сарвигул (“Хандон ботир”), Тўтигул (“Гўрӯғли”) ва бошқалар. Бу индикатор ҳозирги кунда фақат аёллар исмига қўшилиб келади. Аммо, “Эдиго” достонида Кўкгул шаклида эркак кишининг исми сифатида қўлланган: “...Аммо, Кўкгул деган бола тамоми ўғлонларнинг ушиоқларини утди...” (О-1. – Б.198)

Хоразм шевалари антропонимларини кузатар эканмиз, ҳозир ҳам Гулмон, Гулиммат, Гулмирза каби эркак кишиларнинг исмларини учратамиз. Демак, бу элемент бир вақтлар эркак исмларини ясашда ҳам қатнашган. Гул элементи номлар таркибида “чечак, чиройли, хушрўй” каби маъноларни англатади. Қиёс қилинг:

Гуландом –гулга ўхшаш бўй, гул каби қомат;

Гулора –гуллар билан безанган;

Гуласал –гулнинг асали (гулдай гўзал, асалдай ширин);

Гулжамол –гулдай очилган, гўзал юз, мукаммал;

Гулжаҳон –дунёнинг гули, гўзалликда дунёда ягона;

Гулизар –гулюзли (гул + арабча изар “юз, ораз”);

Гулнисо –аёлларнинг гўзали;
Гулнигор –гул юзли, гулчеҳра;
Гулнор –анор гули;
Гулноз –нозли гул ва шу кабилар.

Ой. Ушбу элемент ҳам фаол ономастик индикаторлардан бўлиб, кўплаб киши исмларини ҳосил қилишда қатнашган: Ойсултон (“Бозиргон”), Ойпора (“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”), Ойгулқиз(“Гулқизой”), Ойгул (“Аваз”), Ойхон (“Юсуф ва Аҳмад”), Ойсанам, Оижамол (“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”) каби. Бу элемент ном охирида ҳам қўлланади: Болойим, Гулқизой, Гулнозой, Гулойим, Доноғулой ва бошқалар.

Бу номлар таркибида ой элементи ўз маъносига эмас, балки, эркалаш, хурмат оттенкаларини ифодалаш учун қўлланилган. Ой индикатори ойим шаклида эгалик қўшимчаси билан қўлланиб, яқинлик, эркалаш маъносини яна ҳам бўрттириб ифодалайди.

Ой сўзи, асосан, аёллар исмига қўшилиб, юқорида тилга олганимиз каби оттенкаларни ифодаласа ҳам, аслида, “ой, осмон жисми, ернинг табиий йўлдоши” маъносини англатади. Аммо, баъзи ҳолларда эркакларнинг исмига қўшилиб, “баҳт, баҳтли” маъносини ифодалайди. Масалан, Ойбек, Ойтемир каби. Ушбу индикатор бошқа туркий тилларда ҳам фаол қўлланади.

Бону. Ушбу эроний тилларга хос бўлган элемент дастлаб грамматик маъно ифодалаган. Маълумки, эроний тилларда туркий тиллардаги каби жинс ифодаловчи грамматик кўрсаткич йўқ. Шу сабабли, жинс маъносига лексик усуlda, яъни сўзлар ёрдамида ифодаланган. Жумладан, қадимги Эронда давлат бошқарувчи, ҳукмдор ҳшатрадора сўзи билан юритилган. Ҳшатра қадимги форс тилида “давлат, ҳокимиёт”деган маънони билдирган.(Янги форс тилидаги шаҳр “шаҳар” сўзи ҳам ушбу ўзак билан боғлиқ). Дора (янги форс тилида –“дор”) “эгалловчи” (рус. обладатель) демакдир. Шундай экан, ҳшатрадора “ҳокимиёт эгаси” деган маънони англатади. Кейинчалик, ҳозирги форс тилида шахриёр шаклига келган, бу сўз айни вақтда унвон маъносига ҳам қўлланган. Шахриёр нинг хотини эса

Шаҳрибону мақомини олган. Қишлоқ ҳокими катхудо деб юритилса, унинг хотини катбону, яъни “қишлоқ бекаси” (айнан, уй бекаси) деб аталган. Умуман, дастлаб бону элементи мустақил қўлланмаган, у аёллар исмини ҳосил қилиш учун хизмат қилган. Масалан, эронийларда Гавҳар исми эркак кишилар номи сифатида мавжуд бўлган, унга бону компоненти қўшилгач аёл номи Гавҳарбону ҳосил бўлган. Дастлаб бону элементи юқори табақа аёллари исмигагина қўшилган, кейинчалик барча тоифа вакиллари номига қўшиб ишлатиш одат тусига кирган. Ушбу компонент Хоразм достонларида ҳам қўлланилган. “Хиромон пари”, “Саёдхон ва Ҳамро” достонларида Бону сўзи мустақил ҳолда исм сифатида қўлланган: ...*Аммо қизларнинг ичинда икки каниз бор эрди, бирининг оти Бону, яна бирининг оти Лизон эрди...* Мазкур элемент “Маликаи Завриё” достонида Шаҳрибону шаклида қўлланилган: ...*Сўнаажоннинг бир канизи бор эрди. Отига Шаҳрибону дер эрдилар...*

Умуман, эроний асосли номлар ҳақида сўз борар экан, улар достонлар ономастикасида учрайдиган энг қадимги номлар сифатида қайд қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз. Бундай номларнинг айримлари “Авесто” китобида, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари каби қадимэроний манбаларда ҳам учрайди.

Жамшид. “Зулфизар” достонидаги қуйидаги парчага эътиборни қаратайлик: ...Жамшид, *Фаридунман, Золу Рустамзар,*

Юртни олган шоҳ Искандар қолмади... (Г-2. – Б.206.)

Жамшид номи тарихий номлар сирасига киради. Манбаларда кўрсатилишича, бу ном турли хил шаклларга эга. Жамшид номи “Авесто” готларида “шид” таркибий қисмисиз ишлатилган. Жам – Йима Вайваҳантнинг ўғли. Жамнинг отаси биринчи бўлиб илоҳий унсурни кашф қиласи ва бунинг эвазига Жам дунёга келади. 1. Жам: “Авесто”да Йима, паҳлавийда Йам, форсийда Жам; 2. Шид: “Авесто” да “хшанта”, паҳлавийда “шет”, порлок, ёруғ маъносида. Ҳар иккала қисм биргаликда Жамшид – “порлок Жам” маъносини англатади. “Авесто”да Жамшид бир неча сифатлар

эгаси сифатида тилга олинади: “хшашта – шоҳона”, “хваридариса –қуёш юзли”, “ерайр –гўзал, истараси иссиқ”, “хваева” паҳлавийча “хварак”, форсийда “хуб рама”, яъни сурувлар эгаси. Жам ярим худо, ярим одам сифатида талқин қилинади.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Жамшид Ахура Мазда динини биринчи қабул қилган одам сифатида талқин қилинади. Эрон ривоятларида Жамшид пешдодийларнинг буюк подшоҳларидан биридир. Форс ва ўзбек мумтоз адабиётларида “жоми Жам” бирикмаси жуда машхурдир. Навоий ўзининг “Тарихи мулуки Ажам” асарида ёзишича, Жамшид иккита жом (қадаҳ) ясатган. Бири –“жоми ишратрафзо”(ундан қанчалик май ичган билан тугамас эмиш), иккинчиси –“жоми гетийнамо” (унга қараб, бутун дунёни кўриш, англаш мумкин эмиш)¹. Форс адабиётидаги мазкур(жоми Жам) – “жаҳонни кўрсатувчи жом”ни унга мансуб деб биладилар.

Хисрав//Хусрав. “Хурлиқо ва Ҳамро” достонида учрайди: ...*Миср вилоятинда бир подио бор эроди. Онинг отини Хисрав дер эродилар...* “Ошиқнома” туркумига қарашли достонларда учрайдиган Хисрав номи “Авесто”да –Кавай Хавсарава, ёхуд Кавай Хавсаравангха, паҳлавийда –Кай Хисрав, форсийда –Кайхусрав. Сиёвуш ва Фарангисдан туғилган боланинг номи. Ковус ва Афросиёбнинг набираси. У эрон адабиётида ботир, қўрқмас ва машҳур ҳукмдорлардан бири сифатида таърифланади. Кайхусрав Эрон ва Ҳинд адабиёти учун муштарак тимсоллардан биридир. Мазкур ном таркибидаги иккинчи компонент Хусрав форсий тилда подшоҳ, ҳукмдор маъноларини ҳам англатади². Бу маъно ҳозирги форс тилида архаиклашган.

Шаҳсувор (ёки *Шәсүвәр*) номи ҳам қизилбошлар билан алоқадор. Аббос I Улуғ (1587-1628) туркий қизилбош қабилаларидан йирик қизилбошлар иттифоқини ташкил қилган эди. Бу қизилбошлар аслида

¹ Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 9-жилд, Тошкент, 1992. – Б.327.

² Персидско-русский словарь. М, 1983, I том. – Б.553.

Озарбайжонга XIV асрда Амир Темур томонидан кўчирилган¹. Шосуварлар иккита катта бўлакка бўлинади: арабеллилар ва мешкинлар.

Кўринишдан қайд қилинган қабилалар иттифоқи – қизилбошлар ва Шоҳсуворлар Темур истилолари даврида Хоразмга келган. Ҳозирги даврда булар кишиларнинг лақаби сифатида қўлланилади. Улар ўзларининг этник хусусиятларини деярлик йўқотган. Шундай қилиб, этник фактор асосида вужудга келган топонимлар Хоразм достонларида учрайдиган жой номлари орасида анча сермаҳсулдир. Уларнинг аксарияти Хоразмда яшаган халқлар таркибиغا қўшилган ёки шу ҳудудда яшаб кетган қипчоқ уруғ-қабилалари номи билан алоқадордир.

Достонлар тилида учрайдиган тат, тожик сўzlари эроний тилларга хосдир. Маҳмуд Кошғарийнинг қайд қилишича, эроний тилда гаплашувчи кишиларни тат деб атаганлар. В.В.Бартольд тожик этноними ҳам шу сўз билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Яъни тат+жик//чик (кичрайтириш аффикси) “татжик”².

Ўрта Осиёда лўлиларнинг бир уруғи жўги деб аталади. Манбаларда қайд этилишича, бу сўз кўчма маънода одамларга кўшилмайдиган, кўпчилиқдан ажралган, якка-ёлғиз юрадиган киши маъносини билдирав экан. Пушту(н) тилида жўги “дарвеш, қаландар, зоҳид, камбағал, тиланчи” демакдир³. Ўзбек халқ шеваларида жўги “лўли, айёр, фирибгар” маъносини англатади.

Халқ достонларида, Жугут (жёвут) этноними ҳам учрайди. Мисол:

...Руму Богдод Фарангистон,
Хинду Жўвуд Арабистон,
Тўқсон икки уруғ Ўзбекистон,
Пирдин назар топғон келсун...(О-З. – Б.158)

Юқоридаги парча “Юсуф ва Аҳмад” достонидан олинган бўлиб, бу ердаги Жўвут сўзи топоним сифатида қўлланилган. “Жугут” сўзи аслида

¹ МИТТ, II. – Б.114.

² Бу ҳақда қаранг: Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари. –Тошкент: Фан, 1998. – Б.113.

³ Афганско-русский словарь. –М, 1966. – Б.304.

“яҳудий” маъносини билдиради. Шева вакиллари орасида бу сўз “жоҳил, раҳмсиз” каби маъноларни ҳам англатади. Бу сўз жонли сўзлашув тилида, хусусан, катта авлод вакиллари тилида учрайди.

Аждаргир. Ушбу ном “Шаҳриёр” достонида учрайди: ...ондин сўнг подио Аждаргирнинг қизи Гулистан парини етти кеча-кундуз тўй-томоша қилиб олди...(О-2. – Б.348) Мазкур ном икки қисм (аждар+гир)дан иборат бўлиб, биринчи қисми қадимэроний манбаларда “ажи даҳока” шаклида кўлланилган. Ажи даҳока: “Авесто”да –“Ози даҳока”, паҳлавийчада –“Аздаҳок”, форсийда –“аждаҳо ва заҳҳок” шаклларида тилга олинадиган уч бошли, уч тумшуқли, ҳамда дунёни одамлардан ҳоли қилгудек кучга эга олти кўзли аждаҳо номи.

Паҳлавийча китобларда ва “Шоҳнома”да Ажидаҳоканинг лақаби “биварасб” (икки минг отли) тарзида келган ва “Шоҳнома”да унинг номи, “Заҳҳоки мордуш”дир¹.

Ахриман. Ушбу ном “Ошиқнома” достонларида учрайди. Авесто”да Анграмайниу, паҳлавий ва форсийда Ахриман. (“урушқоқ ва душман тангри” маъносида). Эронийларнинг дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифологиясида Спантамайниу (Спанмайну)га қарши қўйилган икки бош илоҳдан бирининг номи. Ўрта давр форс адабиётида Ахриман Ганомайну (“ўлдирувчи ва нобуд қилувчи” маъносида) унвони “задархама” (ўлдирмоққа мойил) сифатлари билан ҳам учрайди. “Янги Авесто” ва маздапарсатларнинг диний адабиётга оид манбаларда Ахриман девлар (илоҳларга қарши бўлган девлар), жодугар ва парихонлар саркардаси ва йўлбошчиси, Хурмазд (Ахура Мазда)нинг ашаддий душманидир.

¹ Шоҳномада Азидаҳокнинг арабийлашган шакли –Заҳҳок кўлланилган. Фирдавсийда бу номни жуда кўп ўринларда учратиш мумкин. Масалан, Рустам ва Исфандиёр достонида ўқиймиз:

Зи тахти андар овард Заҳҳокро,
Сипурд он сару тожи у хокро.

Таржимаси: Заҳҳокни таҳтдан ағдариб ташлади, унинг бошини ҳам, тожини ҳам тупроққа топширди. Фирдоуси. Шах-наме. Критический текст, том IV, сост.текста М-Н. О.Османов. М-1967. – Б.258.

Умуман, эроний тилларга алоқадор бўлган атоқли отлар достонларда катта қўпчиликни ташкил қиласди. Қуйидаги жой ва киши номлари ва бошқа турдаги номлар ҳам келиб чиқишига кўра эроний тилларга хосдир:

а) антропонимлар: *Ануширвон, Баҳром, Диlorom, Мардон, Паризод, Xуришидшоҳ, Шоҳсувор* ва бошқалар;

б) топонимлар: *Афросиёб, Астробод, Бадахишон, Бозодод, Жайхун, Мурғоб, Болихисор, Гармиён, Гардистон, Дарбанӣ, Зарафшон, Испаҳон, Кўҳистон, Мозандарон, Сейистон, Сабзавор, Текрон, Тобистон, Чингистон* ва бошқалар;

в) бошқа турдаги номлар: *Анқо (қуши), Аспи Жаҳонгир, Ботипон, Паланг, Моргир (от номлари), Жавишон (ўсимлик), Жавпазак (даражат), Семург, Тарлон (афсонавий қуши номлари)* кабилар.

Эроний асосли номларнинг таркибида айrim архаик элементлар мавжудки, улар авестовий унсурлар билан боғланади. Халқ достонларидағи бундай бирликлар туркӣ ва эроний халқларнинг жуда қадим замонлардан бери бир худудда яшаб, яқин алоқаларда бўлиши натижаси ҳисобланади. Бундай унсурлар лексик бирликлар таркибида ҳам қўплаб учрайди.

3.3.2. Арабий асосли номлар.

Араблар томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва уларнинг узок давом этган хукмронлиги, ҳамда бу ерда яшовчи халқларнинг асрлар давомида ислом дини таъсирида бўлишлари маҳаллий аҳоли тилига, айниқса, унинг лексикасига араб сўзларининг сингиб кетишига сабаб бўлган.

Араб тилига хос сўзлар Ўрта Осиё халқлари тилига ёзма адабиёт орқали, асосан, эроний тиллардаги адабиёт орқали ўтган¹. Тарихан араб тилидан ўтган сўзларнинг айримлари ўзлашиб, ҳозирда бошқа тилдан ўтганлиги сезилмас даражага келиб қолган. Профессор Ф.Абдуллаевнинг қайд қилишича, “биз бундай сўзларни тамомила ўзлаштириб, ўз сўзимиздек

¹ Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. – Б.41-42.

турлайверамиз, ясовчи қўшимчалар воситаси билан улардан янги сўзлар ясаймиз.”¹

Хоразм достонлари ономастикасида арабий асосга эга бўлган номлар катта қўпчиликни ташкил қиласди. Айниқса, араб тилидан кирган киши номлари (антропонимлар) салмоқли ўринни эгаллайди. Маълумки, ҳар қайси тарихий давр ўзининг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжлари, талабларидан келиб чиқсан ҳолда ном танлаш тамойилларини вужудга келтиради. Ислом динининг тарқалиши ва халқ шуурига сингиши бу ерда яшовчи халқлар маънавий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, болага исм бериш одатларига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Шу сабабли ҳам, достонларда учрайдиган киши номлари фондининг таркибий қисмларидан бирини диний маъноли, асли арабча бўлган номлар ташкил қиласди.

Аллоҳ таоло номи иштирок этадиган исмларнинг катта бир гурӯҳининг охири *-улла* (*-уллоҳ*, *-аллоҳ*) компоненти билан тугайдиган номлар ташкил қиласди. Уларда Аллоҳни турли томонлама таъриф қилиш, шунингдек, фарзандли бўлишни яратганнинг иродасига боғлаш, унга шунинг учун шукроналар қилиш, фарзанднинг борлиғи, келажаги, истиқболини тангрининг хоҳиш-иродаси деб англаш каби ақидаларни кўриш қийин эмас: *Абдулла* (“Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли”) – Оллоҳнинг қули, бандаси;

Абдуқодир (“Гўрўғли”) – мислсиз куч ва қудрат соҳибининг(худонинг) қули;

Аҳмадбек, Аҳмадсардор (“Гўрўғли”) – Аллоҳга кўп ҳамд қилувчи;

Ибн Ҳожиб (“Гўрўғли”) – Ҳожибулло шакли ҳам мавжуд бўлиб, Аллоҳнинг кўриқчиси, хизматчиси, Аллоҳ йўлида хизмат қилувчи каби маъноларни билдиради;

Ибн Салом (“Ошиқнома”) Аллоҳ нажоткори, халоскори бўлган бола;

¹ Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир. Тил ва адабиёт институти асарлари . 1-китоб, Тошкент, 1948. – Б.89.

Карам дали // Карам ўғлон (“Гўрўғли”) “карам” – Оллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, бағри кенг, саховатли маъноларини билдиради;

Каримберди (“Хирмон дали”) “Карим” – Оллоҳ сифати, Каримберди – Оллоҳберган маъносига;

Раҳмон (“Зулфизар”, “Ошиқ Албанд”) Оллоҳ таолонинг сифатларидан бири бўлиб, ар-Раҳмон – раҳмли, ўта меҳрибон маъносига. Абдураҳмон, *Раҳмонберди*, *Раҳмонберди* каби номлар таркибида ҳам ушбу компонент фаол қўлланилади;

Сайфулло (“Зулфизар”) – Аллоҳнинг қиличи, шамшири ёки Аллоҳнинг ўтқир, жасур бандаси;

Саттор (“Ошиқ Албанд”) – кечирувчи деган маънода бўлиб, бу исм ҳам Оллоҳ сифатларидан бири;

Шайдулло(ҳ) (“Гўрўғли”) – Аллоҳнинг гўзал, хушсурат бандаси;

Қаҳҳор (“Мискин ва Гулқанд”) –барчани бўйсундирувчи, ғолиб маъноларида бўлиб, Оллоҳ сифатларидан бири. Ушбу қисм Абдуқаҳор исми таркибида ҳам қатнашиб, барчани мағлуб этувчининг, доимо ғолибнинг (Оллоҳнинг) кули маъносини англатади.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўладики, достонлардаги номларнинг кўпчилиги Аллоҳнинг сифатлари асосига вужудга келган. Диний мазмундаги номларнинг яна бир қисми пайғамбарларнинг номлари асосига пайдо бўлган. Манбаларда анчагина пайғамбарлар яшаб ўтганлиги хақида маълумотлар келтирилади. “Куръони Карим”да йигирма бешта пайғамбарнинг исми келтирилган. Улар: Одам, Идрис, Нуҳ, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зулқарнайн, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, ал-Ясаъ, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад¹ каби.

Бу номларнинг кўпчилиги ўзбек кишилари, умуман, мусулмончиликни қабул қилган туркий қавмлар аъзоларининг исми сифатида ҳам қўлланилади. Пайғамбарлар, уларнинг яқинларининг исмларидан ташқари, уларга хос

¹ Абдулазиз Мансур, Баҳмонёр Шокир. Мусулмончиликдан илк сабоқлар. Тошкент, 1992. – Б.13.

хусусият ва фазилатларни ифода этувчи номлар –“кунья”лар, рамзий номлар ҳам мавжуддир. Мисол учун, Ал-Амин (Мұхаммад пайғамбарнинг лақаби, маъноси –түғри сўз, жасур, аслзода демакдир), Тоҳира (Мұхаммад пайғамбарнинг хотини Ҳадичанинг лақаби, покдомон деган маънони англатади) ва бошқалар. Достонлар ономастикасида ҳам бундай исмлар анчагина:

Айюб//Аюб. “Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам” достонидаги қуйидаги парчада келтирилган: ...Зинданда бўлибдур хўблар била хўб,

Ҳақнинг балосига сабр этган Аюб... (О-2. – Б.100)

Дин тарихида Айюб – сабр-бардош тимсоли сифатида машхур бўлган пайғамбарнинг номи. Шунинг учун унинг лақаби ҳам “Сабр”дир. Бу кейинчалик Сабр, Собир исмларига айланган сўзнинг маъноси турлича шарҳланади. Айюб – “таъқиб этилувчи”¹, деб қаралса, айрим тадқиқотчилар номни “тавба қилувчи”² деб талқин қиласидилар. Бу исмнинг асли ибритча шакли “Иов”дир³. Н.А.Хусановнинг фикрича, исмнинг қадими ибритча “тавба қилувчи” талқини мантиқан тўғридир⁴. Шундай экан, Аюб –аслида ибритча номнинг арабчалаштирилган шаклидир.

Довуд. “Гўрўғли” туркумидаги “Араб танған” достонидаги қуйидаги парчада келтирилади: ...Номдор Довуд сози билан, Қирқ беш баҳии ўғлон юрсин...(Г-1. – Б.132) Бошқа достонлар ва халқ орасида “Ҳазрати Довуд” шакли ҳам мавжуд.

Тарихий манбаларда милоддан аввалги 1000-960 йилларда Истроил ва Иудеяни бирлаштирган шоҳ сифатида эътироф қилинади. У муқаддас “Забур”ни яратган. А.Навоий у ҳақда: “қачон ул савт билан “Забур”ни ўқуса эрди, вахшу тайр, инсу жинс йиғилиб, беҳол бўлурлар эрди”, –деб ёзади⁵. Исмнинг маъносини қадимги яхудий тилидаги *Давид* номи билан боғлаб

¹ Успенский Л. Ты и твоё имя. Л, 1962. – Б.615.

² Гафуров А. Имя и история. М, 1987. – Б.130.

³ Гафуров А. Лев и кипарис. М, 1971. – Б.55.

⁴ Хусанов Н.А. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидағи антропонимларнинг лексик-семантиқ ва услубий хусусиятлари. Фил.фан.док.дисс. Автореф. Тошкент, 2000. – Б.15.

⁵ Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. XV том, Тошкент, 1968. – Б.232.

изоҳлаш мумкин. Чунки, *Довуд* ушбу исмнинг арабчалашган шакли бўлиб, “севикли, дўст” деган маънони англатади. Дўст маъносини англатувчи бундай исмлар дунёнинг кўпчилик халқларида учрайди. Оллоҳнинг сифатларидан бири *ал-вадуд* ҳам “севикли” деган маънода бўлиб, араб тилига ибритча “йадад” “севмоқ” ўзагидан ўтган.

Идрис. “Шахриёр” достонидаги қуидаги парчада қўлланилган: *Бир мадад қил манго ҳазрати Идрис, Етмииш йўла ўлиб, тирилган Жиржис...*(О-2. – Б.384) Исмнинг келиб чиқиши араб тили билан боғланади. Диний манбаларда Ахнуҳ пайғамбарнинг лақаби Идрис деб юритилган. Абулғози Баҳодирхон “Шажараи турк” асарида: “Сурёний тили бирлан оти Ахнуҳ эрди. Илми диний, ҳикмат ва тибни кўб дарс айтур эрди. Ул сабабдин араб уларға Идрис теди”¹. Идрис арабча “дараса” (درس) ўрганмоқ, ўргатмоқ сўzlари билан боғланади². Шундай экан, Идрис кўп нарсани ўргатувчи, билимдон маъносига эга.

Иброҳим. “Гўрўғли” туркумидаги “Гўрўғлининг ўлими” достонида учрайди: ...*Неча йиллар тотувлиқман бир бўлиб,*

Иброҳим Сородин айрилмадиму?..(Г-2. – Б.411)

Халқ орасида ҳам турли варианtlарда анча кенг қўлланади. Мазкур исм пайғамбар номи сифатида қўплаб ёзма манбаларда учрайди. Рабғузий шундай ёзади: “Иброҳим ва Абраҳам. Бу қамуғ луғатлар дуруст турур, яъни Абур Раҳимун –бағирсоқ ота темак бўлур”³. Иброҳим қадимиј Сурёнийча Абрам (Ибром) сўзининг арабийлашган шакли бўлиб, Исҳоқ, Исмоил, Яъқуб пайғамбарлар унинг авлодлари хисобланади. Яхудий-христиан диний адабиётида Авраам номи билан машхур. Шу сабабли, Иброҳим ҳар учала дин вакиллари: яхудийлар, насронийлар ва мусулмонлар томонидан ҳурмат

¹ Шажараи турк, Абулғози Баҳодирхон. Нашрга тайёрловчилар: Қ.Муниров, Қ.Махмудов, Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1992. – Б.14.

² Арабско-русский словарь. –М, 1977. – Б.250-252.

³ Носируддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб, -Тошкент, 1990. – Б. 65.

билин тилга олинади. Шунинг учун ҳам унинг исми “халқлар отаси” деб таржима қилинади¹.

Исмоил. “Ошиқнома” туркумига кирувчи достонларда, шунингдек, халқ сўзлашув тилида ва антропонимлар фондидағи анча фаол номдир.

...Исмоилдек ўзни қурбон қилмаса,
Анинг ошиглиги эътибор ўлмас... ёки
...Бехабар ваҳий келтиран Жаброил,
Иброҳим халилнинг ўғли Исмоил...(О-2. – Б.49, 100).

Исмоил пайгамбар араблар шажарасини бошловчи илк вакили деб қаралади. Номнинг қадимги шакли “Йишма ел” –қадимги ибритча “худо эшитди” деган маънони билдиради. Аслида, бу исмни ғам “худо берган, тангрининг инъоми” маъносини берувчи номлар қаторига қўшиш мумкин².

Сулаймон. “Гўрўғли” туркумига кирувчи “Кампир” достонида шундай тилга олинади: ...Тахтга минган Сулаймонлар, Ўчди, гард ўлди, гард ўлди...(Г-1. – Б.246) Диний манбаларда келтирилишича, Сулаймон Довуднинг ўн тўққизинчи ўғли бўлиб, пайгамбарлик, подшолик ва илм отасидан мерос сифатида берилган. Ҳайвонлар, қушлар, инсу жинслар, девлар, парилар ва ҳатто, шамол ҳам унинг ҳукмига бўйсунган. Ер ости ва ер устининг ҳукмдори дея талқин қилинади:

Бу исмнинг илдизи қадимги ибритча *Шеломоҳ* (вариантлари: *Соломон*, *Сулаймон*) сўзи билан боғланиб, “тинчликсевар” деган маънони англатади³.

Мусо. “Ошиқнома” туркумига кирувчи “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонида учрайди. Халқ сўзлашув тилида, шунингдек, шева вакиллари ономастик фондида кўплаб киши исмлари сифатида кенг қўлланилади:

...Ҳақнинг бир расули ҳазрати Мусо,
Ой нуридан бўлған Ҳазрати Исо,
Бошга appa қўйған ҳазрат Зикриё,

¹ Гафуров А. Лев и Кипарис. –М, 1971. – Б.85.

² Гафуров А. Ўша асар. – Б.131.

³ Гафуров А. Имя и история. – Б.131.

Раҳм айлагил ҳоли-зорима манинг... (О-2.-Б.100). Мазкур номнинг келиб чиқиши ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Уларнинг асосий қисми мавжуд афсона билан боғланади. Афсонага кўра муナжжимлар Фиръавнга бани Исройл қавмида бир бола туғилиши, келажакда давлат унинг қўлида хароб бўлишини башорат қилишади. Шундан кейин бу қавмда туғилган ҳар бир ўғил болани ўлдиришга буйруқ берилади. Мусо туғилгач унинг онасига ғойибдан хабар келади ва болани сандиққа жойлаб, дарёга оқизади. Дарё соҳилида ўтирган Фиръавннинг хотини сандиқни дарёдан чиқариб, ичидаги болани ўзига фарзанд қилиб олади. Унга *Moše* деб исм қўяди. Ном “сувдан чиқариб олинган” деган маънони билдиради.

Алишер Навоий бу воқеани шундай ёзади: “Осия унга Мусо от қўйдики, ибрит тили билан маъноси сарв дараҳтидир¹. ” Бундан ташқари номнинг қадимги ибритчада Мессу –“бола” деган изоҳи ҳам мавжуд². Кўпчилик тадқиқотчилар Мусо номининг “сувдан топилган бола” талқинига ижобий фикр билдирадилар.

Исо. “Ошиқнома” туркумiga кирувчи “Ошиқ Ғариф ва Шоҳсанам” ҳамда “Ошиқ Албанд” достонларида мавжуд. Шунингдек, халқ орасида бу ном орқали қўплаб киши исмлари юзага келган.

...Борму ошиқларда гуноҳ, ўқилурму тилда сано,

Хурматли етти қат само, Исо манинг йўлдошимдур... (О-2. – Б.183). Бу пайғамбар мусулмонлар орасида ҳам катта ҳурмат қозонган. Унга “Инжил” нозил бўлган. Исмнинг маъноси қадимги яхудийча *Иехошуо* “худонинг марҳамати”, “қутқарувчи худованд” демакдир. *Исо* ва юонча *Иисус* шакллари ҳам шу сўздан келиб чиқкан.

Қурайш. Ушбу ном лақаб сифатида (Абулқосим Қурайши) “Малиқаи Завриё” достонида учрайди:

...Шоҳи Олам икки дунёда худо ёринг санинг,

¹ Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. XV том, Тошкент, 1968. –Б.206.

² Гафуров, кўрсатилган асар. – Б.169.

Ул Абулқосим Қурайши бўлса ғамхоринг санинг... (О-1. – Б.281)

Маълумки, Қурайш V-VI асрларда яшаган араб қабиласи. Шу қабиланинг ҳошимийлар хонадонида Мухаммад (с.а.в) туғилган. Қурайш кўпинча диний ёзувларда, дунёвий адабиётлар ва оғзаки ривоятларда тилга олинади.

Умуман, арабча элементларнинг ўзбек тилида бўлиши ўтмишда Ўрта Осиё ҳудудининг араблар томонидан фатҳ этилиши ва бунинг тарихий-ижтимоий оқибатлари билан боғлиқdir. Арабча атамалар ҳам ушбу жараён натижасида кириб келган. Милодий 712 йилда араблар Хоразмни босиб олгач, ҳар бир қишлоқда ўз вакилларини (ноиб) кўйганлар. Улар жойларда хукмронлик қилиб, ислом динини тарғиб этишган. Бу вакиллар Хўжа (хўжайин) деб аталган. Худди шу маънога яқин сейит (саид//сайд) атамаси ҳам қўлланади. Сайд арабча “жаноб, хўжайин” деган маънони англатади.

Хоразм халқ достонларида булардан ташқари ҳам бир қатор пайғамбарларнинг номлари учрайди. Жумладан, Закариё (“Оллоҳни ёд этувчи” маъносида), Исҳоқ (“кулги, кулиш, кулмоқ”), Лут (“ёпишиб олмоқ”), Нуҳ (“юпатувчи”), Ёкуб (“изидан борувчи”), Юсуф (“орттириш, қўшиш”), Юнус (“балиқлар соҳиби”), Яҳё (“ҳаммадан буюк”) ва бошқалар.

Мазкур номларнинг кўпчилиги хоразм халқ достонларида оддий кишиларнинг исми сифатида ҳам қўлланилади. Достонлар ономастикасида учрайдиган пайғамбарлар номи қадимги ёзма манбаларда учрайдиган анбиёлар исмлари билан ўхшашиб. Ҳозирги кунда достонларда ҳам, шунингдек, халқ орасида ҳам энг кўп қўлланадиган исм *Муҳаммад* исмидир. Қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Муҳаммад. Кўплаб достонларда учрайди ва унинг ёрдамида кўплаб исмлар ҳосил қилинган. Жумладан, “Гўрўғли” туркумiga кирган “Рўзахон” достонида учрайди.

...Юз иигирма тўрт минг ўтган пайғамбар,

Барига Муҳаммад Мустафо сарвар...(Г-2. – Б.355)

Қуръони Каримда ва қадимги диний китобларда унинг исми Аҳмад деб келтирилади. Ҳадис китобларида пайғамбарнинг ўзи ўз исмини Мұхаммад, Аҳмад, Махмуд ҳамда Ҳамид дея тилга олади. Аслида буларнинг барчаси арабча *ҳамида* (حمد) сўзидан ясалган бўлиб, “мақталувчи, “Аллоҳга кўп ҳамд айтувчи” деган маънени анлатади¹. Бу сўзлар бир тушунчани ифодаласа ҳам, маъно оттенкалари билан фарқланади. Мисол: Аҳмад – Аллоҳга кўп ҳамд айтувчи; Ҳамид – мақтовга сазовор; Махмуд – мақталган; Мұхаммад – мақталувчи каби.

Ислом таълимотини шарҳлашга бағишлиланган адабиётларда ёзилишича, “Аллоҳ Таолонинг 99 исми бўлгани каби жаноб Пайғамбаримизнинг ҳам 99 номлари бор”². Ана шу исмларнинг бир қанчаси халқ достонлари қаҳрамонларининг номлари сифатида ҳам учрайди: Аҳмадбек, Аҳмадсардор (“Гўрӯғли”), Маҳмуджон(“Араб танған”), Тоҳир(“Аваз гатирган”), Сайд (“Гўрӯғли”), Сайд Мұхаммад(“Мискин ва Гулқанд”), Сайдали (“Шоқаландар”), Расул(“Хирмондали”), Нажаб(“Ошиқ Нажаб”), Мансур Халлож(“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”), Назирбек(“Ошиқ Албанд”), Нурали(“Гўрӯғли”), Нуразиз(“Эдиго”), Мухтор(“Мискин ва Гулқанд”), Абулқосим қурайши(“Маликаи Завриё”), Сиддик(“Гўрӯғли”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”), Раҳим(“Шахриёр”), Раҳимберди(“Эдиго”) ва х.

Достонлар ономастик тизимида Ҳалифаи барҳақлар (чорёлар) Абу Бақр Сиддик, Умар, Усмон, Алиларнинг номлари ёки уларнинг номлари иштирок этган исмлар ҳам кўп учрайди. Булардан ташқари арабий асосли номлар орасида диний мазмун касб этмайдиган, араб тилига хос лексик бирликлардан ясалган атоқли отлар ҳам мавжуд. Бу номларга асос бўлган сўзлар ўзбек тили ва умуман туркий тиллар лексикасидан муҳим жой олган бирликлардир. Чунки, илмий адабиётларда қайд қилинишича, араб тилининг ўзбек тилига таъсири бир неча факторлар асосида содир бўлган. Бир

¹ Арабско-русский словарь. – Б.194.

² Имом ат-Термизий. Шамойили Мұхаммадия. Тошкент: Мехнат, 1991. – Б.87.

томондан, босқинчиларнинг оғзаки сўзлашув тили билан, иккинчи томондан, араб ёзма адабий тили билан тўқнашди.

Араб тили маҳаллий ахолига давлат ва фан тили, айниқса дин тили сифатида мажбуран ўқитилди ва сингдирилди¹. Натижада араб тилидан ўзбек адабий тилига, қисман ўзбек халқ шеваларига арабча сўзлар кириб келди. Уларнинг баъзилари антропонимлар ва топонимлар сифатида достонлар ономастикасида учрайди: *Аваз* (“Гўрўғли”туркуми), *Асадалихон* (“Сайёдхон ва Ҳамро”), *Амуд* (“Хурлиқо ва Ҳамро”), *Асил* (“Асил ва Карам”), *Бакир* (“Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”), *Билол* (“Хирмондали”), *Вали дўник* (“Гўрўғли”), *Вомиқ* (“Гўрўғлининг ўлими”), *Вайс//Увайс* (“Мискин ва Гулқанд”), *Вафобек* (“Юсуф ва Аҳмад”), *Даврон* (“Гўрўғли”), *Диёрбакир* (“Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”), *Жаъфар подио* (“Гўрўғли”), *Замон* (“Гўрўғли”), *Зайд* (“Ошиқнома” турк.), *Зайнаб момо* (“Хиромон пари”), *Каъба* (“Гўрўғли”), *Камолжон* (“Сайёдхон ва Ҳамро”), *Карам дали* (“Қирқ минглар”), *Лайли* (“Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”), *Луқмон* (“Ошиқ Албанд”), *Мадина* (“Ройи Чин”), *Марайим* (“Гўрўғли”), *Малик* (“Маликаи Завриё”), *Мажнун* (“Шоқаландар”), *Мутал* (“Чортокли Чамбил”), *Мунавварсултон* (“Хиромон пари”), *Мухтор* (“Мискин ва Гулқанд”), *Насриддин* (“Гўрўғли”), *Нурали* (“Аҳмад сардорнинг ўлимга буюрилиши”), *Одилшоҳ* (“Ошиқ Ғарип ва Ҳилола пари”), *Омон* (“Араб танған”), *Оқилпари* (“Балогардон”), *Олимжон* (“Маликаи Завриё”), *Робия* (“Эрҳасан”), *Раҳматулла* (“Юнус билан Мисқол”), *Саид* (“Гўрўғлининг ўлими”), *Сафар* (“Гўрўғли”), *Саёдхон* (“Саёдхон ва Ҳамро”), *Сафо* (“Қирқ минглар”), *Саид* (Гўрўғлининг ўлими), *Тоҳир* (Аваз гатирган), *Усмон*, *Умар* (“Рўзахон”), *Фарҳод* (“Авазхон”), *Фотима* (“Эдиго”), *Шамс* (“Авазнинг ўғлоннинг Румга қочиши”), *Қамар* (“Гўрўғли”), *Ҳасан* (“Ҳасанхон”), *Ҳусан* (“Ошиқнома”) ва бошқалар.

Достонлар ономастикасида арабий асосли жой номлари ҳам анчагина фоизни ташкил қиласи: *Арабистон* (“Араб Райхон”), *Вазир* (“Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”), *Диёрбакр* (“Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”), *Жазира*, *Исфа//Исфар*

¹ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Б.110.

(“Юсуф ва Аҳмад”), *Мадина* (“Гўрўғлиниң туғили.”), *Макка* (“Сарвиноз”), *Мағриб*, *Машириқ* (“Гўрўғли”), *Мадинатул Қаърия* (“Ройи Чин”), *Миср* (“Аҳмад сардорниң ўлимга буюрилиши”), *Фаранг* (“Ҳасанхон”), *Шом* (“Қирқ минглар”), *Яман* (“Шаҳриёр”), *Ҳалаб* (“Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”) ва бошқалар.

Достонлар ономастик тизимида учрайдиган яна бир фактга эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Булар турли тил элементларининг аралаш қўлланиши ҳодисасидир. Бундай номларни **гибрид номлар, аралаш асосли номлар** деб юритиш лозим.

Мисол қилиб: (араб+форс) *Анвариоҳ*, *Зобилистон*, *Неъматобод*, *Хайробод*, *Самарқанд*, *Шаҳризар* кабиларни келтириш мумкин. Бу типдаги номларниң туркӣ+арабча, туркӣ+форсча, арабча+форсча каби шакллари мавжуд. Бизнинг кузатишимизча, бундай гибрид номлар атоқли отларниң барча турларига: топонимлар, этнонимлар, антропонимларга хосдир.

Шундай экан, бундай номлар мавжудлиги ономастик бирликларниң жуда узоқ давр ушбу халқлар томонидан фаол қўлланилиб келинганлигидан далолат беради. Арабий асосли номларниң микдорий адади антропонимик тизимда жуда юқоридир. Уларниң кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам фаол қўлланилиб келинмоқда.

Шундай қилиб, халқ достонлари ономастикасининг тарихий-этимологик таҳлили шуларни кўрсатадики, ҳар бир халқниң ижтимоий турмуши, маданияти, яшаш тарзи уларниң тилида, хусусан, ономастик қатламида акс этади. Тилниң луғат таркибидағи бу қатлам анча консерватив характерга эга бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиши, барқарорлиги билан тилниң бошқа сатҳларидан ажралиб туради.

Халқ достонлари ономастикасининг таҳлилидан маълум бўладики, достонларниң ёзма вариантларидағи номлар ўзининг структурасига ва талаффузига кўра оғзаки вариантлардаги номлардан фарқ қиласи.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек халқ достонлари тилини атоқли отлар тизими бўйича ўрганиш ўзбек тилшунослиги, хусусан, ономастикаси учун муҳим маълумотларни тақдим этади. Тилнинг ҳеч бир соҳаси ономастикадек халқ тарихи билан бунчалик маҳкам боғланган эмас. Фольклор асарлари тилини шева материали нуқтаи назаридан баҳолаш ҳолларига, мазкур соҳага етарлича эътибор бермаслик ҳодисасига барҳам бериладиган вақтлар етиб келди. Зеро, биринчи президентимиз айтганидек, “...Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур.”¹

2. Маълумки, фольклор асарлари тили бадиий асарлар тилидан халқ жонли сўзлашув тилига яқин туради. Хоразм достонларидағи атоқли отлар ўзининг фонетик, грамматик жиҳатлари билан алоҳида хусусиятларга эга. Достонларда учрайдиган атоқли отларни туркман, қорақалпоқ тилидаги номлар билан қиёслаб ўрганиш тиллараро муносабатларнинг илдизларини чуқурроқ аниқлаш имконини беради. Хоразм достонлари тилида қўлланилган турли хилдаги ономастик бирликларни қардош туркий халқлар тилидаги номлар билан чоғиштириб ўрганиш билан мазкур бирликларнинг тарихий кўринишларини, эволюцион босқичларини англаш имконияти пайдо бўлади.

3. Достонлар матнидан ўрин олган атоқли отларнинг таркибий жиҳатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг аксарият қисми бирдан ортиқ компонентлардан тузилган таркибли ёки мураккаб номлар бўлиб чиқади. Содда таркибли номлар бошқа турдаги номларга қараганда бироз кам микдорни ташкил қиласи. Таркибий жиҳатдан қўшма номларни ҳосил қилишда “ономастик индикаторлар” уларнинг муҳим элементи сифатида иштирок этади. Фольклор асарлари ономастикасида бундай индикаторлар топонимларга нисбатан антропонимлар тизимида анча фаол қўлланилганлиги маълум бўлади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 171.

4. Қўшма ва мураккаб таркибли номларнинг кўпчилиги араб, форс тиллариға мансуб номлар бўлса, содда такибли номларнинг аксарияти туркий қатламга оид исмлардир. Хоразм достонларидағи қўшма ва таркибли ёки мураккаб номлар орасида маълум бир қатламга мансуб бўлмаган (туркий+арабча; арабча+туркий; форсча+арабча каби) “гирид номлар” ҳам учрайди.

5. Хоразм достонларида учрайдиган атоқли отларнинг айримлари архаиклашган номлар бўлса, кўпчилиги ҳозирги кунга қадар фаол қўлланиб келинаётган номлардир. Баъзи номлар айрим фонетик ўзгаришларга учраган тарзда ишлатилади. Достонларимиздаги атоқли отлар туркман, қорақалпоқ тилидаги варианлари билан солиштирилганда улардаги айрим товушларнинггина ўзгаришга учрагани, кўпчилик ҳолларда эса бир-бирига жуда яқин шаклга эга эканлиги аниқ ва равshan кўринади. Айниқса, Хоразм ўғуз лаҳжасидаги номларнинг варианти туркман, озарбайжон, турк тилларидаги вариантига яқин бўлса, қипчоқ лаҳжасидаги варианлар қорақалпоқ тилидаги шаклга анча яқин туради.

6. Достонлардаги туркий асосога эга бўлган атоқли отлар, асосан, топонимлар, оронимлар, гидронимлар доирасида кенг қўлланилган. Бизнингча, бунинг ўз сабаби бор. Ўзининг яшаш маконларини ерлик аҳоли томонидан номлаш энг қадимий жараёнлардан ҳисобланади. Бу ўлкаларга бошқа халқлар тилларининг таъсири эса кейинги ҳодисадир. Шу сабабли, жой номлари, тоғлар, дарёларнинг номлари, кўпинча, қадимий шаклини сақлаган ҳолда қўлланилиб келади. Киши номлари борасида бу фикрни айтиш қийинроқ бўлади, сабаби, авлодлар алмашгани каби даврга боғлиқ ҳолда улар ўзгариб боради.

7. Қахрамонларнинг саргузаштларида афсонавий дев ва парилар, учар отлар, сув ости шаҳарлари, ўн кунлик йўлни бир кунда босиб ўтилиши, афсонавий тоғлар ва дарёларнинг дарёларнинг мавжуд бўлиши достонлар сюжетига ўзига хос жозиба бахш этади. Демак, достонлар яrim тарихий, яrim афсонавий воқеалар тасвири билан бойитилган асарлардан

хисобланади. Шундай экан, достонлар лексикасидан реал ҳаётда мавжуд бўлган, тарихий шахслар, жойлар, объектларнинг номлари билан бир қаторда, реал ҳаётда мавжуд бўлмаган объектлар ва уларнинг тасвири кенг ўрин олган бўлиши табиий ҳолдир.

8. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, достонлар лексикасида қўлланилган номлар, аввало, унинг куйловчиси – бахши ёки шоирнинг билими, сўз бойлиги ва энг муҳим томони, унинг қайси диалект вакили эканлиги билан узвий боғлиқ. Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган достонлар, албатта, кишиларга маълум бўлган қайсиdir ривоят ёки афсоналарга ишора этади, шулардан озиқланади. Булар эса, кўпинча, Қуръон ва унинг оятлари билан боғлиқ бўлган ривоятлардир. Мазкур ҳолат энг аввал фольклор асарлари тилидаги киши исмларига ўзининг жиддий таъсирини ўтказган.

9. Хоразм худудий регионида муайян даврларда эроний тиллар оиласига кирувчи тилда сўзлашилгани тарихий маълумотлардан маълум. Хусусан, ўлик хоразмий тили ана шундай тиллардан биридир. Мазкур тил гарчи ўлик тилга айланган бўлса-да, ўлкада яшаб келаётган кишилар нутқида, шеваларида ўз қолдиқларини буткул йўқотмаган. Маълумки, фольклор асарлари энг қадимиј урф-одатлар, анъаналарни ўзида сақлаб келади. Шунга мос равишда энг қадимиј тил элементларини ҳам ўзида акс эттиришига шубҳа йўқ. Шу сабабдан, Хоразм достонларида эроний асосли номларнинг айримлари эскилиқ бўёғини олган бўлса, баъзилари ҳали ҳамон халқларимиз тилида ўз фаоллигини йўқотмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Абаев В.И. Этимологические заметки. Труды института языкоznания, вып. –М, VI, 1956.
2. Абдуллаев Ф. Чўзиқ унлиларнинг табиати ҳақида, ЎТАМ, 1959, III.
3. Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров, Тошкент, 1967.
4. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, I, Тошкент, 1961.
5. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир. Тил ва адабиёт институти асарлари . 1-китоб, Тошкент, 1948.
6. Абдулазиз Мансур, Баҳмонёр Шокир. Мусулмончиликдан илк сабоқлар. Тошкент, 1992.
7. Абу Муслим жангномаси, нашрга тайёрловчи Б.Саримсоқов, Ёзувчи нашриёти, Тошкент, 1992.
8. Абдураҳмонов Д. Ном қўйиш. Фан ва турмуш журнали, 1960, № 6.
9. Абрамзон С.М. К семантике киргизских этнонимов. СЭ. М-Л, 1946, №3
10. Авесто. (М.Исҳоқов таржимаси) ЎТА, Т., 2000, 6-сон.
11. Агажанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX – XIII в. Ашгабат, 1969.
12. Азербайджанско-русский словарь. Баку, 1962.
13. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. XVтом, Тошкент, 1968.
14. Арабско-русский словарь. –М, 1977.
15. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюрksких племен и народностей и сведения об их численности, Живая старина.СПб.:1896, вып. III-IV.
16. Аскаров А. Ўзбек ҳалқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, Университет, 2007,
17. Атаниязов С. “Туркменистаның географик адларының дүшүндеришлы сөзлүгү ” Ашгабат-1982.
18. Афганско-русский словарь. –М, 1966.

19. Бабаниязов Х. Фонетико-морфологические особенности кипчакского говора Южного Хорезма, АКД, Ташкент, 1966.
20. Бартольд В.В. Сочинения, Т.III. –М.: 1965
21. Бартольд В.В. К истории о рошений Туркестана, –СПб.: 1914.
22. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков, –М.: 1969.
23. Баскаков Н.А. К вопросу о происхождении этнонима киргиз. Советская этнография, –М.: 1964.
24. Бегматов Э, Ҳусанов Н, Ёқубов Ш, Боқиев Б. Ўзбек тарихий ономастикасининг долзарб муаммолари. ЎТА, 1992, 5-6 сонлар.
25. Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. АКД, Ташкент, 1965.
26. Бегматов Э. Хозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари, –Т, 1985.
27. Бекбаулов О. Қаҳарманлық эпостың, араб-парсы лексикасы ҳам аның тарихый-лингвистикалық характеристикасы. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1979.
28. Бектемиров Х, Абдураҳмонов Д. Ўзбек халқ достонлари ономастикаси. Ўзбек халқ ижоди(тўплам) Фан, Тошкент, 1967.
29. Бобониёзов Х. Абулғозий Баҳодирхоннинг Шажараи турк асари – ноёб маданий мерос. Тошкент, 1992.
30. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Шамсиев П. Юлдузча нашриёти, 1990.
31. Брегель Ю.Э. Хорезмские туркмены в XIX веке. –М.: 1961.
32. Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т.І. – СПб.: 1869.
33. Вамбери Г. Путешествие по Средней Азии, –СПб.: 1865.
34. Гафуров А. Лев и Кипарис. –М.: 1971.
35. Гафуров А. Имя и история. –М.: 1987.
36. Грамматика туркменского языка, I, Ашгабат, 1970.

37. Гулихиромон (Айтувчи – Ислом шоир, ёзиб олувчи С.Асқаров; нашрға тайёрловчилар: М.Афзалов, С.Асқаров) Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик, Тошкент, 1965.
38. Гусейнзаде А. О происхождении топонима Апшерон. СТ, 1974, №3.
39. Гўрўғли. (Нашрға тайёрловчи С.Р.Рўзимбоев) Хоразм нашриёти, 2004.
40. Гўрўғли. (Нашрға тайёрловчилар: Т.Мирзаев, З.Хусаинова) Шарқ нашриёти. Тошкент, 2006.
41. Давлатёр Раҳим, Султон Увайс, Тошкент, Ф.Гулом наш. 1992.
42. Древние авторы о Средней Азии (VI в.до н.э. – III в.н.э.) под. ред. Л.В.Баженова. –Т, 1940.
43. Дўсимов.З . Топонимлардаги фонетик ҳодисалар. ЎТА, № 3, 1970.
44. Дўсимов З. Шимолий Хоразм топонимлари. Филол. фанл. номзод. дисс. Тошкент, 1970
45. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. Тошкент, “Фан”, 1985.
46. Дўсимов З. Топонимик индикаторлар. ЎТА, Тошкент, 1972, ЎТА, №5.
47. Дўсимов З.Д, Тиллаева М.Б. Хоразм ономастикасининг шаклланиши ва Авесто. Фан, Тошкент. 2010.
48. Жирмунский В.М ва Зарифов X.T “Узбекский народный геороический эпос” –М, 1947.
49. Жило.П.В. “О названиях Каспийского моря”. Известия АН Аз ССР, серия геолого-географическая. Баку, 1960, №4.
50. Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1989.
51. Жўраев Б.Ж, Бегматов Э.А. “Атоқли отларни ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар” ЎТА, 1966
52. Зарифов X. Ўзбек халқ ижоди кўп томлигига кирадиган асарларни тайёрлаш принциплари. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. –Тошкент: 1978.
53. Зарифов X. Фольклор ва археологик материалларни қиёсий ўрганиш масаласига доир. –Тошкент: ЎТАМ, 1958,1.
54. Имом ат-Термизий. Шамойили Муҳаммадия. Тошкент: Мехнат, 1991.

55. Ирисов А. “Чаҳорёллар”. “Фан”, Тошкент, 1993.
56. Ислом. Справочник. Тошкент, 1989.
57. Ишаев А. Манғит шевасига оид кузатишилар, 1. Лақаблар ҳақида, Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 2-китоб, –Т., 1961.
58. Ишаев А. Проф. Е.Д Поливановнинг бир фикри ҳақида. ЎТА, 1966, V.
59. Ишаев А .Шоҳсанамнинг ватани қаер?, Фан ва турмуш журнали, Тошкент, 1971.
60. Ишаев А. Халқ достонлари лексикасидан. “Ўзбек халқ ижоди” тўплами, Тошкент, “Фан”, 1967.
61. Ишаев А. Манғит шевасида сўзларнинг торайиш формалари, ЎТАМ, 1962.
62. Ишаев А. Фонетические особенности Мангитского говора узбекского языка (на материалах Амударынского района), АКД, Ташкент, 1962.
63. Ишаев А. “Чамбил” сўзининг этимологияси. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни, тўплам, Фан, Тошкент, 1978.
- 64.Ишаев А. Из истории мангытов и мангытского диалекта узбекского языка. Вопросы диалектологии тюркских языков. Баку, 1960, Т. II
65. Ишаев А. Манғит сўзининг этимологияси ҳақида. ЎТАМ, 1958, №2
66. КТС, 21-бет
67. Кайдаров А.Т. К историко-лингвистический характеристика этнонима қанглы. –Тюркская ономастика, Алма-Ата, 1984.
68. Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. –М.: 1976
69. Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинения. Абулгазихана хивинского.М.: -Л, 1958
70. Кошғарий М. Девону луготит-турк. I, II, III жилдлар, Тошкент, 1960-1963.
71. Мадрахимов А. Исследования по лексике Огузского наречия, ДД, Ташкент, 1978.
72. Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. Тошкент,

Фан, 1973,

73. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.-Л, 1951.
74. Маҳмудов Н. “Ўзбекнинг ўлмас сўзи” // ТА. –Тошкент, 1998.
75. МИТТ, II,
76. Монгольско-русский словарь. –М.: 1967.
77. Мурзаев Л, Мурзаев Э. Словарь местных географических терминов.
Нашриёт ?
78. Мусаев К.М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении.
(Западноқыпчакская группа) –М.: 1975
79. Навоий, Муқаммал асарлар тўплами, 9-жилд, Тошкент, 1992.
80. Насафий (Е.Е.Березиков), Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандий, таржимон
Маҳкам Андижоний, “Мерос”, Тошкент, 1992
81. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент,
Ўқитувчи, 1988
82. Никонов В.А. Краткий топонимический словарь, Нашриёт ?
83. Новширванов З.Ш. Предварительные заметки о племенном составе
тюркских народностей пребывавших на юге Руси и в Крыму.
Симферополь, 1929
84. Носируддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб, –Тошкент, 1990.
85. Окладников А.П. Конь и знамя на ленских писаницах.
Тюркологический сборник. I, -М-Л, 1951
86. Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари, Фан, Тошкент, 1998.
87. Ошиқнома. 1-китоб. (Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев,
Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов) Хоразм нашриёти, 2006.
88. Ошиқнома. 2-китоб. (Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев,
Г.О.Эшчонова, С.С.Рўзимбоев) Хоразм нашриёти, 2006.
89. Ошиқнома. 3-китоб. (Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев,
А.Аҳмедов, С.С.Рўзимбоев) Хоразм нашриёти, 2008.
90. Ошиқнома. 4-китоб. (Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев,
Х.С.Рўзимбоев, Н.Матёзова, Н.Раимова) Хоразм нашриёти, 2009.

91. Персидско-русский словарь. М.: 1983, I том.
92. Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка, –Т, 1935,
93. Поливанов Е.Д.. Говор кишлака Кият-Конграт Шаватского района (в Хорезме). Сборник научных трудов УзНИИКС, т.1. вып.2, –Т, 1934.
94. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий, том III, ч. 2, –СПб.: 1905.
95. Ражабов Ў. Топонимик индикаторларнинг функционал-семантик хусусиятлари. НД. Тошкент, 2009.
96. Равшан достони, (Эргаш Жуманбулбул ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Ходи Зариф), -Т, 1963.
97. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане Алпомыш. АКД. –Тошкент: 1975.
98. Рашид ад-дин. Сборник летописей. т.1, кн.1 (перевод с персидского Хетагурова Л.А) –М.: 1952
99. Розенфельд А.З. *Qala* – тип укрепленного иранского населения. Советская этнография, 1951, 1.
100. Рўзимбоев С.С. Жанубий Хоразм достонларининг лисоний хусусиятлари. (Шахриёр ва Маликаи Завриё қўлёзма достонлари асосида) НДА. –Тошкент: 2000.
101. Савина В.И. О типах словообразования топонимов Ирана, Сб. Топонимики Востока, –М.: 1964
102. Сариев С.М. Хоразм Гўрўғли достонларининг қўлёзма вариантлари. НДА. –Тошкент: 2007.
103. Суперанская А.В. Ударение в собственных именах в современном русском языке. М.: 1966.
104. Тулумхўжа. (нашрга тайёрловчилар: М.Жўраев, Ҳ.Эшчанов), Тошкент, 2006
105. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1960
106. Турсунов С. Лексические особенности дастана Алпомыш АКД. – Тошкент: 1990;

107. Турсунов С. Алпомиши достонининг лексик-фразеологик хусусиятларига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: 1986, III.
108. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар. Навоийга армуғон. –Т., 1968
109. Успенский Л. Ты и твоё имя. –Л., 1962.
110. Фрейман А.А. “Хорезмийский язык”, –М., 1950
111. Фирдоуси. Шах-наме. Критический текст, том IV, сост.текста М-Н. Османов. –М., 1967.
112. Хасанов Х . Историко-топонимическая схема средней Азии. Сборник Топонимики Востока. –М.:1969
113. Холиков А.А. Гўрўғлиниң туғилиши достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. –Тошкент: 2009.
114. Ходи Зариф. Фольклор ва археологик материалларни қиёсий ўрганиш масаласига доир. ЎТАМ 1-сон, –Тошкент, 1968.
115. Ходи Зариф. Равшанхон достони ҳақида, Ўзбекистон адабиёти ва санъати журнали, 1940 йил, 5-сон
116. Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм достонлари лексикасининг услугбий-функционал хусусиятлари НДА. Тошкент: 2000.
117. Холмонова З. Шайбонийхон достони лексикаси. НДА. –Т: 1999.
118. Хусанов Н.А. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидағи антропонимларнинг лексик-семантик ва услугбий хусусиятлари. ДДА. – Тошкент: 2000.
119. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. –Т., 1999.
120. Шажараи турқ, Абулғози Баҳодирхон. Нашрга тайёрловчилар: Қ.Муниров, Қ.Махмудов, Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1992
121. Шамсиев П, Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. Академ.нашр. –Т.,1953.
122. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974
123. Шаниязов К. Қанг давлати ва қангликлар, Тошкент, Фан, 1990.

124. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков, –Л., 1970
125. Щерба Л.В. Восточнолужицкие наречия. –СПб , 1915.
126. Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, Фан, 1962.
127. Шоабдураҳмонов Ш. Равshan достонида бадиий фонетика элементлари. Ўзбек халқ ижоди. –Тошкент: 1967.
128. Шоабдураҳмонов Ш. О поэтических особенностях языка поэмы “Равшан” Эргаша Джуманбулбул оглы.// Общественные науки в Узбекистане. 1970, 10.
129. Шоабдураҳмонов Ш. Эргаш Жуманбулбул достонларида ифода ва тасвирийлик.//Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, V.
130. Шоабдураҳмонов Ш. Равшан достони ҳақида.// Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. 2-китоб. –Тошкент: Фан, 1971.
131. Эбдирахманов А. Қазақстан этнотопонимикаси (зерттеу тарихыннан), Алматы, 1979
132. Ўзбек тили грамматикаси, Тошкент, Фан, 1976, II т
133. Ўзбек халқ достонлари. II том, Тошкент, Фан, 1957.
134. ЎзСЭ, 570-бет
135. Қораев С. Географик номлар маъносии биласизми? –Т., 1970
136. Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. –Т., 1957 Нашриёт ?
137. Ҳасанов Ҳ. Географик терминлар лугати. Нашриёт ?
138. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1980.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	3.
 1-БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ЛУГАВИЙ-МАҢНОВИЙ ГУРУХЛАРИ.	
1.1. Жой номлари	15
1.1.1. Тарихий реал номлар.....	16
1.1.2. Түкима (нореал) номлар.....	33
1.2. Киши номлари	38
1.2.1. Тарихий шахслар номлари.....	39
1.2.2. Достонлардаги лақаблар.....	48
1.2.3. Бадиий қаҳрамонлар номлари.....	54
1.3. Бошқа турдаги ономастик гурухлар.....	56
1.3.1. Мифоним ва теонимлар	56
 2-БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ-ТАРКИБИЙ ТАҲЛИЛИ.	
2.1. Атоқли отларнинг моғологик таркиби	63
2.1.1. Содда таркибли номлар.....	67
2.1.2. Қўшма таркибли номлар.....	77
2.1.3. Мураккаб таркибли номлар.....	70
2.2. Номлар таркибидаги қўлланувчи индикаторлар.....	73
2.2.1. Антропонимик индикаторлар.....	73
2.2.2. Топонимик индикаторлар.....	84
2.3. Номлар таркибидаги фонетик ҳодисалар.....	89
 3-БОБ. АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАВСИФИ	
3.1. Этник номлар.....	97
3.2. Туркий асосли номлар.....	99
3.3. Туркий бўлмаган халқларга алоқадор этнонимлар.....	111
3.3.1. Эроний асосли номлар.....	112
3.3.2. Арабий асосли номлар.....	119
 ХУЛОСАЛАР.	130
 ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	133



Оллоёров Қувондиқ Мадиёрович

1969-йил 9-февралда Хоразм вилояти Кўшкўпир туманидаги Оқдарбанд қишлоғида туғилган. Мактабни аъло баҳоларга битказиб, 1987-1989 йилларда армия сафларида хизмат қилган. 1989-90 ўқув йилида Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро Давлат университетининг тайёрлов бўлимини тугатиб, шу йили Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетига ўқишига қабул қилинган.

1995-йилда Кўқон шаҳрида Олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари ўртасида бўлиб ўтган олимпиадада фахрли биринчи ўринни эгаллаган. 1995-йилда университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, УрДУнинг Умумий тилшунослик кафедрасига ишга қабул қилинган.

Шу давр мобайнида чет эл, марказий ва маҳаллий матбуотда ўттиздан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган. Ҳозирда “Хоразм достонлари ономастикаси” мавзусидаги диссертация бўйича изланишлар олиб бормоқда.